



Tadqiqot.uz

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VA XORIJY OLIY TALIM MUASSASALARI
PROFESSOR-O'QITUVCHILARI, YOSH OLIMLAR, DOKTORANTLAR,
MAGISTRANTLAR VA IQTIDORLI TALABALAR

DAVRIYLIGI: 2018-2025

RESPUBLIKA KO'P TARMOQLI

ILMIY KONFERENSIYA

YANGI O'ZBEKISTON: 2025

CONFERENCES.UZ

ILMIY TADQIQOTLAR

| ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES |

MATERIALLAR TO'PLAMI

FEVRAL

№ 73
TOSHKENT



CONFERENCES.UZ

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН:
ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
2-ҚИСМ**

**НОВЫЙ УЗБЕКИСТАН:
НАУЧНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
ЧАСТЬ-2**

**NEW UZBEKISTAN:
SCIENTIFIC RESEARCH
PART-2**

ТОШКЕНТ-2025



УЎК 323(575.1)(063)

КБК 66.3(5Ў)я43

Й-18

DOI 10.5281/zenodo.11390854

«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: Илмий тадқиқотлар» [Тошкент; 2025]

«Янги Ўзбекистон: Илмий тадқиқотлар» мавзусидаги республика 73-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 28 феврал 2025 йил. – Тошкент: «Tadqiqot», 2025. – 122 бет.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар «Харакатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган етти устувор йўналишдан иборат 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мувофиқ: – илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазибалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари тахтил қилинган конференцияси.

Маъсул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши -

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар -

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар -

Исмаилов Хусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тугган ўрни -

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви -

Доцент Шакирова Шохида Юсуповна (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети "Беш муҳим ташаббус" маркази раҳбари)

6. Журналистика -

Тошбоева Барноҳон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар –

Самигова Умида Ҳамидуллаевна ("Kinder land of Asia" НТМ ўқув ва тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари)

8. Адабиёт -

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9. Иқтисодиётда инновацияларнинг тугган ўрни -

Phd Воҳидова Меҳри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10. Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар -

Турсунназарова Эльвира Таҳировна (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, таржимонлик факультети, инглиз тили амалий таржимаси кафедраси в.б. доценти, PhD)

11. Жисмоний тарбия ва спорт -

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12. Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши -

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13. Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши -

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)



14.Тасвирий санъат ва дизайн-

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва хаёт-

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар -

Доцент Нормирзаев Абдукаюм Рахимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари -

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар -

Зупарова Зулфия Ахрор кизи, Тошкент тиббиёт академияси фармакология кафедраси доценти, DSc (фармацевтика фанлари доктори)

19.Фармацевтика -

Жалилов Фазлиддин Содикович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария -

Жалилов Фазлиддин Содикович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари -

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)

22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар -

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари -

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар -

Phd доцент Қаххоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти)

25.География-

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпلامга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналлов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000



ҲУҚУҚ ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

ЮРИДИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТИЗИМИДА ҲУҚУҚИЙ МОНИТОРИНГНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ

Машкуров Ғайрат Абдужалилович
Ўзбекистон Республикаси Судьялар
олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий
мактаби мустақил изланувчиси, юридик
фанлар номзоди,
E-mail: gayratshoh@gmail.com

АННОТАЦИЯ: ушбу мақолада юридик технологиялар тизимида ҳуқуқий мониторингнинг роли назарий жиҳатдан ёритиб берилган. Бунда муаллиф ҳуқуқий мониторинг билан юридик техника, юридик экспертиза, юридик прогнозлаш, тартибга солиш таъсирини баҳолаш ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти мониторинги юридик технологиялари билан ўзаро таққослаган ҳолда уларнинг ўзига хос жиҳатларини очиб беришга ҳаракат қилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: юридик техника, ҳуқуқий мониторинг, қонун сифати, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, норматив-ҳуқуқий ҳужжат, юридик техника, норматив ҳужжат лойиҳаси, ижтимоий муносабат, тартибга солиш таъсири ва б.

АННОТАЦИЯ: в данной статье теоретически освещается роль правового мониторинга в системе юридических технологий. При этом автор попытался раскрыть их специфические аспекты путем сравнения правового мониторинга с юридической техникой, юридической экспертизой, юридическим прогнозированием, оценкой регуляторного воздействия и юридическими технологиями мониторинга правоприменительной практики.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА: юридическая техника, правовой мониторинг, качество закона, правоприменительная практика, нормативно-правовой акт, юридическая техника, проект нормативного акта, общественные отношения, регуляторное воздействие и др.

ABSTRACT: This article theoretically illuminates the role of legal monitoring in the system of legal technologies. In this case, the author attempted to reveal their specific aspects by comparing legal monitoring with legal technology, legal expertise, legal forecasting, regulatory impact assessment, and law enforcement practice monitoring.

KEYWORDS: legal technique, legal monitoring, quality of law, law enforcement practice, normative legal act, legal technique, draft normative act, social relations, regulatory impact, etc.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда юридик технологиялар ва уларнинг турлари шиддат билан ривожланмоқда. Юридик технологиялар тизимида ҳуқуқий мониторинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш жоиз.

Юридик технологиялар турли мезонларга асосан таснифланади. Бунда юридик технологиялар таснифининг энг кенг тарқалган турларидан бири академик Т.Я.Хабриева томонидан тақлиф этилган тегишли жараёнларга жалб қилинганлик даражасидан келиб чиқиб таснифлаш ҳисобланади. Таснифлашнинг ушбу турига мувофиқ юридик технологиялар куйидаги турларга ажратилади:

а) қонун сифати ва ҳуқуқни қўллаш самарадорлигини таъминловчи умумтизимли юридик технологиялар (юридик техника, ҳуқуқий мониторинг, юридик прогнозлаш, ҳуқуқий экспертиза ва б.);

б) коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бартараф этувчи махсус юридик технологиялар (коррупцияга қарши мониторинг, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг махсус коррупцияга қарши экспертизаси, хатарларни баҳолаш);

в) мувофиқлаштирувчи юридик технологиялар (тартибга солиш таъсирини баҳолаш, қонунчиликни тизимлаштиришнинг ахборот-ҳуқуқий технологиялари, ҳуқуқий маълумотларни қайта ишлаш).

Юқоридаги таснифдан келиб чиқадиган бўлсак, ҳуқуқий мониторинг ҳуқуқ нормаларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва ўзгартириш, ушбу нормалар ҳамда уларни амалиётда



қўллашда кўзланган мақсадга ва ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг режалаштирилган натижаларига эришишга қаратилган фаолиятни кузатиш, таҳлил қилиш ва сифатини баҳолаш бўйича ваколатли субъектларнинг методик асосланган, шунингдек ҳуқуқ ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш йўллари прогнословчи комплекс тизимли фаолияти бўлиб ҳисобланади.

Айнан юқорида санаб ўтилган жиҳатлари билан ҳам ҳуқуқий мониторинг юридик технологияларнинг бошқа турларидан ажралиб туради.

Ҳуқуқий мониторингнинг моҳияти ҳақида сўз кетганда тадқиқотчи Р.Сайидов ҳуқуқий мониторинг ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш даражасини доимий кузатиш, ҳуқуқий тизимнинг ҳолатини танқидий баҳолаш натижасида уни мақбул ҳолатга келтириш усул ва услубларини ишлаб чиқиш, уларни амалиётга жорий қилишга хизмат қилишини таъкидлайди¹.

Ўз навбатида ҳуқуқий мониторингнинг моҳиятини тўғри тушуниш орқали унинг юқорида кўриб ўтилган юридик технологияларнинг бошқа турларидан фарқини ажратиш кўрсатиш мумкин. Қуйида ҳуқуқий мониторингни айрим юридик технологиялар билан фарқли жиҳатларини кўриб чиқамиз.

Аввало ҳуқуқий мониторингни юридик техника билан фарқли жиҳатига тўхталиб ўтсак. Умумэтироф этилган қоидага мувофиқ юридик техника деганда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тизимлаштиришда қабул қилинган қоидаларга мувофиқ қўлланиладиган усуллар, воситалар ҳамда услублар мажмуи тушунилади².

Демак, юридик технологиянинг алоҳида тури сифатида юридик техниканинг моҳияти ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштиришга оид техник хусусиятга эга бўлган талабларга риоя этилишини таъминлашдан иборатдир.

Юридик техникада асосий эътибор муайян ғоянинг тегишли тарзда расмийлаштиришга қаралса, ҳуқуқий мониторинг ўтказишда тегишли ижтимоий муносабатнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинганлик самарадорлигига эътибор қаратилади.

Қолаверса, юридик техника ҳуқуқий мониторинг доирасида эътибор қаратилиши мумкин бўлган ўзига хос кичик бир детал ҳисобланишини ҳам таъкидлаш жоиз.

Шу билан бирга, ҳуқуқий мониторинг ўтказишда юридик техника ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлишини таъкидлаш жоиз. Бу орқали юридик техниканинг ҳуқуқий тартибга солишдаги муҳим ролини камайтирмоқчи эмасмиз.

Юридик технологияларнинг бошқа турларидан фарқли равишда юридик прогнозлаш ҳуқуқий мониторинг билан ташқи жиҳатдан ўхшаш бўлиб кўринади. Жумладан, юридик прогнозлашда ҳам ҳуқуқий мониторингда қўлланиладиган кузатув, баҳолаш ва бошқа бир қатор усуллардан фойдаланилиши мумкин.

Бунда юридик прогнозлаш билан ҳуқуқий мониторингни бир-биридан фарқловчи асосий жиҳат сифатида уларнинг мақсадига эътибор қаратиш лозим.

Юридик прогнозлаш давлат бошқарув жараёнларини ҳуқуқий таъминлашга қаратилган бўлиб, қонунчилик тизими, ҳуқуқни қўллаш ва ҳуқуқий онг сингари ҳуқуқий тизимнинг барча элементларини қамраб олиши лозим. Юридик прогнозлашда ҳуқуқий тизим ривожланиш тенденцияларини кўриб чиқиш орқали қонунчилик фаолиятини прогнозлаш марказий ўринни эгаллайди.

Юридик прогнозлашнинг ҳуқуқий мониторингдан яна бир фарқли жиҳати шундаки, ҳуқуқий мониторингда мониторинг натижаларидан келиб чиқиб, амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқишга асосий эътибор қаратилса, юридик прогнозлашда келгусида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар диққат марказида бўлади.

Юридик экспертиза ҳам моҳият жиҳатдан ҳуқуқий мониторингдан фарқ қилишини таъкидлаш жоиз. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳуқуқий экспертизадан кўзланган асосий мақсад норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг Конституция ва қонунларга, унга нисбатан юқорироқ юридик кучга эга бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг талабларига мувофиқлиги, шу жумладан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослилиги ҳамда мақсадга

¹ Р.Сайидов. Ҳуқуқий мониторинг: барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда муҳим бўлган институт. “Ўзбекистон ва БМТ: ўзаро ҳамкорлик ва барқарор тараққиёт” онлайн илмий-амалий конференция материаллари. <https://lpri.uz/014391/>

² <https://ru.wikipedia.org/wiki>



мувофиқлигини аниқлашдан иборатдир¹.

Албатта ҳуқуқий мониторинг ўтказилганда ҳам ҳуқуқий экспертизада ўрганилиши лозим бўлган масалалар кўриб чиқилиши мумкин. Лекин муайян қонун ҳужжати юзасидан ҳуқуқий мониторинг ўтказилганда мазкур ҳужжатни қабул қилгунга қадар бўлган жараёнда у ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади ва мониторинг доирасида такроран ҳуқуқий экспертиза ўтказишга зарурат қолмайди.

Қолаверса, мониторинг билан ҳуқуқий экспертизадаги яна бир фарқли жиҳат шундаки, ҳуқуқий экспертизада асосан қонун ҳужжатининг формал талабларга жавоб беришига эътибор қаратилиб, унда белгиланган қоидаларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солиш даражаси ёки ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан жамиятда келиб чиқиши мумкин бўлган ижтимоий, сиёсий ва бошқа оқибатларга эътибор қаратилмайди.

Ҳуқуқий мониторинг ўтказилганда эса, муайян қонун ҳужжати нормаларини такомиллаштириш жараёнида янги тартибнинг белгиланиши келгусида жамиятда юз бериши мумкин бўлган турли оқибатлар ҳам инобатга олинади.

Масалан, ҳуқуқий мониторинг натижасида таклиф этилаётган қонунчилик ҳужжатининг қабул қилиниши натижасида Ўзбекистоннинг келгусида халқаро рейтинглардаги позицияси яхшиланишига қанчалик таъсир кўрсатиши прогноз қилиниши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ёки улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси моҳият жиҳатдан ҳуқуқий мониторингдан фарқ қилади. Бунда коррупцияга қарши экспертиза ўтказишдан кўзланган асосий мақсад коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этиш имкониятини яратувчи коррупцияни келтирувчи омилларни аниқлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси эса улар қабул қилинишининг коррупция ҳолатлари учун имконият яратувчи оқибатларини умумий баҳолаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш жараёнида коррупция хусусиятига эга хавфларнинг юзага келиши эҳтимолини прогноз қилишдан иборатдир.

Ўз навбатида ҳуқуқий мониторинг доирасида ҳам ҳуқуқий экспертизада бўлгани сингари тегишли қонун ҳужжатидаги коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларга баҳо берилиши, уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиши ҳам мумкин.

Бошқача айтганда, ҳуқуқий мониторинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ёки улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасига нисбатан кенглиги билан юридик технологиянинг ушбу туридан фарқ қилади.

Қолаверса, ҳуқуқий мониторинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ёки улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини тўлдиришини ҳам таъкидлаш жоиз.

Жумладан, муайян қонун ҳужжати қабул қилинишидан олдин коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш жараёнида аниқланмаган коррупциявий омил кейинчалик ҳуқуқий мониторинг ўтказиш жараёнида ҳам аниқланиши мумкин.

Юридик технологиялар тизимида тартибга солиш таъсирини баҳолаш ҳам ҳуқуқий мониторингга қўлланиладиган усуллари, олдида қўйган мақсади ва бошқа жиҳатлари билан ҳуқуқий мониторингга шаклаш ўхшаш бўлиб кўриниши мумкин.

Чунончи, бундай ўхшашлик тартибга солиш таъсирини баҳолашда ҳам ҳуқуқий мониторинг сингари норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида юзага келиши мумкин бўлган эҳтимолий оқибатларни ва унинг тартибга солиш мақсадларига эришилишини, шунингдек амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солувчи муносабатларга таъсирининг самарадорлиги ва натижадорлигини аниқлаш ва баҳолашга қаратилган чора-тадбирлар кўрилишида намоён бўлади².

Бироқ, ҳуқуқий мониторинг билан тартибга солиш таъсирини баҳолаш ўртасида бир қатор фарқли жиҳатлар мавжуд бўлиб, улар қуйидагиларда кўринади:

– иқтисодий аҳамиятга эга бўлган масалалар доирасида тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказилади. Чунончи, тартибга солиш таъсирини баҳолашда асосий эътибор манфаатдор томонлар асоссиз харажат қилиши, ортиқча мажбурият юклаши, тақиқ ва чекловлар юзага келганлиги (келмаганлиги)ни ўрганилади. Ҳуқуқий мониторинг учун эса, муайян масаланинг иқтисодий аҳамиятга эга эмаслиги тўсиқ бўла олмайди;

– ҳар қандай масала юзасидан ҳам тартибга солиш таъсирини баҳолаш ўтказилмайди. Хусусан, тадбиркорлик субъектларига янги чекловлар ва янги турдаги руҳсат бериш тартиб-

¹ Ўзбекистон Республикасининг 20.04.2021 йилдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги ЎРҚ-682-сон Қонуни. <https://lex.uz/docs/5378966>

² Ўзбекистон Республикасининг 20.04.2021 йилдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги ЎРҚ-682-сон Қонуни. <https://lex.uz/docs/5378966>



таомиллари, лицензиялар жорий қилиш ёки мавжуд чеклов, рухсат бериш тартиб-таомиллари ва лицензияланадиган фаолият турларини бозор иштирокчиларининг янада кенгроқ доирасига татбиқ қилишни, рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни ёки лицензияларни олиш учун қўшимча талаблар ва шартларни жорий этишни ва бошқа қонунчиликда белгиланган масалалар юзасидан тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказилади¹. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ҳуқуқий мониторинг уни ўтказувчи субъектнинг ташаббусига кўра исталган ижтимоий муносабат доирасида ўтказилиши мумкин;

– одатда тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш муайян масала юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат амалда бўлганда амалга оширилади. Ҳуқуқий мониторинг ўтказиш учун ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мавжудлиги ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас.

Ўз навбатида ҳуқуқий мониторинг қуйидаги бир қатор ўзига хос хусусиятларга эгаллигини ҳам таъкидлаш жоиз:

ҳуқуқий мониторинг юридик прогнозлаш ва ҳуқуқ ижодкорлигини режалаштириш учун тегишли шарт-шароит яратиш, ҳуқуқий тартибга солишнинг самарали механизмини яратишга, ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўлловчи органлар, фуқаролик жамияти институтлари, шунингдек яхлит ҳолда давлат ва жамият ўртасида тескари алоқани таъминлашга қаратилган бўлади;

ҳуқуқий мониторингнинг асосий моҳияти ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг самарадорлиги, яъни муайян норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилишда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мақсадга эришишлиши, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамланиши, ҳуқуқбузарликларнинг камайишига эришиш, коррупциявий, иқтисодий, молиявий ва бошқа турли хатарларни минималлаштириш ҳамда олдини олиш, аҳоли ҳуқуқий онги ҳамда маданиятини, бутун жамият ҳуқуқий онгини юксалтиришдан иборатдир;

ҳуқуқий мониторингда асосий эътибор бутун ҳуқуқий жараёндаги барча, яъни муайян ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш зарурати пайдо бўлган вақтдан бошлаб, ҳуқуқий тартибга солишдаги камчиликларни ҳамда уни такомиллаштириш эҳтиёжини аниқлашгача бўлган даврда ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солувчиси сифатида ҳуқуқ амал қилишининг самарадорлигини таъминлашга қаратилади;

муайян соҳанинг ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлиги бўйича ҳуқуқий мониторинг ўтказишда баҳолашнинг коррупцияга қарши экспертиза, тартибга солиш таъсирини баҳолаш, кузатиш, ижтимоий тадқиқотлар каби усуллари ҳам фойдаланилади.

Шу ўринда турли адабиётларда ҳуқуқий мониторинг билан бир вақтда ҳуқуқни қўллаш мониторинги ва қонун ҳужжатлари мониторинги тушунчалари қўлланилишини, улар бир-биридан ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туриши ҳақида хилма-хил ёндошувлар учрашини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Амалдаги қонунчилик ҳужжатларида қонун ҳужжатлари мониторинги тушунчаси қўлланилмаган бўлсада, 2018 йил 3 апрелга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида айнан шундай ном билан алоҳида институт фаолият юритган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 апрелдаги ПФ-5395-сон “Амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони 5-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти тугатилган².

Бунда Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти тугатилгунга қадар бугунги кунда ўз кучини йўқотган бир қатор қонунчилик ҳужжатларида “амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги” атамаси қўлланилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4305-сон Фармони ва бошқа ҳужжатларда бевосита амалдаги қонун

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 мартдаги ПҚ-5025-сон қарори билан тасдиқланган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом. <https://lex.uz/docs/5331912#5333200>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.04.2018 йилдаги ПФ-5395-сон “Амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. <https://lex.uz/docs/3608660>



хужжатлари мониторинги тушунчаси қўлланилган¹.

Бу эса ўз навбатида амалдаги қонун хужжатлари мониторинги тушунчаси бевосита ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ фаолият эканлиги, лекин ҳуқуқий мониторинг атамаси билан бир хил тушунча эмаслигини англатади.

Адабиётларда қонун хужжатлари мониторинги тушунчасига тегишли фаолият соҳаларида давлат назорати ва маҳаллий назорат самарадорлигини кузатиш, баҳолаш, таҳлил қилиш ва прогнозлаш тизими сифатида таъриф берилади².

Гувоҳ бўлганимиздек, қонун хужжатлари мониторинги ва ҳуқуқий мониторинг тушунчалари мазмунан бир-бирини тўлдирсада, қамров жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади. Бунда амалдаги қонун хужжатлари мониторинги бевосита амалда бўлган норматив-ҳуқуқий хужжатлар базаси асосида амалга оширилса, ҳуқуқий мониторингни ўтказишда қонунчилик хужжати ҳали қабул қилинмаган бўлиши ҳам мумкинлиги ҳам назарда тутилади.

Шу билан бирга, ҳуқуқни қўллаш мониторинги ҳам ўзининг табиатига кўра ҳуқуқий мониторингдан ажралиб туради. Ушбу масала юзасидан алоҳида тадқиқот олиб борган ҳуқуқшунос Е.Никифорова ҳуқуқни қўллаш мониторингининг асосий вазифалари қуйидагилар эканлигига эътибор қаратди:

норматив-ҳуқуқий хужжатларнинг қўллаш амалиёти тўғрисида маълумотларни тўплаш;
тўпланган маълумотлардан келиб чиқиб, амалдаги норматив-ҳуқуқий хужжатларни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш³.

Айрим тадқиқотларда ҳуқуқни қўллаш мониторинги тушунчаси ҳуқуқий мониторингга ўхшаш бўлган бошқа тушунчалар билан ҳам боғланилади. Жумладан, ҳуқуқшунос И.В.Жужгов ҳуқуқни қўллаш мониторингини ҳуқуқий макон мониторингининг элементларидан бири ҳисобланишини таъкидлаб ўтади. Бироқ, ҳуқуқий макон мониторинги деганда нимани тушунилиши ҳақидаги масалага тўхталиб ўтмайди⁴.

Ҳуқуқшунос А.И.Гунин ҳуқуқни қўллаш мониторингини мониторингни бошқа турларидан ажратиб турадиган хусусиятларидан бири сифатида уни амалга оширишда маълумот олинадиган манбаларнинг хилма-хил эканлигида деган хулосага келади. Бунда ҳуқуқни қўллаш мониторингини ўтказишда қуйидаги муҳим манбалардан маълумот олинишини таъкидлайди:

умумий юрисдикция ва арбитраж судларининг амалиёт материаллари;
ижроия ҳокимияти таркибига кирувчи давлат бошқарув органлари фаолиятининг амалиёти материаллари;
жамоат, илмий, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёки бошқа ташкилотлардан келиб тушган маълумотлар;
оммавий ахборот воситаларининг маълумотлари;
фуқаролардан олинган маълумотлар⁵.

Фикримизча, олинадиган маълумотлар доирасидан келиб чиқиб ҳуқуқни қўллаш мониторингини қонун хужжатлари мониторинги ёки ҳуқуқий мониторингдан фарқлаш мақсадга мувофиқ эмас. Зеро, ҳуқуқий мониторинг ҳам маълумот олиш манбасининг чекланганлиги билан боғлиқ қараш бирорта манбаларда ёки тадқиқотларда учрамайди.

Бизнингча ҳам, ҳуқуқни қўллаш мониторингида амалдаги қонун хужжатлари мониторинги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги амалдаги қонун хужжатлари мониторинги институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4305-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/1792696>

² Мониторинг правоприменения в судебной практике. <https://pravoprim.spbu.ru/yurisprudentsiya/osnovy-pravovoj-sistemy/item/416-monitoring-pravoprimeneniya-v-sudebnoj-praktike.html>

³ Никифорова Е.Н. Правовой мониторинг как комплексный механизм оперативной оценки действующего законодательства. Евразийская интеграция: Экономика, Право, Политика. 2013, № 13. <https://cyberleninka.ru/article/n/pravovoy-monitoring-kak-kompleksnyy-mehanizm-operativnoy-otsenki-deystvuyushego-zakonodatelstva>

⁴ Прокопьева Н.В., Иванов И.В. Понятие и принципы мониторинга правоприменения: теоретико-правовой аспект. Актуальные проблемы экономики и права. 2015. № 2. <https://cyberleninka.ru/article/n/ponyatie-i-printsipy-monitoringa-pravoprimeneniya-teoretiko-pravovoy-aspekt>

⁵ Гунин А.И. Мониторинг правоприменения. URL: <http://www.novodar.ru/index.php/crimes/214-lawlaw/4548-mpe-09-2011> (дата обращения: 22.04.15).



сингари асосий эътибор амалиёт ва тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ўзаро уйғунлигига қаратилади.

Демак, гувоҳ бўлганимиздек, ҳуқуқни қўллаш мониторинги ҳам амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги билан мазмунан ўхшаш бўлсада, вазифалари жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади.

Шу билан бирга, ҳуқуқни қўллаш мониторинги ва амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги бевосита ҳуқуқий мониторингни тўлдириб турувчи таркибий қисмлар сифатида намоён бўлмоқда.

Мазкур нуқтаи-назардан келиб чиқиб, айрим олимлар томонидан эътироф этилган ҳуқуқий мониторинг тушунчаси ҳар қандай ҳуқуқий восита ҳуқуқий тартибга солиш механизмидаги ҳуқуқ нормаларининг сифатли амал қилишига таъсири кўрсатиши туфайли ҳуқуқий восита сифатида бевосита қонун ҳужжатлари мониторинги билан ҳуқуқни қўллаш мониторингининг асосий жиҳатларини ўз ичига қамраб олади деган қарашларини қўллаб-қувватлаймиз¹.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Р.Сайидов. Ҳуқуқий мониторинг: барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда муҳим бўлган институт. “Ўзбекистон ва БМТ: ўзаро ҳамкорлик ва барқарор тараққиёт” онлайн илмий-амалий конференция материаллари. <https://lprj.uz/014391/>

2. <https://ru.wikipedia.org/wiki>

3. Ўзбекистон Республикасининг 20.04.2021 йилдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги ЎРҚ-682-сон Қонуни. <https://lex.uz/docs/5378966>

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 мартдаги ПҚ-5025-сон қарори билан тасдиқланган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом. <https://lex.uz/docs/5331912#5333200>

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.04.2018 йилдаги ПФ-5395-сон “Амалга оширилади ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. <https://lex.uz/docs/3608660>

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4305-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/1792696>

7. Мониторинг правоприменения в судебной практике. <https://pravoprim.spbu.ru/yurisprudentsiya/osnovy-pravovoj-sistemy/item/416-monitoring-pravoprimeneniya-v-sudebnoj-praktike.html>

8. Никифорова Е.Н. Правовой мониторинг как комплексный механизм оперативной оценки действующего законодательства. Евразийская интеграция: Экономика, Право, Политика. 2013, № 13. <https://cyberleninka.ru/article/n/pravovoy-monitoring-kak-kompleksnyy-mehanizm-operativnoy-otsenki-deystvuyuschego-zakonodatelstva>

9. Прокопьева Н.В., Иванов И.В. Понятие и принципы мониторинга правоприменения: теоретико-правовой аспект. Актуальные проблемы экономики и права. 2015. № 2. <https://cyberleninka.ru/article/n/ponyatie-i-printsipy-monitoringa-pravoprimeneniya-teoretiko-pravovoy-aspekt>

10. Гунин А.И. Мониторинг правоприменения. URL: <http://www.novodar.ru/index.php/crimes/214-lawlaw/4548-tpe-09-2011> (дата обращения: 22.04.15).

11. Русская А., Бутенко Т. Мониторинг законодательства и правоприменения как правовое средство в системе права. Вестник АМГУ Выпуск 98, 2022. <https://cyberleninka.ru/article/n/monitoring-zakonodatelstva-i-pravoprimeneniya-kak-pravovoe-sredstvo-v-sisteme-prava/viewer>

¹ Русская А., Бутенко Т. Мониторинг законодательства и правоприменения как правовое средство в системе права. Вестник АМГУ Выпуск 98, 2022. <https://cyberleninka.ru/article/n/monitoring-zakonodatelstva-i-pravoprimeneniya-kak-pravovoe-sredstvo-v-sisteme-prava/viewer>



ПРАВОВЫЕ МЕХАНИЗМЫ ЗАЩИТЫ ЦИФРОВОГО НАСЛЕДСТВА В
УЗБЕКИСТАНЕ В УСЛОВИЯХ WEB 3.0: ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ
РАЗВИТИЯ

Шаймарданова Дилафруз Дилмуратовна
самостоятельный соискатель степени PhD
shaimardanova.dd@gmail.com
+998(97) 753 37 15

Аннотация: В статье исследуются актуальные вопросы правового регулирования цифрового наследства в Республике Узбекистан в условиях развития технологий Web 3.0. Автор анализирует проблемы, связанные с наследованием цифровых активов, таких как криптовалюта, NFT, аккаунты в социальных сетях и другие виртуальные объекты. Особое внимание уделяется несоответствию традиционных норм наследственного права современным реалиям цифровой экономики. Исследование выявляет ключевые проблемы: отсутствие четкого правового регулирования цифровых активов, сложности трансграничного наследования, конфликты между наследственными правами и пользовательскими соглашениями платформ. На основе анализа международного опыта и национального законодательства предлагаются пути совершенствования правовых механизмов.

Ключевые слова: цифровое наследство, Web 3.0, блокчейн, криптовалюта, NFT, цифровые права, наследственное право, Узбекистан, пользовательские соглашения, цифровые активы.

Введение

Современное общество переживает этап глубокой цифровой трансформации, которая затрагивает даже такие консервативные институты, как наследственное право. Появление новых форм цифровых активов, таких как криптовалюта, NFT, виртуальные аккаунты и онлайн-контент, требует пересмотра традиционных подходов к правовому регулированию.

Цифровые объекты обладают уникальными характеристиками, в отличие от традиционных объектов: они не имеют физического воплощения, часто существуют в режиме права пользования, а не собственности, и могут быть распределены по серверам в разных странах мира. Эти особенности и создают значительные сложности при их включении в наследственную массу.

Целью исследования является анализ действующего законодательства Узбекистана в контексте регулирования цифрового наследства, выявление проблем и разработка предложений по совершенствованию правовых механизмов с учетом специфики Web 3.0.

Результаты исследования

1. Правовые коллизии в определении и отнесения цифровых объектов в наследственную массу.

Действующее законодательство Узбекистана не содержит специальных норм, регулирующих наследование цифровых объектов. Отсутствие четких определений «цифровых прав» и «цифровых объектов» затрудняет их идентификацию как объектов наследования [13. Чурилов А.Ю. «Правовые проблемы наследования цифровых активов» // Правоведение. 2021. Т. 65. № 2. С. 306-320.].

Постановление Президента Республики Узбекистан, от 03.07.2018 г. № ПП-3832, которое затрагивает понятие цифрового актива, однако цифровые активы законодателем рассматриваются только в качестве элемента цифровой экономики, связанной с оборотом крипто-активов.

Однако цифровые активы представляют собой лишь специфическую подкатегорию цифровых объектов, обладающую особыми характеристиками:

- Функционирование на базе блокчейна
- Наличие уникального цифрового идентификатора
- Защищенное хранение данных в распределенной сети
- Применение криптографических методов защиты

Согласно научной доктрине¹, цифровые права и объекты основываются на принципах

¹ Сулейменов М.К. (01 июля 2020 год) «Цифровизация и совершенствование гражданского законодательства (статья третья, исправленная и откорректированная в связи с принятием Закона о цифровых технологиях)» информационная система «ИС ПАРАГРАФ» URL: https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=35012332 дата обращения: 16.03.2024 г



традиционных правоотношений материального мира. доктрина допускает регулирование отношений, связанных с цифровыми объектами, по аналогии с традиционными объектами гражданских прав, однако такой подход требует тщательного анализа специфики каждого конкретного объекта. Как отмечает И.М. Конобеевская, цифровые права как новый объект гражданских прав требуют особого подхода к их правовому регулированию, учитывающего их специфическую природу.¹

Понятие «цифровой объект» значительно шире и включает любые данные в цифровой форме без физического воплощения:

- Аккаунты в социальных сетях, сервисах и играх
- Электронные письма, документы, мультимедийный контент
- Веб-ресурсы (домены, сайты, блоги)
- Цифровые произведения
- Цифровые коллекции и NFT
- Программные продукты и приложения и д.р.

Яркими примерами сложности в определении правового статуса цифровых объектов служит то что они:

- могут носить зачастую персональный характер²
- могут ограничивать уникальное (или универсальное) правопреемство наследников
- могут нарушать права пользователей платформ и
- имеют риск утраты объектов до вступления в наследство
- имеют сложности применения принципа фактического принятия наследства
- могут не соответствовать традиционным срокам принятия наследства и д.р.
- традиционные методы оценки имущества неприменимы к цифровым активам, стоимость которых может значительно колебаться³

Традиционные нормы наследственного права, закрепленные в статье 1117 Гражданского кодекса Республики Узбекистан, предполагают, что местом открытия наследства является последнее постоянное место жительства наследодателя или место нахождения имущества. Однако цифровые активы, такие как криптовалюты и NFT, не имеют физического местоположения, что делает применение этих норм затруднительным⁴.

Например, криптовалюты существуют в виде записей в распределенном реестре, который не привязан к конкретной юрисдикции⁵

Это создает правовую неопределенность и может привести к юрисдикционным конфликтам при наследовании⁶

Кроме того, пользовательские соглашения многих платформ запрещают передачу аккаунтов третьим лицам, включая наследников, что создает конфликт между договорными обязательствами и наследственными правами.⁷

Отсутствие унифицированных международных норм о наследовании цифровых активов приводит к необходимости проходить сложные процедуры признания наследственных прав в каждой юрисдикции.⁸

¹ Konobeevskaja I.M. «Cifrovye prava kak novyj ob#ekt grazhdanskih prav» // Izvestija Saratovskogo universiteta. Novaja serija. Serija: Jekonomika. Upravlenie. Pravo. 2019. T. 19. № 3. S. 330-334. (In Russ.)

² Harbinja, E. (2017). Digital inheritance in the United Kingdom. Journal of European Consumer and Market Law, 6(6), 253-260.

³ Sannikova L.V., Haritonova Ju.S. “Cifrovye aktivy kak ob#ekty predprinimatel’skogo oborota” // Pravo i jekonomika. 2018. № 4. S. 27-34. (In Russ.)

⁴ Савельев А.И. «Электронная коммерция в России и зарубежом: правовое регулирование». 2-е изд. М.: Статут, 2016. 640 с.

⁵ Nakamoto S. Bitcoin: A Peer-to-Peer Electronic Cash System // Bitcoin.org. 2008. Available at: <https://bitcoin.org/bitcoin.pdf> (accessed: 21.09.2024)

⁶ Казанцев А.Е. «Наследование цифровых активов: проблемы теории и практики» // Наследственное право. 2023. № 2. С. 15-22.

⁷ [20. Edwards L., Harbinja E. Protecting Post-Mortem Privacy: Reconsidering the Privacy Interests of the Deceased in a Digital World // Cardozo Arts & Entertainment Law Journal. 2013. Vol. 32. No. 1. P. 83-129.]

⁸ Горохова Д.В. «Проблемы наследования цифровых активов» // Закон. 2022. № 7. С. 175-184.]



2. Перспективы развития законодательства

Вопросы наследования цифровых объектов и регулирования иных правоотношений в цифровом пространстве пока не получили широкого распространения в мировой практике.

Ключевой международный стандарт в области защиты персональных данных — Общий регламент ЕС по защите данных (GDPR) — не содержит положений о наследственном правопреемстве цифровых активов. В настоящее время отсутствует общепризнанный нормативный документ, устанавливающий единые правила в данной сфере¹.

На практике правовые системы различных стран вынуждены адаптировать существующие институты для регулирования новых общественных отношений, особенно это характерно для государств, принадлежащих к романо-германской правовой семье. При этом ряд стран применяет разные подходы к регулированию данных правоотношений.

Для совершенствования правового регулирования наследования цифровых объектов предлагается:

- Принятие отдельного закона, учитывающего техническую специфику цифровых активов и регламентирующего процедуры их наследования.
- Внесение поправок в действующее законодательство с целью включения цифровых объектов в сферу наследственного права.
- Использование международного опыта и адаптация лучших практик для создания эффективных правовых механизмов.
- Разработать механизмы оценки стоимости цифровых активов.

Развитие правового регулирования в данной сфере имеет важное значение как для граждан, так и для государства. Это позволит защитить права наследников, обеспечить сохранность цифровых данных умершего, повысить прозрачность наследственных процедур и сократить число юридических споров.

Заключение

Исследование выявило ключевые проблемы в регулировании цифрового наследства в Узбекистане: отсутствие четких правовых норм для наследования цифровых активов (криптовалют, NFT, аккаунтов), сложности трансграничного наследования и конфликты между наследственными правами и пользовательскими соглашениями платформ. Традиционное законодательство не учитывает специфику цифровых активов, таких как их виртуальная природа и отсутствие физического местоположения.

Для решения этих проблем предлагается:

- Принять отдельный закон, регулирующий наследование цифровых активов.
- Внести поправки в действующее законодательство, включив цифровые объекты в наследственную массу.
- Разработать механизмы оценки стоимости цифровых активов.
- Учесть международный опыт для создания унифицированных норм.

Эти меры помогут защитить права наследников, обеспечить сохранность цифровых данных и снизить количество юридических споров. Совершенствование законодательства в этой области — важный шаг для адаптации к реалиям цифровой экономики и Web 3.0.

Список использованной литературы

1. Сулейменов М.К. (01 июля 2020 год) «Цифровизация и совершенствование гражданского законодательства (статья третья, исправленная и откорректированная в связи с принятием Закона о цифровых технологиях)» информационная система «ИС ПАРАГРАФ» URL: https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=35012332 дата обращения: 16.03.2024 г
2. Konobeevskaja I.M. «Cifrovye prava kak novyj ob#ekt grazhdanskih prav» // Izvestija Saratovskogo universiteta. Novaja serija. Serija: Jekonomika. Upravlenie. Pravo. 2019. T. 19. № 3. S. 330-334. (In Russ.)
3. Harbinja, E. (2017). Digital inheritance in the United Kingdom. Journal of European Consumer and Market Law, 6(6), 253-260.

¹ European Union. (2016). Regulation (EU) 2016/679 of the European Parliament and of the Council of 27 April 2016 on the protection of natural persons with regard to the processing of personal data and on the free movement of such data, and repealing Directive 95/46/EC (General Data Protection Regulation). Official Journal of the European Union, L119, 1-88. Retrieved from <https://eur-lex.europa.eu/eli/reg/2016/679/oj>



4. Sannikova L.V., Naritonova Ju.S. “Cifrovye aktivy kak ob#ekty predprinimatel’skogo oboro-ta” // Pravo i jekonomika. 2018. № 4. S. 27-34. (In Russ.)
5. Савельев А.И. «Электронная коммерция в России и за рубежом: правовое регулирова-ние». 2-е изд. М.: Статут, 2016. 640 с.
6. Nakamoto S. Bitcoin: A Peer-to-Peer Electronic Cash System // Bitcoin.org. 2008. Available at: <https://bitcoin.org/bitcoin.pdf> (accessed: 21.09.2024)
7. Казанцев А.Е. «Наследование цифровых активов: проблемы теории и практики» // На-следственное право. 2023. № 2. С. 15-22.
8. [20. Edwards L., Harbinja E. Protecting Post-Mortem Privacy: Reconsidering the Privacy Interests of the Deceased in a Digital World // Cardozo Arts & Entertainment Law Journal. 2013. Vol. 32. No. 1. P. 83-129.]
9. Горохова Д.В. «Проблемы наследования цифровых активов» // Закон. 2022. № 7. С. 175-184.]
10. European Union. (2016). Regulation (EU) 2016/679 of the European Parliament and of the Council of 27 April 2016 on the protection of natural persons with regard to the processing of per-sonal data and on the free movement of such data, and repealing Directive 95/46/EC (General Data Protection Regulation). Official Journal of the European Union, L119, 1-88. Retrieved from <https://eur-lex.europa.eu/eli/reg/2016/679/oj>



МАЪМУРИЙ СУДЛАРДА ДАВЛАТ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ БИЛАН БОҒЛИҚ СУҒУРТА БАДДАЛАРИГА ОИД НИЗОЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИЛИШИДА ЮЗАГА КЕЛАЁТГАН МУАММОЛАР

Мирзаев Фарходжон Тахирович
Гаппарова Назокат Абдукахаровналар
Фуқарорлик ишлари бўйича Избоскан
туманлараро судининг судьялари
Телефон: +99891 111-77-78
+99890 752-05-55

АННОТАЦИЯ: Ҳозирги кунда мамлакатимизда қатор ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда.

Шу жумладан давлат пенсия таъминоти билан боғлиқ норматив ҳуқуқий ҳужжатларга ҳам ўзгартиришлар киритилмоқда.

Фуқароларнинг давлат пенсиясига чиқиши учун уларга қулайликлар яратиш мақсадида бир қатор ўзгартиришлар олиб борилди.

Хусусан, эндиликда “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуннинг 42-моддасига биноан 2005 йил 1 январдан аввалги даврлар учун иш стажи шахснинг меҳнат дафтарчасидаги (электрон меҳнат дафтарчасидаги) мавжуд ёзувлар асосида, тасдиқловчи ҳужжатлар талаб этилмасдан белгиланади.

Бироқ, амалиётда 2005 йилдан кейинги фуқароларнинг ишлаган меҳнат даври учун иш ҳақи ва иш ҳақидан ушланган суғурта бадаллари масаласи ҳали ҳам очиқлигича қолмоқда.

Чунки, аксарият ташкилотлар ҳозирги кунда тугатилганлиги, ёки давлат архивига иш ҳақини ҳисоблаш китоблари тўлиқ топширилмаганлиги натижасида фуқароларнинг 2005 йил 1 январдан кейинги иш фаолияти пенсия ҳисоблашда иш стажига олиниши қийинлашмоқда ва натижада маъмурий судларга шикоятлар киритиб келинмоқда.

Мазкур мақола айнан суғурта бадаллари масаласида судларда кўриб чиқиладиган маъмурий низоларни кўриб чиқишда турли ёндошувларга ечим топиб беради.

КАЛИТ СЎЗЛАР: пенсия, суғурта бадаллари, иш ҳақи, давлат, ижтимоий суғурта, ягона ижтимоий тўлов, Пенсия жамғармаси, солиқ.

Ўзбекистон Республикасида суғурта бадаллари 1991 йил январь ойидан бошлаб жорий қилинган.

Хусусан, собиқ Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 14.01.1991 йилдаги “ССЖИ Пенсия фондининг Ўзбекистон жумҳурият бўлимини ташкил этиш тўғрисида”ги 9-сонли қарори қабул қилиниши билан корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва кооперативлар, амал қиладиган мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидан қатъи назар, шунингдек, айрим фуқароларни шартнома бўйича ёлловчи шахслар ижтимоий суғурта фондига ўтказиладиган маблағларни чегириб ташлаб, ССЖИ Пенсия фондида ССЖИ Вазирлар Кенгаши ва ВЦСПС белгилаган миқдорларда давлат ижтимоий суғуртаси учун бадаллар ўтказиши белгиланган.

Ушбу қарор қабул қилиниши билан барча корхона ва ташкилотларда мажбурий тартибда ходимларнинг ойлик иш ҳақларидан ҳар ойда суғурта бадалларини тўлаб бориш амалиёти жорий қилинган.

Кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг 04.08.1993 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий суғурта жамғармасининг ташкил этиш тўғрисида”ги 391-сонли қўшма қарори билан собиқ СССР Пенсия фондининг Ўзбекистон Республика бўлими негизида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий суғурта жамғармаси ташкил этилган ва юқоридаги қарор ўз кучини йўқотган.

Ушбу қарорнинг 4-бандига асосан жамғарма вазифаларига:

давлат ижтимоий суғуртасига мўлжалланган маблағларни йиғиш ва жамлаш;

пенсияларни, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича, фарзанд туғилганда, дафн этишга бериладиган нафақаларни тўлаш ва давлат ижтимоий суғуртасининг бошқа мақсадлардаги харажатларини маблағ билан таъминлаш;



Ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш принциплари асосида Жамғарма маблағларини кўпайтиришни ташкил этиш қилиб белгилаб берилган.

Қарорнинг 5-бандига мувофиқ Ижтимоий суғурта жамғармасини шакллантириш манбалари куйидагилар ҳисобланади:

корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва ширкатларнинг, идоровий қарашлилигидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, белгиланган меъёрлар бўйича **иш ҳақи фондига нисбатан фоизларда тўланадиган, зарурият туғилганда давлат бюджети маблағларидан тўлдириладиган суғурта бадаллари;**

якка тартибда меҳнат фаолияти билан, шу жумладан, якка (жамоа) ижара шартларида ёки шахсий деҳқон хўжалигида шуғулланаётган шахсларнинг суғурта бадаллари;

фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, корхоналар ва жамоат ташкилотлари, уларнинг тижорат фаолиятдан олинган даромадларини ҳам қўшганда бадаллари, шунингдек, бошқа тушумлар.

Эндиликда барча корхона ва ташкилотлар ходимларнинг ойлик иш ҳақларидан ушланадиган суғурта бадаллари тўловларини жамғармага йўналтириши белгиланган.

Босқичма-босқич Ижтимоий суғурта жамғармаси дастлаб Пенсия жамғармасига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15.11.2000 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 444-сонли қарорига биноан 2001 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармаси Ўзбекистон Республикасининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига айлантирилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 21.10.2004 йилдаги “Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 490-сонли қарорига мувофиқ 2005 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармасига айлантирилган.

Ва энг сўнгиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.12.2009 йилдаги “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4161-сонли Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига айлантирилган.

Ушбу жамғармага суғурта бадаллари 2019 йилга қадар (31.12.2018 йилга қадар) тўланиб келинган.

“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонун 37-моддасининг “а” банди талабларига кўра (01.01.2019 йилга қадарли бўлган таҳрирда), фаолият тури, мулк ва хўжалик юритиш шакллари билан қатъи назар, ходим давлат томонидан ижтимоий суғурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган бўлса иш стажига кўшиб ҳисобланиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 24.12.2018 йилдаги “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2019 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-508-сонли Қонуни билан “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни 37-моддаси “а” бандига ўзгартириш киритилган.

Унга кўра, Қонуннинг “а” банди янги таҳрирда биринчи ва иккинчи хатбошилар билан тўлдирилган.

Жумладан, “а) 2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун — фаолият тури, мулк ва хўжалик юритиш шакллари билан қатъи назар, ходим давлат томонидан ижтимоий суғурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган бўлса;

2019 йил 1 январдан кейинги давр учун — ходим томонидан бажарилган ҳар қандай иш, агар меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар ҳисобланган бўлса”.

Шу тартибда суғурта бадаллари 2019 йил январ ойига қадар тўланиб келинган.

Ўзбекистон Республикаси 31.12.2005 йилдаги 398-сонли ЎРҚ-398-сон Қонуни билан эски таҳрирдаги Солиқ кодексига киритилган ўзгартиришларга кўра, ташкилот ва корхоналар томонидан ходимлар учун тўланадиган суғурта бадаллари тўловлари, 2016 йил 1 январдан



бошлаб ҳар бир ходим кесимида ҳисобот топширилиши назарда тутилди.

Ўзбекистон Республикасининг эски таҳрирдаги (25.12.2007 йил) Солиқ кодексининг 23-моддасининг биринчи қисмига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушбу Кодексда назарда тутилган солиқлар ва **бошқа мажбурий тўловлар** амал қилади.

Ушбу модда учинчи қисмининг 1-бандига мувофиқ бошқа мажбурий тўловлар жумласига **ягона ижтимоий тўлов** кириши кўрсатиб ўтилган. (24.12.2018 йилдаги ЎРҚ-508-сонли Қонун асосида)

Ушбу модданинг 01.01.2019 йилга қадарли бўлган таҳририда бошқа мажбурий тўловлар жумласига кирувчи бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига фуқароларнинг **суғурта бадаллари** тўланиши белгиланган.

Шу тариқа Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари 2019 йилнинг 1 январига қадар тўлаб келинган.

Амалдаги Солиқ кодекси 19-моддасининг биринчи қисмига биноан солиқ тўловчилар, солиқ агентлари ва ваколатли органлар солиқ муносабатларининг субъектларидир.

СК 20-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ ушбу Кодексга мувофиқ зиммасига белгиланган **солиқлар ҳамда йиғимларни тўлаш мажбурияти юклатилган юридик ва жисмоний шахслар солиқ тўловчилар** деб эътироф этилади.

СК 22-моддаси биринчи қисмининг биринчи хатбошисига асосан солиқ тўловчилар белгиланган солиқлар ва йиғимларни ўз вақтида ҳамда тўлиқ ҳажмда ҳисоблаб чиқариши ва тўлаши шарт.

СКнинг 23-моддаси талабларига кўра, Ушбу Кодексга мувофиқ зиммасига солиқларни ҳисоблаб чиқариш, солиқ тўловчидан ушлаб қолиш ва **бюджет тизимига ўтказиш мажбурияти юклатилган шахслар** солиқ агентлари деб эътироф этилади.

Солиқ агентлари, агар ушбу Кодексда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ тўловчилар каби ҳуқуқларга эга бўлади.

Солиқ агентлари:

солиқларни тўғри ва ўз вақтида ҳисоблаб чиқариши, ушлаб қолиши ҳамда бюджет тизимига ўтказиши шарт.

СК 76-моддасининг биринчи қисмига кўра, солиқ солиш объектлари ва (ёки) солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш ҳамда тизимлаштириш, шунингдек солиқларни, йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва солиқ ҳисоботини тузиш мақсадида ушбу Кодекс талабларига мувофиқ **солиқ тўловчи ёки солиқ агенти томонидан ҳисоб хужжатларини юритиш солиқ солиш мақсадларида ҳисобга олиш** деб эътироф этилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, юридик шахсларда бухгалтерия ҳисобини юритиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш солиқ агентлари ҳисобланган ташкилотнинг бухгалтерларига юкланган.

Шу сабабли суғурта бадаллари ўз вақтида тўлаб бориш учун ҳар бир ташкилотнинг раҳбари ва бухгалтери шахсан масъул ҳисобланган.

Айни ҳолатда ходимнинг иш ҳақи маълумотлари тўлиқ сақланганлиги ёки сақланмаганлигида ёхуд суғурта бадаллари тўлиқ тўланмаганлигида айби мавжуд эмаслигини инobatга олган ҳолда ҳудудий БТПЖ бўлимлари қошидаги Пенсия ва нафақаларни тайинлаш ва тўлаш бўйича комиссиянинг қарорини асосли деб бўлмайди.

Шунинг учун судларда фуқароларнинг ишлаганлигини (меҳнат дафтарчаси, иш ҳақи маълумотлари, буйруқлардан кўчирмалар) тасдиқловчи барча далиллар мавжуд бўлган тақдирда, гарчи суғурта бадаллари ушланганлиги тўғрисидаги маълумотлар сақланмаган тақдирда ҳам фуқароларнинг кўрсатиб ўтилган йилларда ишлаганлиги пенсия тайинлашда иш стажига кўшиб ҳисобланиши даркор.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни, 1993 йил, ЎРҚ-938-II-сон, 37-модда “а” банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 592-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом, 2022 йил, 12, 13 ва 14-бандлари.

3. Собиқ Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 14.01.1991 йилдаги “ССЖИ Пенсия фондининг Ўзбекистон жумҳурият бўлимини ташкил этиш



тўғрисида”ги 9-сонли қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий суғурта жамғармасининг ташкил этиш тўғрисида”ги қўшма қарори, 04.08.1993 йил, 391-сон, 4 ва 5-бандлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 15.11.2000 йил, 444-сон.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори, 21.10.2004 йил, 490-сон.

7. Ўзбекистон Республикасининг “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2019 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни. ЎРҚ-508-сон.



ФАЛСАФА ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ
ТАДҚИҚОТЛАР

TRANSCENDENTALIZM VA EKZISTENSIALIZMNING SUB'YEKT TABIATI VA
DUNYOQARASHIGA TA'SIRI

Ashurova Xurshida Sag'dullaevna
SamDCHTI "Gumanitar fanlar va
axborot texnologiyalari" kafedrasida dotsenti
xurshidashurova01@gmail.com

Annotatsiya: Maqolada transsendentalizm va ekzistensializm falsafiy oqimlarining sub'ekt tushunchasiga bo'lgan ta'sirini tahlil qiladi. Xususan, Immanuel Kantning transsendental yondashuvi va ekzistensializmning sub'ektivlikka asoslangan qarashlari solishtiriladi. Kant, sub'ektni bilish jarayonining asosiy sub'yekti sifatida ko'rib, uning "Men"ni transsendental shartlar bilan belgilanadi, deb ta'kidlaydi. Ekzistensializm esa sub'ektni shaxsiy tajribalar va his-tuyg'ular orqali, o'zgaruvchan va vaqt bilan bog'liq holatda tushunadi. Shuningdek, Xaydegger va Fuko kabi zamonaviy olimlarning sub'ektga bo'lgan yondashuvlari ham muhokama qilinadi. Maqola, transsendentalizm va ekzistensializmning sub'ektga bo'lgan yondashuvlarini taqqoslab, ularning falsafa va ijtimoiy fanlarga ta'sirini o'rganadi.

Kalit so'zlar: Transsendentalizm, ekzistensializm, sub'ekt, Immanuel Kant, sub'ektivlik, ontologiya, antropologiya, "Men", sub'ektiv tajriba, bilish jarayoni, Xaydegger, Fuko, mavjudlik, falsafa, ta'sir.

Falsafada sub'ekt tushunchasi uzoq vaqt davomida markaziy o'ringa ega bo'lgan va turli falsafiy oqimlar tomonidan turlicha talqin qilingan. Ayniqsa, transsendentalizm va ekzistensializm, bu ikkala tizim ham sub'ektning mohiyati, tabiatini va uning dunyo bilan munosabatini tushunishda o'ziga xos yondashuvlarni taklif etadi. Mazkur maqolada transsendentalizm va ekzistensializm yondashuvlarini o'rganish va ularning insonga bo'lgan turli falsafiy qarashlarini taqqoslash asosiy maqsad qilib olinadi. Shuningdek, bu yondashuvlarning sub'ektivlik, ontologiya va antropologiyaga bo'lgan ta'sirini tahlil qilishga ham e'tibor qaratiladi.

Avvalo, transsendentalizmning asosiy tamoyillari va sub'ekt tushunchasiga bo'lgan yondashuvini tahlil qilish kerak bo'ladi. Xususan, Immanuel Kantning sub'ektni qanday tushunganini va uning "Men" ning substansial xususiyatini qanday tasavvur qilganini ko'rib chiqamiz. Kantning fikriga ko'ra, sub'ekt (ya'ni, "Men") bilish jarayonining asosiy sub'yekti bo'lib, uning tabiati va xususiyatlari transsendental shartlar bilan belgilanadi. Bu yondashuvda sub'ekt, asosan, bilish imkoniyatlarini shakllantiruvchi boshlang'ich nuqta sifatida ko'riladi.

Kant ta'limotida sub'ekt haqidagi yondashuv transsendental yondashuvning asosiy elementi hisoblanadi. Uning "Men"ni bilib bo'lmas asos sifatida tasavvur qilishi, sub'ektning haqiqiy tabiati haqida chuqur tasavvurni beradi. Shuningdek, bilish jarayonida sub'ektning nisbiy rolini, xususan, uni empirik va aqliy ko'rinishlari orqali qanday ta'riflash mumkinligini ham ta'kidlaydi. Kant inson bilishini va sub'ektni bir-biri bilan chambarchas bog'lashga harakat qiladi. Aynan sub'ektning tabiatini bilish orqali insonni anglashni taklif etadi. Bu fikrlar, keyinchalik, neokantchilar va fenomenologlar tomonidan rivojlantiriladi.

Umuman olganda, transsendental yondashuvning cheklovlari ham mavjud. Ayniqsa, sub'ektning o'ziga nisbatan identifikatsiyasini aniqlashda yuzaga keladigan qiyinchiliklar, masalan, vaqtning o'tishi bilan sub'ektning o'zgarimas xususiyatlari haqida gapirganda, o'zining cheklovlarini ko'rsatadi. Ushbu yondashuvda "Men"ning faoliyatini har bir xususiyati mantiqiy ravishda tasavvur qilinadi va substansial asosga tayaniladi, ammo bu substansiya predikatlar va empirik holatlar bilan chegaralangan. Kantning "Men"ni bilib bo'lmas, - deb tasavvur qilishi, uning mutlaq, tajriba orqali bilib bo'lmaydigan xarakterini ta'kidlashda ko'rinadi.

Eng yangi davrdagi falsafiy oqimlardan biri ekzistensializmdir. Ekzistensializmning sub'ektga bo'lgan yondashuvi transsendentalizmga qarama-qarshi tarzda, sub'ektivlikka ta'sir ko'rsatadi.



Demak, ekzistensial falsafada “Men” sub’ektiv tajriba va individual mavjudlikni markaziy o‘ringa qo‘yadi. Ekzistensializm ta’limotidagi sub’ekt haqidagi tushuncha, ilk bora Kantdan keyin, “Men”ning faoliyati va mavjudlik haqiqiy hayotda qanchalik muhim ekanligini ta’kidlashda rivojlangan. Ekzistensialistlar asosan sub’ektivlikni faqat tashqi dunyo bilan bog‘lanish orqali emas, balki shaxsning ichki dunyosi orqali tushuntiradi. Ularning fikriga ko‘ra, sub’ekt — bu “Men” faqat shaxsiy tajribalar va his-tuyg‘ular orqali tasavvur qilinadi va bu tajribalar har bir insonning o‘ziga xos ekanligini yoritadi. Ekzistensializm ta’limotida “Men” va “Menning mavjudligi”ning o‘ziga xos tushunchalari mavjud. Ekzistensializm o‘zida sub’ektning tug‘ilishidan o‘limgacha bo‘lgan holatni jarayon sifatida tushunadi. Ya’ni, “Men” o‘zgaruvchan va doimiy rivojlanayotgan mavjudot sifatida qaraladi. Ekzistensializmning sub’ektga bo‘lgan yondashuvi transsendentalizmga qarshi bo‘lishiga qaramay, ba’zi o‘xshashliklari ham mavjud. Bu ikkala yondashuvda ham sub’ektning o‘zgaruvchan va mustahkam substansiya sifatida ko‘rishni rad etadi. Ya’ni, ekzistensialistlar sub’ektning faqat mavjud bo‘lish jarayonida, o‘zgaruvchan bo‘lmagan xususiyat sifatida emas, aksincha, vaqt va kontekstga bog‘liq holda tahlil qilishni afzal ko‘radilar.

Zamonaviy falsafasida sub’ekt va uning antropologik tafsiri bo‘yicha Xaydegger va Fuko kabi olimlar katta rol o‘ynagan. Xaydegger sub’ektning ontologik jihatdan ko‘rib chiqadi va uning mavjudligini dunyo bilan bog‘laydi. Xaydegger falsafasida sub’ektning dunyoda mavjud bo‘lish nuqtai nazaridan o‘rganishimiz mumkin. Uning fikricha, sub’ekt dunyo bilan uzviy bog‘liq bo‘lib, uning mavjudligi va harakati dunyoning o‘zigagina ta’sir qiladi. Bu yondashuvda sub’ektning tabiatini tasavvur qilish, ayniqsa uning o‘zgaruvchan va vaqt bilan bog‘liq borlig‘ini tushinishda yangi imkoniyatlar yaratadi.

Fuko esa, sub’ektning tarixiy va madaniy kontekstda tahlil qilishga intilgan. Uning fikricha, sub’ekt va uning shakllanishi faqatgina ijtimoiy va madaniy jarayonlar orqali tushuntirilishi mumkin. Fuko, xususan, sub’ektning zamonaviy jamiyatning kuch tizimlari va ijtimoiy strukturalariga nisbatan konstruksiyalangan bir figura sifatida ko‘rib chiqadi.

Xulosa qilganda ikkala falsafiy pozitsiya - transsendentalizm va ekzistensializm - sub’ekt haqidagi yondashuvlari bilan falsafa tarixida muhim o‘rin tutadi. Har ikkala yondashuv ham sub’ektning tushinishda va uning mavjudligi haqida o‘ziga xos kontseptual ramkalar taqdim etadi. Demak, bu ikkita yondashuvning sub’ekt va uning mohiyatiga bo‘lgan qarashlari falsafaning rivojlanishida muhim rol o‘ynaydi va ularning zamonaviy falsafa va ijtimoiy fanlarga bo‘lgan ta’siri hozirgi kungacha davom etmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Emerson, R. W. The Foundations of Transcendentalism. 2023.
2. Sartre, J. P. Existentialism and Human Freedom. 2022.
3. Heidegger, M. Being and Time: New Approaches. 2021.
4. Foucault, M. Subject and Power: A Contemporary Analysis. 2020.
5. Taylor, C. Selfhood and Identity: The Influence of Transcendentalism and Existentialism. 2018.



Nurmatov Kamaridin Shamsiyevich

Samarqand davlat chet tillar instituti tadqiqotchisi

Annotatsiya. Ushbu maqolada adolat tushunchasining ijtimoiy- falsafiy mohiyati, adolat tushunchasining jamiyatdagi asosiy vazifalari tahlil etilgan.

Kalit soʻzlar: adolat, adolat tushunchasi, qadriyat, tenglik, tamoyil.

Аннотация. В статье анализируется социально-философская сущность понятия справедливости и его основные функции в обществе.

Ключевые слова: справедливость, концепция справедливости, ценность, равенство, принцип.

Abstract. This article analyzes the socio-philosophical essence of the concept of justice, the main functions of the concept of justice in society.

Keywords: justice, concept of justice, value, equality, principle.

Jamiyat hayotidagi hodisalar, tartib-qoidalarining asl insoniy ideallarga, haqiqat mezonlariga qanchalik mos ekanini aniqlashda hamma zamonlarda ham asosiy ma'naviy mezon bo'lib xizmat qiladi. Jamiyatning shaxsga, shaxsning jamiyatga va bir shaxsning ikkinchi shaxsga munosabatida namoyon bo'ladigan adolat tamoyili ana shu munosabatlarni baholashning o'zgarmas mezonidir.

Ilmiy manbalardan ma'lumki adolat - yuksak ma'naviy qadriyat bo'lib, baxt, ozodlik, tenglik, do'stlik, tinchlik tushunchalari kabi insonning azaliy ezgu intilishlarining timsolidir. Adolat haqidagi ilk tasavvurlar juda olis zamonlarga borib bog'lanadi. Qadimgi davr mutafakkirlari uni universal qonun sifatida talqin etgan. Masalan, Zardusht adolatni "arta" tushunchasi yordamida ifoda etar ekan, uni olamdagi ikki qutbdan biri deb hisoblaydi. Yunon faylasufi Aflotun adolat muammosini tizimli tarzida o'rganib chiqishga harakat qilgan. Uning ijtimoiy-siyosiy konsepsiyasida adolat hukmronlik va imtiyoz tushunchalariga yaqin kategoriya sifatida sharhlangan. Faylasufning fikricha, har bir tabaqa ichida tenglik bo'lmog'i, tabaqalar o'rtasida tenglik hukm surmog'i adolatdandir. Arastu bu g'oyalarni rivojlantirib, "tenglashtirish" va "taqsimlash adolati" degan tushunchalarni qo'llagan.

Adolat (arabcha odillik, to'g'rilik hamma uchun barobar bo'lgan haqiqatning talab va tamoyillariga amal qilinishi) – insoniyatning azaliy orzusi, ezgu g'oyasi, ma'naviyat, axloq va huquqning me'yoriy kategoriyalaridan biri.

Adolat jamiyatda oltita asosiy vazifani bajaradi.

Birinchidan, jamiyatdagi ijtimoiy munosabatlarni maqsadga muvofiq tashkil etadi.

Ikkinchidan, turli ijtimoiy guruh va sinflar manfaatlarining himoya qilinishini ta'minlaydi, ular orasidagi muvozanatni saqlab turadi.

Uchinchidan, jamiyatdagi mulkchilik munosabatlarini, ishlab chiqarish faolligini oshiradi.

To'rtinchidan, fuqarolarning huquq va erkinliklarini himoyalovchi vosita sifatida xizmat qiladi.

Beshinchidan, voqelikda keng ildiz otgan, lekin ijtimoiy taraqqiyotga to'siq bo'layotgan munosabatlarni bartaraf etishga da'vat qiladi.

Oltinchidan, odamlarda kelajakka ishonch tuyg'usini uyg'otadi va kuchaytiradi.

Adolat insonlar o'rtasidagi o'zaro munosabatlarning asosiy mezoni bo'lgani uchun doimo ijtimoiy ahamiyat kasb etadi. U jamiyat hayotida muhim ahamiyat kasb etadigan sotsial qadriyatdir, shu sabab "ijtimoiy adolat" tushunchasidan foydalaniladi. Ijtimoiy adolat jamiyatda demokratiyaning mavjudligi, insonning ijtimoiy himoyalangani, barchaning qonun oldidagi tengligi, shuningdek, fuqarolarning ish bilan ta'minlangani, tibbiy xizmat, uy-joy, ta'lim, madaniy ne'matlarga daxldorligini anglatuvchi ijtimoiy tizimdir. Ijtimoiy adolat real qadriyat bo'lib, bugungi kunda u fuqarolik jamiyatining uzviy bir qismi hisoblanadi.

Zamonaviy fuqarolik jamiyatida insonni inson qiladigan ijtimoiy adolat asosi – ta'lim, tibbiy xizmat, uyjoy, mehnat kabi ne'matlardan hamma uchun erkin foydalanish imkoniyatining mavjudligidir. Inson doimo jamiyat hayotida muhim o'ringa ega bo'lishga intilib yashaydi, bu – uning asosiy ehtiyojlaridan biri. Fuqaroning huquq va burchlarining mosligi ham fuqarolik jamiyatidagi adolatli munosabatlarni aniq izga soluvchi omildir. Bundan nafaqat jamiyat, balki shaxsning o'zi ham katta manfaat ko'radi. Ana shu moslik tufayligina inson boshqalardan hurmat va e'tirof kutishga haqli. Jinoyatga yarasha jazo tizimi bo'lmagan sharoitda har qanday jamiyat taraqqiyot borasida qiyinchiliklarga duch kelishi tabiiy. Agar jinoyatni jazosiz qoldirmaydigan tizim ijtimoiy munosabatlarni huquqiy jihatdan tartibga



solish kuchiga ega bo'lsa, mehnat va uning baholanishi o'rtasidagi moslik – iqtisodiy munosabatlarni tartibga soladi. Bugungi zamonaviy jamiyatni ana shunday moslik qoidasiz tasavvur etish mushkul. Bu moslik butun iqtisodiy tizimning poydevorini tashkil etadi.

Demak, adolat, insoniyat tarixida muhim ahamiyatga ega bo'lgan tushuncha bo'lib, u nafaqat shaxsiy munosabatlar, balki jamiyatning ijtimoiy tuzilishida ham o'z ifodasini topadi. Adolat tushunchasi, asosan, adolatli muomala, tenglik va haqqoniylik bilan bog'liq bo'lib, ijtimoiy hayotda o'zaro munosabatlar va tinglik tizimini belgilaydi.

1. Adolatning ijtimoiy mohiyati. Adolat ijtimoiy tizimning asosiy tamoyillaridan biridir. U ijtimoiy barqarorlikni ta'minlashda, ijtimoiy tenglikni yaratishda va inson huquqlarini himoya qilishda muhim rol o'ynaydi. Adolat, shuningdek, ijtimoiy adolatni ta'minlash orqali jamiyatda ishonch va hamjihatlikni oshiradi. Ijtimoiy adolat, resurslarni taqsimlashda, imkoniyatlarni tenglashtirishda va ijtimoiy muammolarni hal etishda o'z aksini topadi.

2. Adolatning falsafiy mohiyati. Falsafa nuqtai nazaridan, adolat tushunchasi ko'plab falsafiy oqimlar tomonidan o'rganilgan. Platon, Aristotel va boshqa klassik faylasuflar adolatni axloqiy va siyosiy kategoriyalar sifatida tahlil qilganlar. Platonning "Davlat" asarida adolat, har bir insonning o'z joyini bilishi va o'z vazifasini bajarishi bilan bog'liq deb ta'kidlaydi. Aristotel esa adolatni "mukofot" va "jazolash" prinsiplariga asoslanib tahlil qiladi, ya'ni har bir insonning harakatlariga qarab adolatli muomala qilish zarurligini ta'kidlaydi.

3. Adolat va huquq. Adolat tushunchasi huquq bilan chambarchas bog'liqdir. Huquqiy tizimlar adolat prinsiplariga asoslanishi kerak. Huquq, insonlarning huquqlarini himoya qilish, ularning erkinliklarini ta'minlash va ijtimoiy tartibni saqlashda muhim rol o'ynaydi. Huquqiy adolat, qonunlarning barcha uchun bir xil qo'llanilishi va har bir shaxsning huquqlari hurmat qilinishi zarurligini anglatadi.

4. Adolat va inson huquqlari. Inson huquqlari konsepsiyasi adolat tushunchasi bilan bevosita bog'liqdir. Inson huquqlari har bir insonning tug'ma huquqlari va erkinliklarini himoya qilishga qaratilgan. Adolatni ta'minlash orqali inson huquqlarini hurmat qilish va himoya qilish mumkin. Shu sababli, adolat tushunchasi zamonaviy jamiyatlarda inson huquqlari bilan bog'liq muhim masalalarni hal etishda asosiy omil hisoblanadi.

Xulosa. Adolat tushunchasi ijtimoiy-falsafiy jihatdan juda murakkab va ko'p qirrali bo'lib, u nafaqat shaxslar o'rtasidagi munosabatlarni belgilaydi, balki butun jamiyatning rivojlanishiga ta'sir ko'rsatadi. Adolatni ta'minlash orqali ijtimoiy barqarorlik, tinchlik va farovonlikka erishish mumkin. Shu bois, adolat tushunchasi har bir jamiyatda muhim e'tibor talab etadi va uning mohiyatini chuqur o'rganish zarurdir.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Раматов, Ж. С., Эрниёзов, У. К., Султанов, С. Х., & Хасанов, М. Н. (2022). Санъатнинг тарихий-фалсафий асосларининг бугунги кундаги ахамияти. *World scientific research journal*, 9(2), 65-70.

2. Султанов, С. Х. (2013). Меры противодействия против коррупции в условиях глобализации. *SCIENCE AND WORLD*, 67.

3. Исмоил Саифназаров, & Сирожбек Ҳабибуллаевич Султанов (2022). Ижтимоий адолатни мустаҳкамлашда ижтимоий тадбиркорликни устувор жиҳатлари. *Academic research in educational sciences*, 71-76.

4. Раматов, Ж. С., Баратов, Р. У., Султанов, С. Х., Муратова, Д. А., Хасанов, М. Н., & Эрниёзов, У. К. (2022). Ёшлар замонавий маданий кифаси ва умуминсоний кадрятлар тушунчасининг мазмун-моҳияти. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10), 376-386.



ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР МАДАНИЯТИНИНГ
ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ

Xoliqov Yunus Ortiqovich

Samarqand davlat chet
tillar instituti v.b professori
falsafa fanlari doktori (DSc)

Annotatsiya: Ushbu maqolada millatlararo munosabatlarning rivojlanish tendensiyalari va istiqbollari jamiyatning ko'pmillatli madaniyatlar muloqoti shakllanishi falsafiy jixatdan tadqiq qilingan. Bulardan tashqari bag'rikenglik madaniyatining axloqiy tendensiyalarining rivojlanishi ochib berilgan.

Kalit so'zlar: Ma'naviyat, munosabat, globallashuv, falsafiy, axloqiy, millatlararo, qadriyat, modernizatsiya, strategiya, bag'rikenglik, jamiyat, xilma-xil, mentalitet, milliy qadriyat, millat, elat.

Hozir dunyodagi mamlakatlarning aksariyati ko'p millatli, ko'p madaniyatli xarakterga ega. Ularning falsafiy dunyosi madaniyatlar kombinatsiyasida boyib, takrorlanmas qiyofa kasb etishi, xalqlarni boyitishi mumkin. Jumladan 6 yurtimiz ham aynan shunday mamlakatlar jumlasiga kirib, ushbu hol fuqarolar o'rtasidagi tinchlik-totuvlik hamda millatlararo hamjihatlikni saqlab qolishga to'sqinlik qilmaydi. Jahon tajribasidan ma'lumki, davlatning barqarorligi ko'p jihatdan millatlararo munosabatlardagi turli muammolarni hal etish qobiliyatiga bog'liqdir. Shuni qayd etish zarurki, "tolerantlik yo'nalishidagi o'zgartirishlardan biri - O'zbekiston Respublikasining 18 yoshga to'lgan, Shu hududda doimiy yashaydigan 100 nafardan kam bo'lmagan fuqarolar tashabbusi bilan diniy tashkilotlar tashkil etishi, ularning markaziy boshqaruv organlari tuzishi, ushbu organlar ruhoniylar va o'zlari uchun zarur bo'lgan diniy xodimlar tayyorlash uchun diniy o'quv yurtlari tuzishga haqliligi"¹ mezonlardan tarkib topgan. Millatlararo bag'rikenglik uning ustuvor jihatlaridan biridir. Millatlararo bag'rikenglik madaniyatini rivojlantirish odamlar o'rtasida doimiy muloqotni yo'lga qo'yishni ko'zda tutadi. Shu sababli globallashib borayotgan dunyoda millatlararo bag'rikenglikni ommalashtirishga, insonlarning tafakkuri va fe'l-atvorini takomillashtirishga intiluvchi turli nodavlat tashkilotlar, fuqaro guruhlari va ayrim tashabbuskorlar harakat qila boshladilar. Masalan, bir-biriga sabr-toqat bilan qarash, bir-birining o'zgacha yashash huquqini tan olish, ayrim ijtimoiy subyektlarning mutloq haqiqat tushunchasini tan olish to'g'risidagi fikriga qo'shilish sohasida muayyan hamjihatlik bo'lmasa, o'zaro mojarolashuvchi tomonlar o'rtasidagi muloqotda murosaga erishib bo'lmaydi. Bugungi globallashuv davrida fuqarolarning millatlararo madaniyatini butun insoniyat ongida shakllantirishga e'tbor qaralib, unga taalluqli bo'lgan tadbirlar o'tkazilyapti. Bu tadbirlarda tolerantlikni rivojlantirishga ko'maklashuvchi shart-sharoitlarni yaratish yo'llari izlanmoqda, bu muammoni hal etishga halaqit berayotgan omillarni bartaraf etishga harakat qilinmoqda. Hozirgi dunyoning globallashib borayotganligi ana shunday omillardan biridir. Bu millatlar o'rtasida yakdil faoliyat olib borish uchun birlashtiruvchi, tartibga soluvchi, rag'batlantiruvchi vazifani o'taydi.

Millatlararo madaniyat va bag'rikenglik madaniyati zamonaviy dunyoning asosiy tarkibiy qismiga aylanib bormoqda. Davlatlararo munosabatlarda millatlararo bag'rikenglik tamoyillaridan foydalanish muammolari keng muhokama qilinadi. U "...eng asosiy boyligimiz bo'lgan va biz haqli ravishda faxrlanadigan ko'p millatli xalqimizning birdamligi va jipsligini ko'z qorachig'idek asrash hamda yanada mustahkamlash, O'zbekistonni o'z Vatani, deb biladigan har bir insonning muqaddas burchidir"². Bu ulug' ish barcha shu makonda yashayotgan xalqlar taqdiri, qadriyatlari, an'analari davomiyligini ta'minlash manbasi bo'lib qoladi.

Barcha jabhalarda ham millatlararo bag'rikenglik jamiyatining ahamiyati ko'zga tashlanadi. Bular bilan birga, millatlararo bag'rikenglik jamiyatining asosiy maqsadi insoniyatga xizmat qilish, barqarorlik, adolat va o'zaro hamkorlikni ta'minlashdir. Bu jamiyatda har bir insonning huquqlari va erkinliklari himoya qilinadi va turli millatlar o'rtasida barqaror munosabatlar o'rnatiladi. Bag'rikenlik madaniyatda aks etar ekan, xalqning ishonchi, tuyg'ulari, ideallari hayotga qiziqishni kuchaytirib

¹ "Виджон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги" Ўзбекистон Республикаси Қонуни. –Тошкент: Адолат, 1998. -Б. -8.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллигига бағишланган учрашувдаги нутқи. Ўзбекистон – тинчлик ва тотувлик мамлакати // – Тошкент: O'zbekiston, НМИУ, 2017. –Б. 587.



boradi.

Shu ma'noda, ushbu mavzuga murojaat qilish zamonaviy jamiyatda millatlararo bag'rikenlikni har tomonlama tushunish zarurligini anglatadi. "... oldimizga qo'yilgan ulkan vazifalarni amalga oshirishda biz uchun kuch-qudrat manbayi bo'ladigan milliy g'oyani rivojlantirishimiz zarur, xususan, milliy o'zligimizni anglash, Vatanimizning qadimiy va boy tarixini o'rganish, bu boradagi ilmiy-tadqiqot ishlarni kuchaytirish, gumanitar soha olimlari faoliyatini har tomonlama qo'llab-quvvatlashimiz lozim"¹. Demokratik ta'lim nazariyasiga ko'ra "demokratik tizimlar nodemokratik institutlarga qaraganda (siyosiy) bag'rikenglikning shakllanishiga, barqaror demokratiya kamroq barqaror, yangi paydo bo'lgan demokratiyalarga qaraganda (siyosiy) bag'rikenglikning shakllanishi va o'sishiga ko'proq yordam beradi"², degan taxminga asoslanadi. Biz jamiyatda bag'rikenglikning namoyon bo'lish darajalari xilma-xil ko'rinishda bo'lishini, o'zlikni anglash bilan parallel kechishini ko'ramiz.

Ko'pmillatli, ko'p konfessiyali mamlakatimizda ham millatlararo bag'rikenglikni rivojlantirish asosida mamlakatimizda yashayotgan turli millatlar va diniy e'tiqod vakillari bir-birlarini to'g'ri tushunishi va hamjihatlikda faliyat ko'rsatishiga xizmat qiladi. Ularning birligi, millatlararo munosabatlarda tengligi, barqaror siyosatni ta'minlashda hamfikrligi yutug'i sanaladi.

Shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Millatlararo munosabatlar va xorijiy mamlakatlar bilan do'stlik aloqalarini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi va "Millatlararo munosabatlar sohasida O'zbekiston Respublikasi davlat siyosati konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi farmonlari, "O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Millatlararo munosabatlar va xorijiy mamlakatlar bilan do'stlik aloqalari qo'mitasi faoliyatini tashkil etish to'g'risida"gi Qarorlarida huquqiy-normativ hujjatlarda o'z aksini topgan.

Bu borada Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev quyidagi fikrlarni bildirdi: "O'zbekiston millatlararo totuvlik va diniy bag'rikenglik sohasida o'z an'analariga doimo sodiq bo'lib, bu yo'ldan hech qachon o'ishmasdan ilgari boradi. Mamlakatimizda turli millat va diniy konfessiyalar vakillari o'rtasida o'zaro hurmat, do'stlik va ahillik muhitini mustahkamlashga birinchi darajali e'tibor qaratiladi. Bu - bizning eng katta boyligimiz va uni ko'z qorachio'idek asrab-avaylash barchamizning burchimizdir"³. Bu fikrlar jamiyatda barcha millatlar uchun yaratilgan imkoniyatlarga bosh mezon bo'lib, millatlararo munosabatlarda xalqning birligini namoyon etmoqda.

O'zbekiston bunday xususiyatlariga ega nazariy tushuncha va siyosiy strategiya asosida millatlararo madaniyatni yanada rivojlantirishga urg'u berib kelmoqda. Yangi asr va yangi davrda mamlakatimiz oldida turgan muammo va vazifalar bizdan zamon bilan hamnafas bo'lishni, Yangi O'zbekiston madaniyatini rivojlantirish strategiyasi cho'qqisidan axloqiy masalalar bo'yicha tushuncha va tafakkurimizni yanada kuchaytirishni talab etmoqda. "Bu jarayon millatlararo munosabatlar masalalariga e'tiborni kuchaytirishni talab qildi. Natijada millatlararo munosabatlar borasida yangicha davlat strategiyasi ishlab chiqildi O'zbekiston jamiyatida tolerantlikning rivojlanishiga imkoniyat yaratildi. Etnik hamjihatlik va ko'p millatlilik madaniyati mamlakatda muhim qadriyat sifatida qaror topadi. U fuqarolik jamiyatining tiklanishiga asos bo'la oladi. Natijada millatlararo murosa va uni rivojlantirish hamda saqlash imkoniyati yaratiladi"⁴. Xalqlarning bir-biriga isxlosmandligi, manfaat va ehtiyojlarni to'g'ri o'zlashtirishi, barcha millatlar taqdiriga befarqlikni yo'qotib, butun insoniyat uchun aniq maqsadlarni yo'lga qo'yishi maqsadga muvofiqdir. Bunday holat haqida Birinchi Prezidentimiz I.A.Karimov: "Etnik va millatlararo munosabat ko'pmillatli davlatda o'ziga xos ta'sir qiluvchi asos bo'lib, uning asosida millatlar xavfsizligi tushunchasi shakllandi"⁵, - deb ko'rsatgan edi.

Millatlararo madaniyat, millatlararo munosabatlar ajdodlarimiz tamonidan qoldirgan madaniyat, madaniy meros yoki milliy meros sifatida tanilgan. Shu nuqtayi nazardan madaniyat o'zgarishi mumkin, lekin munosabat o'zgarimasligiga amin bo'lamiz. "O'zbekiston kabi ko'p millatli, ko'p konfessiyali mamlakatda bunday harakatlar oxir-oqibatda millatlararo ziddiyat, millatchilik, milliy

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // "Халқ сўзи", 2018 йил, 28 декабрь.

² Torres C. A. Democracy, education, and multiculturalism: Dilemmas of citizenship in a global world // Comparative education review. 1998. – Т. 42. – №. 4. – С. 421-447.

³ Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. –Тошкент: 3-жилд, Ўзбекистон, 2019. –Б. 55.

⁴ Хажиева М.С. Ўзбекистонда толерантликнинг ривожланиш жараёнлари. –Тошкент: 2008. -Б. 75.

⁵ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Тошкент: Ўзбекистон, 1997. –Б. 135-136.



va diniy betoqatlik kabi noxush holatlarga olib kelishi mumkin”¹. Darhaqiqat, har qanday masalada u inson erkinliklari va haq-huquqlarini nazorat qilish kerakligi koʻzda tutilishi lozim.

Xulosa qilib aytganda zamonaviy dunyoda yoshlar oʻrtasida millatlararo munosabatlarni rivojlantirish fuqarolik jamiyati rivojida ham muhim ahamiyatga ega. Shuningdek, taraqqiyot etib borayotgan Yangi Oʻzbekistonni yanada rivojlantirishning asosiy yoʻnalishi sifatida qayd etish joiz. Ushbu masala ayni paytda Yangi Oʻzbekistonning mazkur yoʻnalishdagi islohotlarida ham oʻz aksini topgan. Xususan, “2022-2026 yillarga moʻljallangan Yangi Oʻzbekistonning taraqqiyot strategiyasi toʻgʻrisida”²gi mazkur qarorning yoʻnalishlaridan birida elatlar-aro totuvlik, xorijiy tillarda faoliyat olib borayotgan mas-mediani qoʻllab-quvvatlash, xorijiy davlatlar bilan doʻstlik aloqalarini rivojlantirish masalalari hukumatining diqqat markazida turganini tasdiqlaydi.

FOYDALANGANA DABIYOTLAR ROʻYXATI

1. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси Қонуни. - Тошкент: Адолат, 1998. -Б. -8.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллигига бағишланган учрашувдаги нутқи. Ўзбекистон - тинчлик ва тотувлик мамлакати // - Тошкент: Oʻzbekiston, НМИУ, 2017. - Б. 587.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи”, 2018 йил, 28 декабрь.
4. Torres С. А. Democracy, education, and multiculturalism: Dilemmas of citizenship in a global world //Comparative education review. 1998. - Т. 42. - №. 4. - С. 421-447.
5. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. - Тошкент: 3-жилд, Ўзбекистон, 2019. - Б. 55.
6. Хажиева М.С. Ўзбекистонда толерантликнинг ривожланиш жараёнлари. - Тошкент: 2008. -Б. 75.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Тошкент: Ўзбекистон, 1997. - Б. 135-136.
8. Каримов И. Юксак маънавият - энгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008. - Б. 60.
9. <https://lex.uz/docs/5841063>
10. Холиков, Юнус Артикович. “Ўзбекистонда миллатлараро бағрикенглик инсонпарварликнинг асосий тамойили сифатида.” *Философия и жизнь международный журнал si-I* (2022).
11. Kholikov, Yunus Ortikovich. “Philosophical Fundamentals Of The Culture Of Tolerance.” *The American Journal of Social Science and Education Innovations* 3.09 (2021): 48-51.
12. Kholikov, Yunus Ortiqovich. “MORAL ASPECTS OF NATIONAL ETHNIC IN BRINGING UP YOUNG GENERATION WITH GENEROSITY.” *Theoretical & Applied Science* 7 (2019): 18-21.
13. Холиқов, Юнус Ортиқович. “Бағрикенглик маданиятнинг моҳияти ва унинг ахлоқий асослари.” *Journal of Integrated Education and Research* 1.6 (2022): 17-21.

¹ Каримов И. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. –Б. 60.

² <https://lex.uz/docs/5841063>



YOSHLARDA HAYOTIY MAQSADLARNI TO‘G‘RI SHAKLLANTIRISH NIMA UCHUN MUHIM?

KARIMOV SANJAR SINDORQULOVICH
JIZZAX VILOYATI PEDAGOGIK MAHORAT MARKAZI
IJTIMOIY-IQTISODIY FANLAR KAFEDRASI MUDIRI
TEL: +998 90 229 18 15
HAQIQIYSANJAR@MAIL.RU

***Annotatsiya:** maqolada yoshlarda hayotiy maqsadlarni shakllantirishning ahamiyati, hayotiy maqsadlarning yoshlar faoliyatini yo‘naltiruvchi omillardan biri ekanligi hamda yoshlarda hayotiy maqsadlarni to‘g‘ri shakllantirishning jamiyat taraqqiyoti va xalq farovonligi uchun ahamiyati ijtimoiy-falsafiy jihatdan tahlil qilingan.*

***Kalit so‘zlar:** yoshlar, maqsad, hayotiy maqsad, ehtiyoj, manfaat, determinant, jamiyat, taraqqiyot.*

Yoshlar – har bir jamiyatning kelajagini belgilaydigan muhim qatlamdir. Ularning hayotiy maqsadlari aniq va to‘g‘ri shakllangan bo‘lishi, nafaqat shaxsiy muvaffaqiyat, balki jamiyat taraqqiyoti uchun ham muhim ahamiyatga ega. Har bir yosh inson kelajakda kim bo‘lishini, nimaga erishishni xohlashini anglashi lozim. To‘g‘ri maqsad qo‘yish – intilishni kuchaytirib, to‘g‘ri yo‘ldan yurishga yordam beradi. Shu sababli, bugungi kunda “Milliy tiklanishdan – milliy yuksalish sari” g‘oyasi asosida islohotlar yo‘lidan borayotgan O‘zbekistonimizda ham yoshlar masalasi davlat siyosatining eng ustuvor yo‘nalishlaridan biri hisoblanadi. Bu xususida to‘xtalar ekan Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev, - “Yangi O‘zbekistonni barpo etishga qaratilgan umumxalq harakati saflarida siz, aziz yoshlarimizning qudratli to‘lqin bo‘lib maydonga chiqayotganingiz, yuksak tahsinga sazovordir”[1], -deb ta’kidlaydilar. Shu nuqtayi nazardan olib olib qaralganda, aholisining yarmidan ko‘prog‘i yoshlardan iborat [2] bo‘lgan mamlakatimizda yoshlarimizni jamiyat uchun ahamiyatli hayotiy maqsadlarga ega faol shaxs qilib tarbiyalash jamiyatimizning ta’lim-tarbiya tizimlari oldida turgan muhim vazifalaridan biri hisoblanadi.

Ushbu vazifaning muhimligi xususida prezidentimiz Sh.Mirziyoyev, -“men hurmatli ota-onalar, bobolarimiz va momolarimizni, jonkuyar ustoz va murabbiylarni, muhtaram ziyolilarimiz, keng jamoatchiligimizni bu masalaga befarq bo‘lmasdan, yoshlar tarbiyasiga qaratilgan ishlarimizni yanada kuchaytirishga da’vat etaman. Qanchalik qiyin bo‘lmasin, biz yoshlar tarbiyasi bo‘yicha o‘zimizga xos va ta’sirchan, bugungi kunga hamohang usullarni izlab topishimiz kerak. Jondan aziz farzandlarimizni buzg‘unchi va zararli g‘oyalar, jinoyatchilik, giyohvandlik, loqaydlik, ma’naviy qashshoqlik kayfiyatidan asrashimiz zarur”[3], - deb ta’kidlaydilar. Shu jihatdan olib qaralganda, yoshlarimizda mustaqil fikr va keng dunyoqarash, jamiyatimizning umumiy manfaatlariga muvofiq keluvchi hayotiy maqsadlarni tarbiyalash orqali, avvalo, yoshlarimizni globallashuv jarayonlari ta’sirida kirib kelayotgan turli tuman zararli g‘oyalar va qo’shtirnoq ichidagi ommaviy madaniyatning salbiy ta’siridan saqlashimiz mumkin bo‘ladi. Boshqa tomondan esa, yoshlarimizda daxldorlik, fidoiylilik, vatanparvarlik tuyg‘ularini tarbiyalash va jamiyat uchun ahamiyatli bo‘lgan yaratuvchanlik, tadbirkorlik, tashabbuskorlik faoliyatlariga safarbar etish imkoniyati paydo bo‘ladi.

Zero, yangilanayotgan O‘zbekiston sharoitida yoshlarning hayotiy maqsadlarining umummilliy manfaatlar va jamiyatning maqsadlariga nechog‘lik hamohang shakllanishi, ushbu hayotiy maqsadlarning insonparvarlik, vatanparvarlik, daxldorlik kabi yuksak axloqiylik g‘oyalari bilan sug‘orilishi ijtimoiy taraqqiyotning kafolati bo‘lib xizmat qilishi shubhasiz.

Ayni shu jihatdan ham, yoshlarning jamiyatdagi o‘rni, mavqei va faoliyatining asosiy determinanti va yo‘naltiruvchi omili sifatida hayotiy maqsad tushunchasini o‘rganish masalasi hozirgi davrda nihoyatda muhim ahamiyat kasb etadi.

Bu masalada ayniqsa, yoshlarda hayotiy maqsad shakllantirishning falsafiy jihatlarini o‘rganish bo‘yicha mamlakatimiz olimlari tomonidan fundamental tadqiqotlar amalga oshirilmaganligi mazkur yo‘nalishda izchil holatda ilmiy izlanishlar olib borish zaruriyatini vujudga keltiradi va shu orqali yoshlarda hayotiy maqsadlarni tarbiyalashning zamonaviy uslublarini yaratish - “Uzluksiz ma’naviy tarbiya konsepsiyasi”da belgilab qo‘yilgan maqsad va vazifalarni amalga oshirish borasida o‘ziga xos bir qadam bo‘ladi.

Bugungi davrimizdagi yosh avlodni yangi zamon talablariga mos fikrlaydigan, o‘zining aniq hayotiy pozitsiyasi va maqsadlariga ega kadrlar sifatida tarbiyalashga bo‘lgan ehtiyojning har doimgidan ham oshib borayotganligi, ayrim o‘quvchi-yoshlarda yuksak maqsadlarning shakllanmaganligi, o‘zini o‘zi o‘qishga safarbar qilish, iroda, matonat, tirishqoqlik, harakat



fazilatlarini yetarli rivojlanmaganligi[4] ham “hayotiy maqsad” kategoriyasi, uning strukturasi, yoshlarda hayotiy maqsadning to‘g‘ri shakllanish jarayoni, bunga ta‘sir ko‘rsatuvchi omillar va shart-sharoitlar masalasini o‘rganishni muhim vazifaga aylantirmoqda. Yoshlarda hayotiy maqsadlarning shakllanishini o‘rganish va bu masalada chora-tadbirlar quyidagi jihatlariga ko‘ra muhim hisoblanadi:

Birinchiidan, hayotiy maqsadlar insonga o‘zini aniqlashtirish, shaxsiy salohiyatini ro‘yobga chiqarish imkonini beradi. Maqsadlarsiz yoshlar vaqtni behuda sarflashi, o‘z yo‘nalishini topa olmasligi mumkin.

Ikkinchiidan, aniq maqsadga ega bo‘lgan yoshlar o‘z harakatlari uchun mas‘uliyatni his qiladilar. Ular rejali ravishda harakat qilishni o‘rganadilar, bu esa ularning hayotida muvaffaqiyatga erishishlarini ta‘minlaydi.

Uchinchiidan, har bir inson jamiyatda muayyan o‘ringa ega bo‘lishni xohlaydi. To‘g‘ri shakllangan hayotiy maqsadlar yoshlarning kelajakda mutaxassislik sohasini aniq tanlashlariga, mehnat bozorida o‘z o‘rinlarini topishlariga yordam beradi.

To‘rtinchiidan, aniq maqsadga ega bo‘lgan yoshlar ko‘proq motivatsiyaga ega bo‘ladilar. Ularning mehnati va harakatlari ma‘lum natijalarga erishishga qaratilgan bo‘ladi. Bu esa ularni doimo o‘z ustida ishlashga undaydi.

Beshinchiidan, hayotiy maqsadlar aniq bo‘lsa, inson o‘z hayotida to‘g‘ri qarorlar qabul qiladi. Yoshlar o‘zlariga nima kerakligi va nimadan voz kechishlari kerakligini aniq tushunib yetadilar.

Oltinchiidan, maqsadlar insonni ruhan mustahkam qiladi. Qiyinchiliklar va muammolarga duch kelganda, maqsad sari intilish yoshlarning ularni yengib o‘tishlariga yordam beradi.

Yettinchiidan, yoshlar kelajak bunyodkorlaridir. Ularning aniq maqsadlari va intilishlari davlat rivojiga ijobiy ta‘sir ko‘rsatadi. Zero, ma‘rifatli va maqsadli yoshlar – barqaror taraqqiyot garovidir.

Qolaversa, shaxs ijtimoiylashuvi va ijtimoiy faollik jarayonida hayotiy maqsadning o‘rni, shuningdek, yoshlarda hayotiy maqsad shakllantirishning o‘ziga xos jihatlarini o‘rganish bo‘yicha fundamental tadqiqotlar amalga oshirilmaganligi mazkur yo‘nalishda ilmiy izlanishlar olib borish va hayotiy maqsadni tarbiyalash zamonaviy uslublarini yaratishni taqozo etmoqda.

“Hayotiy maqsad” tushunchasi hozirgi kunning ilmiy kontekstida keng qo‘llanuvchi tushunchalar qatorida bo‘lmasa ham, shaxs va jamiyat aloqalarini o‘rganuvchi ko‘plab ijtimoiy gumanitar fanlar sohasidagi tadqiqotlarda ushbu tushunchaga nisbatan o‘ziga xos yondashuvlarni topish mumkin. Bu masaladagi yondashuvlarni umumlashtirgan holda, bu tushunchaga hayotiy maqsad - inson o‘z hayoti davomida amalga oshirishga intiladigan eng asosiy natijalarni birlashtiruvchi, inson faoliyatining yo‘nalishi, mazmuni va uzoq muddatli mo‘ljallarini belgilab beruvchi eng asosiy, tub, pirovard maqsaddir deb ta‘rif berish mumkin. Demak, hayotiy maqsadlar – yoshlar hayotining yo‘l xaritasi hisoblanadi. Aniq va to‘g‘ri shakllangan maqsadlar ularga muvaffaqiyatga erishish, jamiyatda munosib o‘rin topish va shaxsiy kamolot sari intilish imkonini beradi. Shuning uchun ham yoshlarning maqsadli va intilishga boy bo‘lishini qo‘llab-quvvatlash juda muhimdir.

Xulosa sifatida aytish mumkinki, yoshlarning jamiyatdagi o‘rni, mavqei va faolligining asosiy detirminanti va yo‘naltiruvchi omili bo‘lgan hayotiy maqsad masalasida ilmiy tadqiqotlar olib borish bugungi kunda muhim ahamiyat kasb etadi. Zero, yoshlarda hayotiy maqsadni tarbiyalashning zamonaviy uslublarini yaratish orqali jamiyat taraqqiyotiga xizmat qiluvchi va xalq manfaatlarini o‘zining shaxsiy manfaatlarini bilan uyg‘un holatda tasavvur etadigan taraqqiyparvar avlodning shakllanishiga erishish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning O‘zbekiston yoshlari forumida so‘zlagan nutqi. https://uz.uz/uz/posts/bilimli-yoshlar-kelazhak-poydevori_281136

2. Mirziyoyev. Sh. M. Milliy taraqqiyot yo‘limizni qat‘iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko‘taramiz. – Toshkent. «O‘zbekiston». 2017. 89- b.

3. Shavkat Mirziyoyev: Yoshlar kelajagi bilan bog‘liq har qanday vazifa birlamchi ahamiyatga ega. <https://yuz.uz/news/shavkat-mirziyoev-yoshlar-kelajagi-bilan-bogliq-har-qanday-vazifa-birlamchi-ahamiyatga-ega>

4. “Uzluksiz ma‘naviy tarbiya konsepsiyasini tasdiqlash va uni amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Vazirlar Mahkamasining qarori, 31.12.2019 yildagi 1059-sonli qarori. <https://lex.uz/docs/4676839?ONDATE2=03.01.2020&action=compare>



MUNAVVAR QORI: TURKISTON JADIDCHILIK HARAKATINING ILMIY VA
MA'NAVIY YETAKCHISI

Sultonova Shakhnoza

Buxoro davlat universiteti,
Islom tarixi va manbashunosligi,
falsafa kafedrası o'qituvchisi

Annotatsiya: Mazkur maqolada XIX asr oxiri va XX asr boshlarida Turkistonda shakllangan jadidchilik harakati hamda uning ijtimoiy-falsafiy mazmuni tahlil qilinadi. Ushbu harakat ma'rifatparvarlik, ta'lim islohoti va milliy ongini yuksaltirish g'oyalari ilgari surgan bo'lib, uning ilg'or namoyandalaridan biri Munavvar qori Abdurashidxonovning faoliyati alohida e'tiborga olinadi. Maqolada Munavvar qorining jadid maktablarini tashkil etish, milliy ta'lim tizimini rivojlantirish hamda jamiyat taraqqiyotiga qo'shgan hissasi tahlil qilinadi. Shuningdek, jadidchilik harakatining o'z davridagi siyosiy va ijtimoiy ahamiyati hamda uning bugungi kun ta'lim va madaniyat rivojiga ta'siri muhokama etiladi. Maqola tarixiy manbalar va ilmiy tadqiqotlarga asoslangan bo'lib, ushbu mavzu bilan shug'ullanayotgan tadqiqotchilar va keng kitobxonlar ommasi uchun muhim ahamiyat kasb etadi.

Kalit so'zlar: jadidchilik harakati, ma'rifatparlik, ma'naviyat, madaniyat, taraqqiyot, siyosat, qadriyat, madrasa, jamiyat.

Mustaqillik tufayli xalqimiz tarixini va ma'naviy jarayonlarning rivojlanishini yangicha o'rganish imkoniyati yuzaga keldi. XIX asr oxiri va XX asr boshlarida Turkistonda keng tarqalgan va milliy ozodlik harakati hamda milliy-ma'naviy madaniyat taraqqiyotida muhim rol o'ynagan jadidchilik harakatining ijtimoiy-falsafiy mazmunini qayta tahlil qilish dolzarb masalalardan biriga aylandi. Shu o'rinda davlatimiz rahbari Shavkat Mirziyoyevning quyidagi fikrlarini keltirib o'tishimiz lozim: "Mushtarak tariximizning yorqin sahifalarini tashkil etadigan ma'rifatparvar ajdodlarimizning ibratli faoliyatini, ularning o'z qimmatini va ahamiyatini hamon yo'qotmasdan kelayotgan boy merosini hamkor davlatlar hamda xalqaro tashkilotlar vakillari, taniqli xorijiy olimlar bilan birgalikda teran tadqiq va targ'ib etish bizning ustuvor vazifamizdir" [1].

Buyuk Ona vatanimiz tariximizda bizlar ham, bizlardan keyingi avlodlarimiz ham, hatto chet ellarda ham hamisha qaddaydigan buyuk ajdodlarimiz juda ko'p. Shulardan biri mamlakatimizdagi jadidchilik harakatining yetakchi rahnamosi Munavvar qori Abdurashidxonovdir. U 1878-yil Toshkent shahrining Shayx Xovandi Tahur dahasi, Darxon mahallasidagi elga taniqli oilada dunyoga keldi.

Munavvar qori yoshligidan o'tkir zehni, akalari qatori ilmga chanqoq bo'lib o'sdi. U onasidan boshlang'ich ta'limni oldi. Undan so'ng, dastlab Toshkentda Yunusxon madrasasida o'qiydi. Keyin esa o'n yoshlarida Buxoroga borib, u yerdagi madrasalardan birida besh yil hadis va fiqh ilmi tahsiliga beriladi. Toshkentga qaytib Darxon mahallasi masjidida imomlik qiladi. Ilk bor mustaqil faoliyat yuritib, xalqqa islom ilmi nurini yoydi. U diniy, dunyoviy va ijtimoiy-siyosiy mazmundagi kitoblarni, jurnal va gazetalarni sevib o'qiydi. Ayniqsa, jadidchilikning "otasi" Ismoilbek Gaspirali Qrimda chop etayotgan "Tarjimon" (1883-1914) gazetasi Munavvarning millatparvar, xalqchil bo'lib yetishishiga katta ta'sir qiladi [2].

Munavvar qori, yuqorida aytib o'tilganidek, o'z mahallasi Darxondagi masjidda imom-qori lavozimida ilk bor mustaqil faoliyat yuritib, xalqqa islomiy va dunyoviy ilmlarni yoydi. Mana shu muqaddas dargoh - Alloh taoloning uyida ongi-tafakkuri takomil topdi, millat dard-u alami, hol-ahvolidan to'la xabardor bo'ldi. Ma'lumki, tarixan shu davr xalqimizda chor Rossiyasining mustabid mustamlakachilik zulmi kuchayishi evaziga iqtisodiy-siyosiy, madaniy-ma'naviy qashshoqlik, mutaassiblik, ma'rifatsizlik kuchaygan edi. Shuningdek, qadim an'anaviy boshlang'ich, o'rta maktab va oliy madrasa ta'limi o'z taraqqiyoti yo'lidan chiqib, davr talabidan orqada qolgan edi.

Ustiga-ustak, pala-partish, tarqoq xalq g'alayon va qo'zg'olonlari tobora kuchayib, behuda qonlar to'kilishi-yu azob-uqubatlari avj olayotgan, juda ham ayanchli siyosiy vaziyat yuzaga kelgandi. Bularga javoban nafaqat Turkiston, balki Butunrossiya musulmon ziyolilari orasida yangicha ijtimoiy-siyosiy, madaniy-ma'rifiy dunyoqarash, uyg'onish, ya'ni jadidchilik harakati paydo bo'lib, jaholatga qarshi ma'rifat shiori ostida bo'y ko'rsatdi.

Munavvar qori bu yangi diniy va dunyoviylikka asoslangan harakatning mazmun-mohiyati va maqsad-vazifalarini juda erta anglab, o'z hovlisida ochgan to'rt yillik "savtiya", ya'ni tovush usulli maktabi eski an'anaviy maktablarga mutlaq raqobatda bo'lgan yangi jadid maktabi yuzaga keldi. Shu o'rinda Munavvar qori jadidchilikni hozirgi tushunchadagi islohotchilik, ishbilarmonlik hamda



tadbirkorlikdan boshladi desak, xato bo'lmaydi. Munavvar qori maktabida diniy va dunyoviy ilmlar o'zaro uyg'unlikda yonma-yon o'qitildi. O'quvchilar tezda savod chiqarib ravon o'qish hamda yozish qobiliyatiga ega bo'ldilar. Munavvar qori maktabidan andoza olgan jadid maktablari nafaqat Toshkent, balki butun Turkiston, hatto undan tashqarida ham birin-ketin ochilib, tezlik bilan yoyila boshladi.

Jadidchi ma'rifatparlarning fikricha, Vatan va millat taraqqiysi uchun nainki zamonaviy bilimlarni, balki kelar zamon ilmini ham egallash taqozo etilar edi. Mahmudxo'ja Behbudiyning: "Ey musulmonlar! Bolalaring'izga kelar zamon ilmini o'rgatingiz! Zeroki, alarni Xudoi taolo xalq etdi, sizlarning zamoningizdan boshqa, ya'ni kelar zamon uchun", degan so'zlari buning isbotidir. Shuningdek, Munavvarqorining "Taraqqiy" gazetasining 1- va 2-sonlarida chop etilgan "Bizning jaholat – jahli murakkab" maqolasida o'qitishning eski usuli zamon talablariga javob bermasligi aytiladi. Ushbu maqolada johil bo'lishiga qaramay, o'zini bilimdon ko'rsatishga intiluvchi mudarrislar keskin tanqid qilinadi. O'qitish usulini isloh etish hayotiy ehtiyoj ekani masalasi ko'tariladi: "Har millatni maktab va madrasasi o'ldig'i kabi bizni ham maktab va madrasalarimiz garchi benizom va beusul bo'lsa ham, yo'q demak darajada oz emasdur. Har millat avlodini tarbiyat va ta'limi ulimda ko'rsatgan himmat va ga'yрати kabi bizlarda ham o'z ma'sum avlodlarini jaholat va g'afflat zulmatida qolmog'iga hech bir rizolari o'lmay, qo'llaridin kelganicha ta'lim va tarbiyati avlodda qusurlik ko'rsatmakchi zotlar mavjuddir" [3].

Munavvar qori birgina maktab bilan cheklanmay, yana bir necha xususiy jadid maktabini ochdi. U yanada oldinga qadam tashlab, birinchi bo'lib, ikki yillik "Rushdiya" jadid maktabini ochib, hozirgi milliy dunyoviy o'rta maxsus ta'limga asos soldi. Bu maktab ham juda keng miqyosda boshqa joylarda tez rivojlanib, hatto sovet davrida ham asqotdi. Hatto "Lenin maktabi", "Muxtoriyat maktabi" deb nomlandi. Maorif taraqqiyotiga qo'shgan boshqa xizmatlari evaziga Munavvar qori mahalliy sovet hukumatining 1923-yil 7-martdagi e'tirof etilgan qaroriga ko'ra, "Maorif qahramoni" unvoniga sazovor bo'ldi.

Xulosa qilib aytganda, mustaqillik xalqimizga o'z tarixini va ma'naviy jarayonlarni yangicha tahlil qilish imkonini berdi. XIX asr oxiri va XX asr boshlarida jadidchilik harakati milliy uyg'onish, ma'naviy va intellektual rivojlanish jarayonida katta rol o'ynadi. Ushbu harakatning asosiy maqsadi savodxonlikni oshirish, zamonaviy bilimlarni o'rgatish va jamiyatni taraqqiyot yo'liga olib chiqish edi. Munavvar qori Abdurashidxonov kabi jadidlar islohotchi sifatida nafaqat ta'lim tizimini modernizatsiya qildilar, balki milliy ong va o'zlikni anglashni kuchaytirishga harakat qildilar. Ular an'anaviy ta'lim usullarini takomillashtirib, yangi jadid maktablarini tashkil etishdi. Bu maktablar orqali yosh avlodga diniy va dunyoviy bilimlar uyg'un holda o'rgatilib, ularning kelajakda yuksak saviyali mutaxassis va yetuk shaxs bo'lib yetishishiga sharoit yaratildi.

Bugungi kunda jadidchilik harakati ilgari surgan ma'rifatparvarlik tamoyillari milliy taraqqiyot uchun dolzarb ahamiyatga ega. Ularning ta'lim, madaniyat va ijtimoiy hayotga oid ilg'or g'oyalari hozirgi zamonaviy ta'lim jarayonlari va islohotlar bilan uyg'unlashib borayotgani quvonarli hol. Shunday ekan, jadidchilikning tarixiy tajribasi va qadriyatlarini chuqur o'rganish, ularning ilg'or g'oyalarini bugungi jamiyat taraqqiyotiga tatbiq etish mamlakatimizning intellektual va ma'naviy rivojlanishiga xizmat qiladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Mirziyoyev Sh.M. "Jadidlar: milliy o'zlik, istiqlol va davlatchilik g'oyalari" mavzusidagi xalqaro konferensiya ishtirokchilariga // <https://president.uz/oz/lists/view/6919>
2. Xolboyev S. Jadidlar. Munavvar qori Abdurashidxonov. -Toshkent: Yoshlar nashriyot uyi, 2022. – 152 b.
3. Muhammadqodir Shokirali o'g'li Umarov (2023). MUNAVVARQORI ABDURASHIDXONOVNING AXLOQIY-ESTETIK QARASHLARI. Academic research in educational sciences, 5 (NUU Conference 2), 755-759.
4. Sobirovich, T. B. THE SPIRIT OF A NEW ERA: THE IDEOSPHERE GUIDING UZBEKISTAN TOWARDS DEMOCRACY.
5. Sobirovich, T. B. (2023). Basic Criteria for Building the Third Renaissance in Uzbekistan. Asian Journal of Applied Science and Technology (AJAST), 7(1), 149-157.
6. Turdiyev, B. (2021). Behbudi's views on the spiritual renewal of society. Центр Научных Публикаций (buxdu. uz), 5(5).
7. Turdiyev, B. S. (2021). Cultural and educational development of society in the scientific heritage of world philosophers. Academic research in educational sciences, 2(4), 443-451.



СОЦИОЛОГИЯ ВА ПОЛИТОЛОГИЯНИНГ ЖАМИЯТИМИЗДАГИ
ТУТГАН ЎРНИ ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

FUQAROLIK JAMIYATI VA IJTIMOY SHERIKLIK DIALEKTIKASI.

Ithomjon Ibrohimovich Kamolov

O‘zbekiston metallurgiya va mashinasozlik
sanoati tarmoqlari xodimlari kasaba uyushmasi

Respublika Kengashi tashkiliy ishlar
bo‘yicha bosh mutaxassisi

Toshkent, O‘zbekiston

Telefon nomer: +99890-062-50-50

a icamolove@yandex.com

Kalit so‘z: kasaba uyushmasi, fuqarolik jamiyati, ijtimoiy sheriklik, dialektika, davlat, jamoa shartnomasi.

Ключевые слова: профсоюз, социальное общество, социальное партнерство, диалектика, государство, коллективный договор.

Key words: trade union, social society, social partnership, dialectics, state, collective agreement.

Fuqarolik jamiyati va ijtimoiy sheriklik dialektikasiga ijobiy ta‘sir etadigan tizimni rivojlantirish – mehnat jabhasida turlicha namoyon bo‘ladigan xodimlar va ish beruvchilarning manfaatlari orasida nisbiy muvozanatni, kelishuvni sheriklik asosida vujudga keltirishga sharoit yaratadi. Korxonalarda tarmoq - jamoa shartnomasiga amal qiladi va uning talablarini bajaradi. Bunday modelni tatbiq etishning shakllaridan biri «namunaviy» shartnomadir. Bu maqolada jamoa shartnomalari korxonalar, tashkilot va muassasalar uchun nega muhim local hujjat ekanligi yoritiladi.

Eng avvalo fuqarolik jamiyati va ijtimoiy sheriklik dialektikasi nimani anglatadi? – degan masala alohida diqqatni talab qiladi. Avvalo, ta‘kidlash joizki, bu tushunchalar shaxsning, bir tomondan, davlatga mansubligini bildirsa, ikkinchi tomondan, shaxsning erkin jamiyat a‘zosi ekanligidan dalolat beradi. Shuning uchun fuqarolik jamiyatida ijtimoiy sheriklik asosini insonlarning maqsadga muvofiq o‘zaro samarali hamkorligi tashkil etadi, ya‘ni bu jarayonda o‘zaro hamkorlarning o‘z qiziqishlari muvaffaqiyatga erishishlarining yuqori darajadagi kafolati ta‘minlanadi. M.Veber davlat va fuqarolar o‘rtasida tashkil etiladigan munosabat o‘zaro maqsadli xatti-harakatlarning mahsuli ekanligini alohida ta‘kidlab o‘tadi.¹ Ijtimoiy sheriklik shakllari, ularning jamiyatda bajaradigan vazifalari, huquqiy boshqaruv, ifodalanish xarakteri va shartlari asosida ajratib o‘rganiladi. Ayni shu ma‘noda, G.I.Avisinova: “Ijtimoiy sheriklik - bu turli sub‘ektlarning, institutlarning, tuzilmalarning bevosita yoki bilvosita, ichki yoki tashqi munosabatlar, aloqalar jarayoni, bu ob‘ektlarning, shuningdek, butun jamiyatning, davlat institutlari, biznes va fuqarolik jamiyati institutlarining o‘zaro hamkorligini mustahkamlashga xizmat qiladi”², deb ta‘kidlaydi. Shu nuqtai nazardan qaraganda, ijtimoiy sheriklik jamiyatda barqarorlikni tarkib toptirish uchun kerak, albatta. Chunki barcha qatlamlarning asosiy qiziqishlarini alohida hisobga olish lozim. Shuning uchun ham ijtimoiy-falsafiy mohiyatiga ko‘ra sheriklik munosabatlari guruhli egoizmga, siyosiy lobbizm va liberal individualizmga qarama-qarshi tushuncha. U davlat organlari, tashkilotlari, fuqarolik jamiyati va uning institutlari o‘rtasidagi dialog modeliga asoslanadi. Shu ma‘noda, ijtimoiy sheriklik muayyan tizim sifatida namoyon bo‘ladi, bu jarayonda u o‘zida umumiy qadriyatlar, ma‘naviy va g‘oyaviy asoslarga tayanib, o‘zaro yon berish, shuningdek, jamoaviy-kelishuv shartnomalarini (ishtirok etayotgan barcha ijtimoiy sub‘ektlar tomonidan) aks ettiradi³.

¹ Вебер М. Избранное: Образ общества. -М.: Центр гуманитарных инициатив. 2012. –767 с.

² Авицинова Г.И. Принципы трёхсекторного взаимодействия и тенденции его развития / Г.И.Авицинова // Государство, НКО и бизнес: процесс и взаимодействия: материалы межд. науч.-прак.конф. –М.: МГОФ «Знание», 2007. –320 с.

³ Грин Д.Дж. Возвращение в гражданское общество: социальное обеспечение без участия государства Пер.с англ. –М.: Новое изд-во, 2009. 220 с.



Hozirgi davrda fuqarolik jamiyatini rivojlantirishni o'z oldiga maqsad qilib olgan davlatlarda ijtimoiy sub'ektlarning o'zaro manfaatli hamkorlik, ijtimoiy dialog, huquq va manfaatlari teng, zimmaga olingan majburiyatlar singari belgilar mavjud bo'lgan ijtimoiy sheriklik shakllanmoqda. Shu nuqtai nazardan qaraganda, fuqarolik jamiyatida ijtimoiy sheriklik yangi boshqaruv usuli, davlat va fuqarolik jamiyati institutlarining o'zaro munosabatlarini yanada mustahkamlashga qaratilgan tamoyildir. Ushbu tamoyil davlat va fuqarolik jamiyati institutlari munosabatlarini zamon ruhiga mos ravishda belgilangan shakl va tamoyillarga asoslangan holda yaxshilashga qaratilgani bilan muhim ahamiyat kasb etadi.

Ayni paytda ta'kidlash joizki, ijtimoiy sheriklik ijtimoiy sub'ektlar integratsiyasi va ijtimoiy tizim yaxlitligini mustahkamlovchi qurol sifatida namoyon bo'ladi. Shu o'rinda ijtimoiy sheriklikni mehnat munosabatlari jabhasini nazorat qilish bilan bog'liq bo'lgan industrial jamiyat shakllanishi bosqichida yuzaga kelgan hamkorlikning doimo funksional va ijtimoiy-pozitiv shakli sifatida tushunish noo'rirligiga to'xtalish lozim. Chunki ijtimoiy fenomen sifatidagi sheriklik xronologik, soha va deyarli chegaralanmagan maqsadli universallikka ega va ijtimoiy sub'ektlar tomonidan nafaqat ijtimoiy ahamiyatga molik maqsadlarga, balki bunday mazmunga ega bo'lmagan faoliyatdagi maqsadlarga erishishni ham nazarda tutadi. Shu bilan bir qatorda, ijtimoiy sheriklikning o'ziga xos tasnifi faqat ungagina tegishli bo'lgan jihatlarni ochib berishga xizmat qilishini unutmash lozim.

Iqtisodiy sohadagi munosabatlar nuqtai nazaridan qaraganda, fuqarolik jamiyati va ijtimoiy sheriklik dialektikasiga ijobiy ta'sir etadigan tizimni rivojlantirish – mehnat jabhasida turlicha namoyon bo'ladigan xodimlar va ish beruvchilarning manfaatlari orasida nisbiy muvozanatni, kelishuvni sheriklik asosida vujudga keltirishga sharoit yaratadi. Shuning uchun A.Begmatov mehnat munosabatlarida ijtimoiy sheriklik masalasiga to'xtalib, "Ijtimoiy sheriklik nazariyasining maqsadi jamiyatdagi mehnat munosabatlarida, antagonist sinflar manfaatlari o'rtasida mavjud bo'lgan ziddiyatlarni bartaraf etish va konsensusni ta'minlashga qaratilgan edi"¹, deb ta'kidlaydi. Darhaqiqat, ijtimoiy sheriklik iqtisodiy samaradorlik va ijtimoiy adolatning birga aks etishi mexanizmi bo'lib hisoblanadi.

Shu ma'noda, fuqarolik jamiyati va ijtimoiy sheriklik dialektikasi deganda, davlatning faol ishtirokida vujudga keladigan ijtimoiy-mehnat sohasida xodimlar va ish beruvchilar o'rtasidagi munosabatlar ham tushuniladi. Mehnat sohasida ijtimoiy sheriklik faqat bozor iqtisodiyotiga xos bo'lgan ijtimoiy-mehnat munosabatlarining alohida tizimi bo'lib, u davlat, ish beruvchilar va xodimlar manfaatlari muvozanatini ta'minlashga xizmat qiladi. Bunday sheriklikni amalga oshirish mexanizmi esa jamoa shartnomalari va kelishuvlari, qo'shma qarorlar, lokal hujjatlar, kasaba uyushmalari bilan kelishib qabul qilinadigan boshqa hujjatlarni tuzish va tatbiq etish asosida amalga oshiriladi. Xalqaro mehnat tashkilotining hujjatlarida bu tamoyil "ijtimoiy muloqot" deb nomlangan bo'lib, tripartizm (ya'ni davlat, ish beruvchilar va xodimlar o'rtasidagi uch taraflama hamkorlik) asosida amalga oshirilishi belgilab qo'yilgan. Mamlakatimizda esa mehnat sohasidagi ijtimoiy sheriklik to'rtta, ya'ni umummilliy, tarmoq, xududiy va lokal miqyoslarda amalga oshiriladi. Har bir pog'onadagi ijtimoiy sheriklikning o'ziga hos ijtimoiy sheriklik hujjati mavjud bo'lib, bular bosh, tarmoq (tarif), hududiy (mintaqaviy) kelishuvlar va jamoa shartnomalari bo'lib hisoblanadi.

Fuqarolik jamiyati va ijtimoiy sheriklik dialektikasiga ko'ra, avvalo, davlat va fuqarolik jamiyati institutlari o'rtasidagi munosabatlar ijtimoiy sheriklik sohasidagi qonunchilik aktlari bilan tartibga solinishi, ya'ni qonun hujjatlarining «ta'sir doirasi» bilan qoplanishi lozim. Shunday qilib, davlat va fuqarolik jamiyati institutlari, ularning vakillik organlari alohida hollarda o'zaro manfaatlarni inobatga olgan holda ijtimoiy-siyosiy munosabatlarni belgilash, ijtimoiy-iqtisodiy vazifalarni aniqlash, ular o'rtasidagi ijtimoiy sheriklik shakllarining amalga oshirilishi mexanizmlarini tobora takomillashtirib borish fuqarolik jamiyati va ijtimoiy sheriklik dialektikasi ta'sirini kuchaytirishning muhim sharti hisoblanadi.

Bu esa, fuqarolik jamiyati institutlari va davlat hokimiyati organlari o'rtasidagi ijtimoiy sheriklik munosabatlari jamoatchilik nazorati instituti bilan bir qatorda, fuqarolarning jamiyat hamda davlat ishlarini boshqarishda ishtirok etishini kafolatlovchi ishonchli vositalardir. Demokratik taraqqiyot yillarida jamiyatning huquqiy ongi va madaniyati yuksalishi, aholining siyosiy-huquqiy hamda ijtimoiy faolligi tobora oshib borishi, nodavlat notijorat tashkilotlari mustaqilligi ta'minlanishi natijasida davlat hokimiyati organlari bilan ular o'rtasidagi ijtimoiy sheriklik munosabatlarini yangi

¹ Бегматов А. Ижтимоий шериклик ва ижтимоий хавфсизлик // “Жамият ва бошқарув”, 2014. №1. –Б.43.



sifat bosqichiga olib chiqish imkoniyati yanada ortib bormoqda¹.

Ijtimoiy sheriklikning shakllanishi va genezisi haqida ma'lumot beruvchi nazariy manbalarni, shuningdek, bu sohadagi falsafiy g'oyalar va qarashlarni o'rganib chiqish, mazkur jarayonda ham ijobiy, ham ijtimoiy-iqtisodiy va siyosiy islohotlarni amalga oshirishga halaqit beruvchi salbiy hodisalarni aniqlashga imkon beradi. Jahon amaliyoti shuni ko'rsatadiki, ijtimoiy sheriklik o'z rivojlanish va takomillashish jarayonida o'ziga xos xususiyatlarga ega, bu tajriba barcha rivojlangan mamlakatlarda turli ijtimoiy munosabatlarni nazorat qilishda qo'llanilishi mumkin. Hozirgi kunda ijtimoiy sheriklik bilan bog'liq bo'lgan va insoniyat taraqqiyoti jarayonida shakllangan g'oyalar jamiyat taraqqiyoti, undagi siyosiy, iqtisodiy va ijtimoiy barqarorlikni saqlashda faol qo'llanilmoqda.

Ijtimoiy sheriklikning tarixiy taraqqiyotiga e'tibor qaratsak, u dastlab rivojlangan G'arb mamlakatlarida legitimlashtirilganligiga guvoh bo'lamiz. Chunki dastlab sheriklik kasaba uyushmalari tashabbusi bilan yuzaga kelgan, asosan, tashkilotlar hamda kasaba uyushmalari o'rtasidagi munosabatlarni tartibga solish maqsadida shakllangan. Keyinchalik sheriklikning doirasi kengayib, tashkilot doirasidan yirik sub'ektlar hamkorligiga nisbatan tatbiq etish amaliyoti yuzaga keldi. Ijtimoiy sheriklik natijasida nodavlat notijorat tashkilotlari yoki fuqarolik jamiyatining boshqa institutlari davlat yoki uning muayyan organiga teng hamkor sifatida maydonga chiqadi. Bunday hamkorlik inson manfaatlarini har tomonlama ta'minlashga yo'naltiriladi. Shu kabi munosabatlarda davlat nodavlat notijorat tashkilotlariga yordam, ko'mak beruvchi sub'ekt sifatida yetakchi mavqeda turgan bo'lsa, bugun nodavlat tashkilotlar davlatning teng hamkoriga aylanmoqda. Shubhasiz, bu ularning bugungi jamiyat hayotidagi roli va o'rnini yanada mustahkamlaydi.

Hozirgi kunda bu modellar jahonda keng tarqalgan yollanma ishchilar va ish beruvchilar o'rtasida davlatning bevosita yoki bilvosita ishtiroki bilan ijtimoiy-mehnat munosabatlarining tartibga solinishi ko'rinishidagi ijtimoiy sub'ektlarning o'zaro ta'sir jarayoni – individlar yoki ijtimoiy guruhlarining ehtimolli nizolarini hal etishga yordam bermoqda. Bugungi kunda xorij amaliyotida ijtimoiy sheriklik turli shakllarda namoyon bo'layotganligini ko'rish mumkin. Ko'pgina ilmiy adabiyotlarda ijtimoiy sheriklikning German (Avstriya, Germaniya, Shveysariya), Skandinav (Shvesiya, Norvegiya, Daniya) va Amerika (AQSh, Angliya) modellari haqida so'z boradi.

Mazkur masalani retrospektiv nuqtai nazardan o'rganish hozirgi davrda ushbu sohaga oid adabiyotlarda ijtimoiy sheriklikning quyidagi uch modeli alohida qayd etilishidan dalolat beradi:

1. Moslashtiriluvchi model. Ijtimoiy va iqtisodiy hamda siyosatni shakllantirish va amalga oshirishda tadbirkorlar uyushmalari davlat bilan birga kasaba uyushmalari ham ishtirok etadi. Bu model uchun jamoaviy-shartnomaviy jarayonning yuqori darajali markaz-lashuvi xos.

2. Aksilkasaba uyushmaviy model. Ijtimoiy sohada qarorlar qabul qilish jarayonida kasaba tashkilotlari rolini boqichma-bosqich kamaytirib borish, bunda jamoaviy shartnomalar samaradorligining pastligi sabab qilib ko'rsatiladi.

3. Plyuralistik model. Jamoaviy muzokaralar nomarkazlash-tiriladi va alohida korxonalar, ba'zan esa ularning filiallari darajasigacha tushiriladi. Birinchi model Skandinaviya, Avstraliya, Niderlandiya, qisman Germaniya va Shveysariya; ikkinchisi – Fransiya, Italiya (1950 y.); uchinchisi-Buyuk Britaniya, Kanada va Yaponiyaga xarakterli hisoblanadi².

Shimoliy Yevropa mamlakatlari-Shvesiya, Finlyandiya, Norvegiya, Belgiyada keng tarqalgan modelga ko'ra, davlat mehnat munosabatlari va ularni boshqarishda faol qatnashadi. Bundan tashqari, mazkur modelda umummilliy, tarmoq va korxonamuassasa darajasidagi sherikchilik muhim ahamiyat kasb etadi. Xususan, Belgiyada umummilliy darajada mehnat bo'yicha milliy kengash faoliyat yuritadi. Unga har uchala hamkor hisobidan teng sonli ishtirokchilar kiritilgan. Davlat qonunchilik vazifasini o'z zimmasiga oladi. Tarmoq darajasida esa «paritet komissiyalar» tuziladi. Korxonamuassasa darajasida masalalar ikki tomonlama, ya'ni ish beruvchi – kasaba uyushmasi munosabatlari asosida kechadi. Ba'zi mutaxassislar fikricha, aynan mana shu sherikchilik tufayli jamiyatda ijtimoiy barqarorlik saqlab qolinmoqda³.

AQSh, Kanada, Yaponiya va Lotin Amerikasi mamlakatlarida ijtimoiy sheriklik korxonamuassasa darajasida amal qilishi bilan ajralib turadi. Bunda ish beruvchilar birlashmalari xuddi kasaba uyushmalari singari, o'z vakillari orqali qonun chiqarish jarayoniga, shu orqali ijtimoiy sheriklarga

¹ Ахмедшаева М., Нажимов М. Ижтимоий шериклик – демократик янгиланишларнинг муҳим омили // “Халқ сўзи”. 2014 йил 22 октябрь.

² Витко Ф.П. Социальное партнерство: учеб.-метод. комплекс / Ф.П.Витко. –Минск: Гист БГУ, 2008. –184 с.

³ Каргалова М.В. От социальной идеи к социальной интеграции. Становление социальной политики Европейского Союза. –М.: Интердиалект, 1999. –318 с.



o‘z ta’sirlarini o‘tkazishga urinadilar¹.

Germaniya, Avstriya, Gollandiya, Shveysariya kabi davlatlarga xos modelni birinchi va ikkinchi modellarni bog‘lovchi halqa sifatida tasavvur etish mumkin. Bu modelda asosiy e’tibor tarmoq darajasiga qaratiladi. Butun mamlakat miqyosida uch tomonlama kelishuvlar qabul qilinmaydi, balki majburiy bo‘lmagan maslahatlar bilan kifoyalaniadi. Asosiy muzokara jarayoni esa tarmoqlarda kechadi. Korxonalarda **dialektikalari** tuzilmaydi. Korxonalar tarmoq shartnomasiga amal qiladi va uning talablarini bajaradi. Bunday modelni tatbiq etishning shakllaridan biri «namunaviy» shartnomadir. Misol uchun, Germaniya sanoatidagi «JGMetall» kompaniyasining sheriklik shartnomasi uzoq vaqt butun nemis iqtisodiyoti uchun namuna vazifasini o‘tab kelgan².

Ushbu qayd etilganlar ijtimoiy sheriklik g‘oyasining jahon tajribasiga doir uzoq yillik rivojlanish va takomillashish tarixi davomida katta tajriba to‘plangani va undan turli mamlakatlarda xilma-xil yo‘sinda foydalanish mumkinligidan dalolat beradi. Mazkur g‘oyalar siyosiy, iqtisodiy va ijtimoiy barqarorlikni saqlash uchun bugungi kundagi faol amaliyotda keng qo‘llanilmoqda. Bu borada ijtimoiy sheriklik butun dunyo mamlakatlari hayoti uchun umumiy tamoyil, ya’ni tinchlik va barqarorlikni shakllantirishga xizmat qiluvchi siyosiy va iqtisodiy munosabatlar yig‘indisi sifatida namoyon bo‘lmoqda.

1 Семигин Г. Социальное партнерство в современном мире. –М.: Мысль, 1996. –200 с.

2 Социальное партнерство: социальная трансформация институтов и практик. Сборник статей и материалов Международного казанского научного форума (19-20 октября, г.Казань). Под ред. А.Г.Большакова. –Казань: КГУ 2013. –320 с.



Turdiyev Bexruz Sobirovich

Buxoro davlat universiteti,
Ijtimoiy-siyosiy fanlar kafedrasida dotsenti,
falsafa fanlari doktori (DSc)
b.s.turdiyev@buxdu.uz

Annotatsiya: Demokratiya xalq tomonidan amalga oshiriladigan hokimiyat shakli hisoblanib, uning asosiy manbai xalqdir. Mazkur maqola demokratiyaning siyosiy mohiyati tenglik, erkinlik va jamoatchilik nazorati tamoyillariga asoslanishi, demokratiyaning nazariy asoslari va zamonaviy siyosiy tizimlardagi roli siyosatshunos olimlar talqini asosida tahlil etilgan.

Kalit soʻzlar: demokratiya, hokimiyat, siyosat, jamoatchilik nazorati, boshqaruv, tenglik, qonun, vakolat

Bugungi kunda demokratiya xalq orqali amalga oshiriladigan hokimiyati hisoblanib, xalq uning asosiy manbasi va xalqning faol ishtiroki orqali xalq manfaatlari yoʻlida amalga oshiriladigan jarayondir. Bu jarayon mansabdor shaxslarni saylash yoki lavozimidan ozod etish, jamiyatning ijtimoiy hayotidagi dolzarb masalalarni ovozga qoʻyish yoʻli bilan amalga oshiriladi.

Demokratiya siyosiy qadriyatlarni shakllantirib beradigan asosiy kuchni tashkil qiladi. Bugun demokratiyaning shakli, mazmuni va insoniyat taraqqiyotida tutgan oʻrni haqidagi qarashlar tizimi jahondagi ilgʻor davlatchilik tajribalarining ortishi, xalqlarning oʻzligi va kelajagini anglash jarayonida boyib, sayqallanib bormoqda. Demokratiyaning bunday umumiy prinsiplariga oid taʼriflarini quyidagi olimlar talqinida koʻrishimiz mumkin.

Amerikalik siyosat nazariyotchisi, Yel universitetining siyosatshunoslik professori Robert Alan Dahl xalq hokimiyatini falsafiy tadqiq etib, uni quyidagi xususiyatlarini ajratib koʻrsatadi: 1) Samarali ishtirok etish; 2) Ovoz berishda tenglik; 3) Maʼrifatli tushunchaga ega boʻlish; 4) jamoatchilik nazorati; 5) Katta yoshdagilarni kiritish [1].

Robert Alan Dahlning davlat hokimiyati haqidagi siyosiy tadqiqi demokratik tizimning chinakam adolatli va funksional boʻlishi uchun muhim xususiyatlarni belgilaydi. Samarali ishtirok etish, ovoz berishda tenglik, maʼrifatli tushunish, jamoatchilik nazorati va kattalarning birgalikda ishtirok etishi demokratiya shunchaki tartib-qoidalar majmuasi emas, balki mazmunli ishtirok, teng taʼsir, xabardor muhokama, masʼuliyatli boshqaruv va umumiy ishtirokni talab qiluvchi jonli amaliyot ekanligini taʼkidlaydi. Bu elementlar demokratik hokimiyatning qonuniy, adolatli va xalqning jamoaviy irodasi va manfaatlarini chinakam aks ettiruvchi boʻlishini taʼminlash uchun asos boʻlib xizmat qiladi.

Lyudvig Maksimilian nomidagi Myunxen universiteti falsafa va siyosat nazariyasi professori Laura Valentini koʻp yillar davomida global adolat, demokratiya, erkinlik, (inson) huquqlari, siyosiy majburiyat, siyosiy nazariya metodologiyasi va axloq falsafasi oʻrtasidagi munosabatlarni tadqiq etib, xalq hokimiyati xususida shunday deydi: “Demokratiya deganda men qaror qabul qilishning jamoaviy jarayonlari majmuini nazarda tutyapman, bunda maʼlum bir guruhga mansub boʻlganlar (mavjud vaziyatda jamiyat) ularni boshqarishi kerak boʻlgan qoidalarni belgilashda teng huquqli” [2]. Laura Valentining demokratiya taʼrifi jamiyatning har bir aʼzosi ularni tartibga soluvchi qoidalarni shakllantirishda teng huquqqa ega boʻlgan jamoaviy jarayon sifatida uning mohiyatini taʼkidlaydi. Siyosiy nuqtai nazardan, bu demokratiyaning asosiy siyosiy tenglik tamoyilini taʼkidlar ekan, bunda boshqaruvning qonuniyligi barcha shaxslarning qonunlar ishlab chiqish jarayonida teng ishtirok etishidan kelib chiqadi.

Tadqiqotchi S.V.R. de A. Samarasinghe oʻzining “Rivojlanayotgan mamlakatlarda demokratiya va demokratlashtirish” nomli kitobida xalq hokimiyatiga shunday taʼrif beradi: “Xalq tomonidan nazorat qilinadigan jamoaviy majburiy qoidalar va siyosatlar toʻgʻrisida qaror qabul qilish usuli va eng demokratik tartib - bu jamoaning barcha aʼzolari bunday qarorlarni qabul qilishda bevosita ishtirok etish uchun samarali teng huquqlarga ega boʻlishlari, yaʼni amalga oshirishda xalq nazorati va tenglik tamoyillarini eng yuqori darajada amalga oshiruvchi xalq tizimi deyish mumkin” [3]. Siyosiy nuqtai nazardan, bu boshqaruvning qonuniyligi barcha fuqarolarning faol va teng ravishda ishtirok etishiga asoslanadigan ishtirokchi demokratiya idealini taʼkidlaydi. Unda toʻgʻridan-toʻgʻri ishtirok etish va tenglik tamoyillari taʼkidlab oʻtilgan, hokimiyatning xalq qoʻlida boʻlib qolishi demokratik nazorat va adolatning eng yuqori standartlarini aks ettiradi.



Benjamin R. Barber amerikalik siyosiy nazariyotchi va eng mashhur “Kuchli demokratiya” kitobida “Kuchli demokratiyada odamlar – fuqarolar – o‘z vakolatlari va mas’uliyatini ularning nomidan harakat qiladigan vakillarga topshirgandan ko‘ra, imkon qadar o‘zini-o‘zi boshqaradi”, deb yozgan edi [4]. Siyosiy nuqtai nazardan, bu siyosiy qarorlar qabul qilishda barcha fuqarolarning bevosita ishtiroki va faol ishtirokini birinchi o‘ringa qo‘yadigan ishtirokchi demokratiya idealini ta’kidlaydi. U o‘zini o‘zi boshqarish va to‘g‘ridan-to‘g‘ri harakatni demokratik ishtirok etish va javobgarlikning eng yuqori ifodasi sifatida ta’kidlab, vakillik demokratiyasining an’anaviy modeliga qarshi chiqadi.

Larri Jey Diamond amerikalik siyosiy sotsiolog va demokratiyani o‘rganish sohasidagi yetakchi zamonaviy olim. Rivojlanayotgan demokratiyalar barqaror va xavfsiz bo‘lishi uchun, deydi Diamond, ular chuqurroq demokratik - yanada liberal, mas’uliyatli va o‘z fuqarolariga nisbatan sezgir bo‘lishi kerak. Buning uchun yanada kuchliroq samarali siyosiy institutlar (ayniqsa, siyosiy partiyalar, sud tizimi va qonun chiqaruvchi organlar) barpo etish, hokimiyatni mintaqaviy va mahalliy darajada markazsizlashtirish, korrupsiyani nazorat qilish va fuqarolik jamiyatini mustahkamlash zarur [5]. Mohiyatan, rivojlanayotgan demokratik davlatlarning barqarorligi va xavfsizligi ularning demokratik tamoyillarni chuqurlashtirishga sodiqligiga bog‘liq. Bunga erishish uchun ular nafaqat siyosiy institutlar samaradorligini oshirish va hokimiyatni markazsizlashtirish, balki korrupsiyaga qarshi kurashish va fuqarolik jamiyati imkoniyatlarini kengaytirishlari kerak. Liberal, mas’uliyatli va sezgir boshqaruv tuzilmasini qo‘llab-quvvatlagan holda, bu demokratiyalar barqarorlik va mustahkamlikni saqlash uchun zamin yaratishi mumkin.

Samuel F. Xantington amerikalik siyosatshunos, maslahatchi va akademik bo‘lib, o‘zining 1991-yilda chop etilgan “Uchinchi to‘lqin” kitobida demokratik to‘lqinni “ma’lum bir vaqt oralig‘ida ro‘y beradigan va shu vaqt oralig‘ida qarama-qarshi yo‘nalishdagi o‘tishlardan sezilarli darajada ko‘p bo‘lgan nodemokratik rejimlardan demokratik rejimlarga o‘tishlar guruhi” deb ta’riflagan [6]. Xantingtonning demokratik to‘lqin kontsepsiyasi demokratik boshqaruv tezligi avtoritarizmning yuksalishidan oshib ketadigan davrni aks ettiradi, bu esa kengroq siyosiy erkinlik tomon jamoaviy siljishni tasvirlaydi. Ushbu to‘lqin nafaqat bir qator individual o‘tishlarni, balki global siyosiy landshaftlardagi yanada kengroq, chuqurroq o‘zgarishlarni anglatadi, bu demokratik g‘oyalarni turli kontekstlarda jozibali va qat’iy jozibadorligini ko‘rsatadi.

Seymur Martin Lipset amerikalik sotsiolog va siyosatshunos bo‘lib, uning asosiy ishlari siyosiy sotsiologiya, kasaba uyushma tashkiloti, ijtimoiy tabaqalanish, jamoatchilik fikri, intellektual hayot sotsiologiyasi sohalarida bo‘lgan. Lipset “modernizatsiya nazariyasi”ning birinchi tarafdorlaridan biri bo‘lib, unda demokratiya iqtisodiy o‘sishning bevosita natijasidir va “davlat qanchalik farovon bo‘lsa, uning demokratiyani saqlab qolish imkoniyati shunchalik ko‘p bo‘ladi” [7]. Lipsetning “modernizatsiya nazariyasi” iqtisodiy taraqqiyot demokratiyani rivojlantirishini ta’kidlab, davlat boylashgani sari demokratik boshqaruv ehtimoli ortadi. Ushbu istiqbol iqtisodiy farovonlik va siyosiy tizimlar o‘rtasidagi o‘zaro bog‘liqlikni ta’kidlab, barqaror boylik vaqt o‘tishi bilan demokratik g‘oyalarni qo‘llab-quvvatlashi mumkinligini anglatadi.

Braziliyalik siyosatshunos va Jahon bankining boshqaruv bo‘yicha katta mutaxassisi Tiago Karneiro Peixoto, u butun dunyo bo‘ylab ishtirokchi demokratiya va raqamli hukumatni targ‘ib qiladi. Ochiq hukumat va fuqarolik texnologiyalari bo‘yicha taniqli tadqiqotchi va sharhlovchi, texnologiyaning demokratik jarayonlarga ta’siri bo‘yicha kashshof tadqiqotlar olib bordi. Bunga quyidagilar kiradi:

- elektron demokratiya va raqamli hukumat amaliyotini muvaffaqiyatli amalga oshirishga yordam beruvchi omillarni aniqlash;
- davlat sektorida ochiq ma’lumotlarning roli;
- soliq tushumlariga ishtirok etish amaliyotining ta’siri;
- texnologiyaning siyosiy ishtirok va gender vakilligiga ta’siri [8].

Amerikalik siyosatshunos, siyosiy iqtisodchi, xalqaro munosabatlar olimi va yozuvchi Frensis Yoshihiro Fukuyama tarixga evolyutsion jarayon sifatida qarash kerakligini ta’kidlaydi va tarixning oxiri, bu ma’noda, liberal demokratiya barcha xalqlar uchun boshqaruvning yakuniy shakli ekanligini anglatadi. Fukuyamaning fikricha, Fransiya inqilobidan beri liberal demokratiya har qanday alternativadan tubdan yaxshiroq (axloqiy, siyosiy, iqtisodiy) tizim ekanligini qayta-qayta isbotladi va shuning uchun undan muqobil tizimga o‘tish mumkin emas [9]. Bu fikr shuni ko‘rsatadiki, liberal demokratiyaning tarixiy yo‘li va o‘ziga xos kuchli tomonlari uning yutuqlari va afzalliklaridan ustun turadigan tubdan boshqa tizimga o‘tishni deyarli imkonsiz qiladi. Shunday qilib, Fukuyama liberal demokratiya nafaqat siyosiy tizimni, balki barqaror ideal sari jamiyat taraqqiyotining cho‘qqisi ekanligini ta’kidlaydi.



Demokratiya bevosita jamiyat taraqqiyotidagi xususiyati, mavjudlik shakllari, ayrim belgi va umumiy tomonlari bo'yicha o'zining alohidalik, xususiylik va umumiylik jihatlari bilan farqlanadi. Demokratiyaning umumiy jihatlari uning umume'tirof etilgan prinsiplari va g'oyalariga tayanadi. Bugungi kunda demokratiyaning umumiy jihatlari ijtimoiy taraqqiyotning asosiy prinsipi sifatida e'tirof etilmoqda. Uning umumiy jihatlari xalqlar va davlatlar mustaqilligini ta'minlash, mustahkamlash, davlatlar o'ptasidagi o'zaro aloqalarni yuzaga keltirishda, kuchli davlatdan kuchli fuqarolik jamiyati sari intilish, uni zamon talablariga qarab rivojlantirib borishdan iboratdir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Robert A. Dahl, On democracy. –London: New Haven, Yale university press, 1925. –p.38.
2. Laura Valentini. Justice and Democracy. -Oxford: The Queen's College, CSSJ Working Papers Series, 2010. -p.3.
3. S.W.R. de A. Samarasinghe. Democracy and Democratization in Developing Countries. – Boston: Harvard School of Public Health, 1994. -p.6.
4. The Local Politics of Global Sustainability by Herman Daly, Thomas Prugh and Robert Costanza, 2000. -p.112.
5. Larry Jay Diamond. Developing Democracy: Toward Consolidation is available from The Johns Hopkins University Press at 1-800.
6. Samuel P. Huntington. Democracy's Third Wave // Journal of Democracy, Vol.2. № 2. 1991. -p.13. (24)
7. Lipset, Seymour Martin (March 1959). "Some Social Requisites of Democracy: Economic Development and Political Legitimacy". -The American Political Science Review. 53 (1). –pp.69–105.
8. Tiago C. Peixoto. AI and the Future of Government: Unexpected Effects and Critical Challenges // Policy Center for the New South, 2024. –p.7.
9. Fukuyama, Francis. "The End of History?". –The National Interest: № 16. 1989. –pp.3–18.
10. Sobirovich, T. B. (2021). National Principles of Democracy in Uzbekistan. Mediterranean Journal of Basic and Applied Sciences (MJBAS), 5(3), 131-135.
11. Sobirovich, T. B. (2022). National and universal principles of democracy. Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities, 12(1), 334-338.
12. Sobirovich, T. B. (2022). A study of national and universal principles of democracy. Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities, 12(5), 417-421.



ЖУРНАЛИСТИКА ЮТУҚЛАРИ ЙЎЛИДАГИ
ТАДҚИҚОТЛАР

JURNALISTIKADA SUN'IY INTELLEKT VA AVTOMATLASHTIRISH

Jartibaeva Biybisara Kuwanishbay qizi

Qoraqalpoq davlat universiteti magistranti

Telefon: +998 90 263 32 10

E-mail pochta: biybisarajartibaeva@gmail.com

Raqamli texnologiyalar jurnalistika sohasida misli ko'rilmagan o'zgarishlarni yuzaga keltirmoqda. Yangiliklarni tarqatish tizimlari va jurnalistlar tomonidan ma'lumotlarni qayta ishlash jarayonlari tubdan yangilanib, zamonaviy texnologiyalar yordamida ilg'or yondashuvlar rivojlanmoqda. Axborot texnologiyalarining tezkor rivoji ma'lumotlar oqimini boshqarish, ularni tahlil qilish va innovatsion jarayonlarni avtomatlashtirish imkoniyatlarini kengaytirdi. Ushbu jarayon nafaqat ommaviy axborot vositalarining tezkorligi va aniqligini ta'minlaydi, balki jurnalistlarga xabarlarini qayta ishlashning yangi va samarali usullarini taqdim etadi.

Bugungi kunda dunyo miqyosida sun'iy intellekt jurnalistikada keng qo'llanilmoqda. Yirik nashriyotlar va axborot agentliklari avtomatlashtirilgan algoritmlardan foydalanib, yangiliklarni yaratish, tahlil qilish va ularni jamiyatga o'z vaqtida yetkazish imkoniyatlarini oshirmoqda. Bu texnologiyalar yangiliklar sohasida nafaqat ish samaradorligini oshiradi, balki ma'lumotni yuqori aniqlik va tezkorlik bilan yetkazib berish imkonini ham beradi.

Sun'iy intellektning jurnalistika sohasidagi ilk amaliyoti 2014-yilda qayd etilgan bo'lib, robot tomonidan mavzu bo'yicha maxsus lug'atlar asosida matn yaratilgan. Ushbu yutuq haqida Mariya Mixaylovna 2019-yilda O'zbekiston jurnalistika va ommaviy kommunikatsiyalar universitetida o'tkazilgan "Jurnalistika sohasida sun'iy intellektni qo'llash" [1] nomli onlayn-majlisda ta'kidlab, sun'iy intellektning jurnalistika sohasidagi o'rni va imkoniyatlarini alohida qayd etdi.

Bunday texnologiyalar ommaviy axborot vositalarining o'zgaruvchan talablariga javob berishga yordam beradi va jurnalistika axloqi doirasida yuqori sifatli kontent yaratishga xizmat qiladi. Bu jarayon jurnalistika sohasidagi innovatsiyalarni yangi bosqichga olib chiqishda muhim ahamiyat kasb etmoqda. 2023-yil 10-noyabr kuni Parijda qabul qilingan "Sun'iy intellekt va jurnalistika bo'yicha Parij Xartiyasi" [2] sun'iy intellektning jurnalistika sohasiga ta'sirini tartibga solish, inson huquqlari, tinchlik va demokratiyani qo'llab-quvvatlashga qaratilgan xalqaro hujjatdir. Bu xartiya sun'iy intellektni axborot erkinligini ta'minlash va jurnalistika etikasi tamoyillariga mos ravishda boshqarishni ko'zda tutadi.

Xartiya jurnalistika va media sohasida sun'iy intellekt texnologiyalarini joriy etishda etika va mas'uliyatni ta'minlashni maqsad qiladi. U jurnalistikani ishonchli axborot manbai sifatida saqlab qolish va sun'iy intellektni bu jarayonda adolatli, shaffof va inson huquqlariga hurmat bilan ishlatishni ta'minlashni o'z zimmasiga oladi. Bu xartiyada sun'iy intellekt texnologiyalarining ishlatilishini yoritishda jurnalistika qadriyatlarini va inson huquqlari asosida boshqaruvni ta'minlashga alohida e'tibor qaratilgan.

Mazkur xartiyaning asosiy g'oyasi shundaki, sun'iy intellektning jurnalistika sohasidagi roli rivojlanayotgan texnologiyalarni demokratik qadriyatlar, inson huquqlari va jurnalistik etikaga mos ravishda boshqarish zarurligini ta'kidlaydi. Xartiya jurnalistikani axborot taqdim etishda mas'uliyatli va ishonchli manba sifatida saqlab qolish uchun sun'iy intellektni ehtiyotkorlik bilan qo'llashni, uning foydalanuvchilari va ishlab chiquvchilari tomonidan shaffoflikni ta'minlashni talab qiladi. Shuningdek, sun'iy intellektning ishlatilishi jurnalistika etikasi va axborot erkinligi prinsiplariga to'g'ri kelishini nazorat qilishni va uning ta'sirini qayta baholashni ta'minlaydi.

Xartiya, shuningdek, jurnalistikaga sun'iy intellektning ta'siri haqida keng jamoatchilikni xabardor qilishni, texnologiyalarni joriy qilishda insoniyat manfaatlarini ustun qo'yishni va axborot taqdimotining xilma-xilligini ta'minlashni maqsad qiladi.

O'zbekistonda jurnalistika sohasida sun'iy intellekt texnologiyalarining qo'llanilishi bilan yangi innovatsion yechimlar yuzaga kelmoqda. Ushbu rivojlanishning yaqqol namoyon bo'lgan namunalaridan biri – sun'iy intellekt yordamida yaratilgan robot-muxbirning faoliyati misolida ko'rishimiz mumkin. [3] Sobira Holdorova nomi bilan tanilgan bu robot, O'zbekistonning milliy



yangiliklarini dunyo hamjamiyatiga to‘qqizta tilda – o‘zbek, ingliz, rus, fransuz, arab, xitoy, nemis, ispan va qozoq tillarida yetkazib berishga qodir.

Sobira Holdorova, Markaziy Osiyo va O‘zbekistonda sun‘iy intellekt tomonidan ishlab chiqilgan birinchi professional ayol jurnalist sifatida e‘tirof etilgan. Uning faoliyati, sun‘iy intellektning jurnalistika sohasida yanada kengroq qo‘llanilishi va jurnalistikaga yangi imkoniyatlar yaratishiga misol bo‘lib xizmat qiladi. Bu rivojlanish, axborot va yangiliklarni taqdim etishda sun‘iy intellektning o‘rni va imkoniyatlarini yanada kengroq anglashga yordam beradi.

Sobira Holdorovaning prototipi sifatida taniqli jurnalist Dildora Abduxalilovanning ishlari va uslubi asos sifatida olingan. Dildora Abduxalilovanning jurnalistika sohasidagi tajribasi va stilistikasi robot-muxbirning tilga, ifoda va aniq fikrlarni yetkazishda yuqori samaradorlikka erishishida muhim rol o‘ynagan.

Ushbu robot-muxbirning tilni ravon o‘zlashtirishi, ilgari ishlatilgan sun‘iy intellekt tizimlariga nisbatan sezilarli farq qiladi. Avvalgi sun‘iy intellekt dasturlarida o‘zbek tilidagi matnlar ko‘pincha murakkab va tabiiy bo‘lmagan tarzda ovozga chiqarilgan bo‘lsa, Sobira Holdorova esa ancha ravon va tabiiy tarzda o‘zbek tilida so‘zlasha oladi. Bu esa, sun‘iy intellekt tizimlarining rivojlanishiga qo‘shgan katta hissi sifatida baholanishi mumkin.

Shu bilan birga, robot-muxbirning jurnalistika sohasiga kiritilishi, inson resurslariga ta‘sir ko‘rsatishi va jurnalistlar o‘rtasida yangi kasb turlari paydo bo‘lishi mumkinligi haqida xavotirlar uyg‘otmoqda. Biroq, bu texnologiyalarni etik va mas‘uliyatli tarzda qo‘llash, jurnalistika sifatini va ishonchligini saqlab qolish uchun zarurdir.

Avtomatlashtirilgan jurnalistika – bu zamonaviy texnologiyalar tufayli insonning ishtiroki kamaygan holda yoki umuman ishtirokisiz ma‘lumot yaratuvchi jarayon hisoblanadi. Bu haqida Kastelyano Orxe “2012 yildan boshlab ommaviy axborot vositalari ushbu texnologiyalardan siz tasavvur qilgandan ko‘ra ko‘proq foydalanmoqda. Yirik media tashkilotlar yangiliklarni yaratishni avtomatlashtirish uchun algoritmlarni doimiy ravishda o‘zlashtirmoqdalar” [4] deya ta‘kidlaydi. Demak, fikrimizcha, johon miqyosida 2012 yilga kelib, ushbu texnologiyalar insoniyat kutganidan ham ko‘proq ommaviy axborot vositalaridan foydalanish imkoniyatiga ega bo‘ldi. Katta media tarmoqlari yangiliklarni eng tezkor va sifatli yetkazish maqsadida algoritmlardan foydalanishni targ‘ib qilishmoqda.

Sun‘iy intellekt va avtomatlashtirilgan jurnalistika sohalarining rivojlanishi zamonaviy axborot olish va taqdim etish jarayonlariga sezilarli ta‘sir ko‘rsatmoqda. Met Karlsonning “The Robotics Reporter” (2015) [5] nomli maqolasida keltirilganidek, inson ishtirokisiz ishlay oladigan algoritmlar ma‘lumotni matnga aylantirish jarayonini yengillashtiradi. Bu algoritmlar katta hajmdagi ma‘lumotlarni tezkorlik bilan qayta ishlash, yangiliklarning tarkibiy shakllarini qayta ko‘rib chiqish va jurnalistika obro‘sini oshirish imkonini beradi. Ushbu texnologiyalar o‘qish tezligini oshirish bilan birga, aniqlik va masofani yoritishda muhim ahamiyatga ega.

Karlsonning ta‘kidlashicha, avtomatlashtirilgan jurnalistika jarayonida inson omilining kamayishi yangiliklarni tezkorlik bilan yetkazishga yordam beradi. Shu bilan birga, bu texnologiyalar jurnalistlarning axloqiy me‘yorlarga qat‘iy rioya qilishlariga imkon yaratadi. O‘zbekistonda sun‘iy intellekt asosidagi robot-muxbirlarning joriy etilishi mamlakat jurnalistikasi uchun innovatsion platforma sifatida xizmat qilmoqda. Ayniqsa, robot-muxbirlarning xalqaro axborot maydonidagi ishtiroki O‘zbekistonning jurnalistika sohasidagi yutuqlarini namoyish etadi.

Kelajakda sun‘iy intellekt texnologiyalarini rivojlantirish va qo‘llab-quvvatlash sohasida bir qator muhim strategik rejalar amalga oshirilishi ko‘zda tutilgan. Ushbu texnologiyalarni xalqaro miqyosda ommalashtirish va boshqa davlatlar bilan hamkorlikni mustahkamlash orqali jurnalistika sohasida yangi istiqbollari ochilishi mumkin. Xususan, sun‘iy intellektni mintaqaviy jurnalistika sub‘yektlariga tatbiq etish nafaqat jarayonlarning samaradorligini oshiradi, balki axborot yetkazib berish tezkorligini ta‘minlaydi.

Bu jarayon jurnalistlarning axborot texnologiyalari sohasidagi bilim va ko‘nikmalarini yanada boyitishga xizmat qiladi. Sun‘iy intellektga asoslangan dasturlar va platformalarni samarali boshqarish uchun jurnalistlar zamonaviy texnologiyalarga moslashishlari, yangi yondashuvlarni o‘zlashtirishlari lozim bo‘ladi. Natijada, bu o‘z-o‘zidan soha mutaxassislarining professional malakasini oshirishga olib keladi.

Bundan tashqari, texnologiyalarning joriy etilishi jurnalistika sohasida axloqiy tamoyillarning qayta ko‘rib chiqilishiga zamin yaratadi. Texnologiyalardan foydalanganda haqqoniylik, adolat va shaffoflik kabi qadriyatlarga e‘tibor kuchayadi, bu esa jurnalistik materiallarning ishonchligini ta‘minlashga xizmat qiladi. Sun‘iy intellektning rivojlanishi inson omilini minimallashtirgani bois, axborotlarning noto‘g‘ri talqin qilinish xavfini kamaytirish imkonini beradi.



Shu bilan birga, ushbu texnologiyalarni rivojlantirish davlat tomonidan ma'lum darajada qo'llab-quvvatlashni talab qiladi. Moliyaviy mablag' ajratish, texnik infrastrukturani takomillashtirish va mutaxassislarni tayyorlash kabi chora-tadbirlar sun'iy intellekt va jurnalistika sohasida yangi innovatsion loyihalarni muvaffaqiyatli amalga oshirishga yordam beradi. Natijada, bu yondashuv jurnalistika sohasida raqobatbardoshlikni oshirish, yangi auditoriyalarni jalb qilish va xalqaro darajada tan olinish uchun mustahkam poydevor yaratadi.

Adabiyotlar

1. <https://uzjoku.uz/uz/news/jurnalistikada-suniy-intellektni-joriy-etish-togrisida-onlayn-maruza> Joriy nashr (kirish sanasi: 17.12.2024)
2. Paros charter on AI and journalism <https://sg.docworkspace.com/d/sIFz8rYn1AeTD27kG> Joriy nashr (kirish sanasi: 17.12.2024)
3. ÓzA sun'iy intellekt yordamida robot-muxbir yaratdi <https://youtu.be/TtVkrBxw2tE?si=q-4Uc5GhiTxOvTpW> Joriy nashr (kirish sanasi: 17.12.2024)
4. Кастельяно Орхе. Будущее журналистики: заменят ли роботы людей// <http://sila.mcdia/futurerobots>
5. Malt Carlson. The Robotic Reporter: Automated journalism and the redefinition of labor, compositional forms, and journalistic authority. Digital Journalism Journal, Volume 3.2015 - Issue 3: Journalism in an Era of Big Data: Cases, Concepts, and Critiques.

Jurnalistika sohasida sun'iy intellekt va avtomatlashtirish
Jartibaeva B. K. Qoraqalpoq davlat universiteti

Rezyume: Mazkur maqola sun'iy intellekt va avtomatlashtirilgan jurnalistikada algoritmlar va robot-muxbirlarning o'rni, ularning amaliy afzalliklari va ehtimoliy axloqiy muammolarini tahlil qiladi. Bu yondashuv raqamli texnologiyalar asosida jurnalistika sohasida yangi imkoniyatlarni jumladan, robot muxbirlar orqali yangiliklarni avtomatlashtirilgan tarzda tayyorlash va tahlil qilish, katta hajmdagi ma'lumotlarni tezkorlik bilan qayta ishlash yordamida interaktiv kontent yaratish imkonini ochib beradi.

Kalt so'zlar: sun'iy intellekt, avtomatlashtirilgan jurnalistika, robot-muxbir, raqamli texnologiya, algoritm, axloqiy masalalar.

Искусственный интеллект и автоматизация в журналистике
Жартыбаева Б. К., Каракалпакский государственный университет

Резюме: Данная статья анализирует роль алгоритмов и робот-журналистов в сфере искусственного интеллекта и автоматизированной журналистики, их практические преимущества и возможные этические проблемы. Этот подход открывает новые возможности в области журналистики на основе цифровых технологий, включая автоматизированную подготовку и анализ новостей с помощью робот-журналистов, быструю обработку больших объемов данных, а также создание интерактивного контента.

Ключевые слова: искусственный интеллект, автоматизированная журналистика, робот-журналист, цифровые технологии, алгоритм, моральные проблемы.

Artificial Intelligence and Automation in Journalism
Jartibaeva B.K., Karakalpak State University

Resume: This article analyzes the role of algorithms and robot journalists in artificial intelligence and automated journalism, their practical advantages, and potential ethical issues. This approach opens up new opportunities in the field of journalism based on digital technologies, including automated news preparation and analysis through robot journalists, rapid processing of large amounts of data, and the creation of interactive content.

Keywords: artificial intelligence, automated journalism, robot reporter, digital technology, algorithm, ethical issues.



ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ
ТАДҚИҚОТЛАР

HOZIRGI O'ZBEK TILIDAGI -IB AFFIKSLI O'TGAN ZAMON FE'L SHAKLI
VA XITOUY TILIDAGI 了 (LE) SUFFIKSINING SUBYEKTIVLIK IFODALASH
XUSUSIYATLARI

Shamsiddinova Zebo Fazliddinovna,
Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti,
Sharq tillari kafedrası xitoy tili o'qituvchisi
Telefon: +998946482886
zeboxon-shams@mail.ru

ANNOTATSIYA: Ushbu maqolada o'zbek tilidagi *-ib* affiksli o'tgan zamon fe'l shakli va xitoy tilidagi 了 (le) suffiksining subyektivlik ifodalash xususiyatlari tahlil qilinadi. O'zbek tilida *-ib* affiksi bilan yasalgan o'tgan zamon shakllari, voqealarning asosiy zanjirini tashkil etib, harakatning tugallanganligini, uning natijasining hozirgi zamon bilan bog'liqligini, shuningdek, so'zlashuvchining subyektiv munosabatini ifodalashda muhim rol o'ynaydi. Xitoy tilida 了 (le) suffiksi odatda o'tgan zamon voqealarni bildirsa-da, subyektivlikni to'liq aks ettirmaydi, bu esa o'zbek tilidagi *-ib* affiksi bilan yasalgan shakllar bilan sezilarli farq qiladi. Maqola xitoy tilidagi 了 (le) suffiksi bilan yasalgan fe'l shakli bilan o'zbek tilidagi *-ib* affiksli shaklning o'xshashliklari va farqlari ko'rsatilgan.

KALIT SO'ZLAR: O'tgan zamon fe'l shakli, affiks, suffiks, subyektiv munosabat, konstruktsiya, ravishdosh.

O'zbek tilida *-ib* ravishdosh affiksi bilan yasalgan o'tgan zamon shakllari -ham gapda turli grammatik ma'nolarni ifodalab keladi. A.A.Koklyanova *-ib* affiksi bilan yasalgan o'tgan zamon ravishdoshining quyidagi xususiyatlarni qayd etgan: 1) real harakatni bildiradi; 2) ish-harakatning allaqachon tugallanganligi, ammo uning natijasi hozirgi zamonda ham mavjudligini bildiradi; 3) *-ib* affiksi bilan yasalgan o'tgan zamon shakllari bayon vositasidir, voqealarning asosiy zanjirini tashkil etuvchi ish-harakatni bildirib, ularning o'zgarishi hikoya dinamikasini yaratadi; 4) ko'proq 3-shaxs birlikda qo'llanadi [1].

A.N.Kononov esa mazkur zamon shaklining quyidagi grammatik ma'nolarini ko'rsatgan: 1) natija holati; 2) shubhali holat; 3) tarixiy uzatish holati; 4) to'satdan yakunlash holati[2].

Ushbu fikrlarga asoslanib, *-ib* vositasi bilan yasalgan o'tgan zamon fe'l shakllari orqali gapda ifodalanadigan quyidagi asosiy grammatik ma'nolarga e'tibor qaratamiz: 1) subyektivlik; 2) harakatning natijasi; 3) shubha, ajablanish; 4) to'satdan xulosa chiqarish holati (ya'ni, so'zlashuvchi uchun hodisaning kutilmaganligini ifodalashi); 5) hozirgi zamon ma'nosi.

-ib affiksi bilan yasalgan o'tgan zamon shakllari ifodalaydigan grammatik ma'nolar xitoy tilida turli vositalar orqali yuzaga chiqishi mumkin. Quyida *-ib* affiksli fe'l shakli va uning xitoy tilidagi ekvivalentlari orqali ifodalangan grammatik ma'nolarga tavsif beramiz.

Subyektivlik ma'nosi. *-ib* affiksli ravishdosh orqali gapda ifodalanuvchi subyektiv munosabat turli mazmundagi matnlarda, xususan, ertak, rivoyat kabilarda aks etadi. Bu tipdagi ravishdoshlar so'zlashuv nutqida ham faol ishlatiladi. Badiiy asarlarda, fe'lning ushbu shakli, asosan dialoglar va personajlar nutqida uchraydi. Masalan:

Ularning paroxodlari Oltiquduqda hukumatga o'tib ketibdi, endi bizning davlatga sotgan balig'imizni tashirmish [3, 137].

他们的轮船已经交给了阿尔蒂杜克的政府，现在他们正在运送我们卖政府的鱼。

Tāmen de lúnchuán yǐjīng jiāo gěile Ā'ěr dì dù kè de zhèngfǔ, xiànzài tāmen zhèngzài yùnsòng wǒmen mài gěi zhèngfǔ de yú.

Mazkur jumla tarkibidagi "o'tib ketibdi" fe'li bevosita o'zi guvohi bo'lmagan ish-harakatni to'g'ridan-to'g'ri ifodalab kelib, xitoy tilida o'tgan zamon 交给(jiāo gěi – "uzatmoq", "bermoq") fe'liga 了(le) suffiksi birikishi orqali hosil bo'lmoqda. Ammo mazkur gapning xitoy tilidagi tarjimasida



subyektivlikni anglatuvchi maxsus ko‘rsatkich bo‘lmasa-da, kontekst orqali oydinlashtirilmoqda. Ba‘zi hollarda ba‘zi leksik ko‘rsatkichlar yordamida nazarda tutilayotgan voqea-o‘zga o‘zga shaxs tomonidan xabardor qilinganlik ma‘nosini anglatishi mumkin. Masalan:

Eshitishimga qaraganda, Qo‘chqor tuman markaziga ketganicha qaytib kelmabdi [3, 137].

据我所知，科奇科尔直到去了区中心还没回来。

Jù wǒ suǒ zhī, kē qí kē ěr zhídào qùle qū zhōngxīn hái méihuílái.

Yuqorida keltirilgan misolda, “eshitishimga qaraganda” birikmasi gapdagi ish-harakatga nisbatan subyektiv munosabatni mustahkamlangan.

Bahorda hujraning tomiga chiqib varrak uchirayotgan ekan, varrak havolagan sayin qiziqib ketib, ipni torta-torta tisarilib boribdi-yu, tomdan chalqanchasiga yiqilib tushibdi. (O‘.Hoshimov. “Dunyoning ishlari”)

Ushbu gap xitoy tiliga quyidagicha tarjima qilinadi:

孩子就是孩子啊，春天的时候总爱在屋顶放风筝。他的注意力都被风筝吸引，不小心就掉了下来。(欧特克尔·哈希莫夫。“生活琐事”)

Háizi jiùshì háizi a, chūntiān de shíhòu zǒng ài zài wūdǐng fàng fēngzhēng. Tā de zhùyì lì dōu bèi fēngzhēng xīyǐn, bù xiǎoxīn jiù diào le xiàlái.

Xitoy tilidagi tarjimaning birinchi qismida ...的时候(...de shíhòu) konstruksiyasi orqali ifodalangan “bahorda” (bahor paytida) 春天的时候 (chūntiān de shíhòu) birikmasi hamda jumlaning ikkinchi qismidagi fe‘l bilan birikib kelgan 了 (le) suffiksi orqali o‘tgan zamon ma‘nosi va subyektivlik ifodalangan.

Ko‘rinib turibdiki, xitoy tilidagi gapda o‘tgan zamonda bajarilgan harakatga nisbatan subyektiv munosabatni ifodalash o‘zbek tilidagi *-ib* ravishdosh affiksi singari o‘ziga xos emas. Xitoy tilida 了 (le) suffiksli fe‘l shakli, odatda, o‘tgan zamonda ro‘y bergan ish-harakatnigina bildirib, nutq egasining bu harakatga bevosita yoki bilvosita guvoh bo‘lganligiga ishora qilinmaydi.

O‘zbek tilidagi gapda esa *-ib* ravishdoshi orqali harakatning o‘tmishda sodir bo‘lganligi, nutq so‘zlanayotgan vaqtda bu ish-harakatning tugallanganligi, uning natijasi aniq, ammo so‘zlovchi sodir bo‘lgan ish-harakatda bevosita ishtirok etmaganligi sababli, harakatni boshqa shaxs xabari asosida bayon qilishi va go‘yo bu xabarning ishonchliligi uchun o‘zini javobgarlikdan ozod qilishi kabi grammatik ma‘nolar anglashiladi.

Yana bir qarash ham mavjud, ya‘ni “*-ib* affiksi bilan kelgan fe‘l shaklida so‘zlovchi, garchi u bu haqida boshqa birovdan bilgan bo‘lsa ham, ish-harakatga o‘z subyektiv munosabatini bildirmaydi, boshqacha qilib aytganda, so‘zlashuvchi bu shakl vositasida tinglovchiga ish-harakatning biron-bir o‘zgarishsiz bilgan xabarini yetkazadi”[4]. Xitoy tilida o‘tgan zamoni ifodalovchi 了 (le) suffiksi bu kabi ma‘nolardan mustasno.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Коклянова А.А. Категория времени в современном узбекском языке. – М., 1963. – С. 91.
2. Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературно-го языка. – М.- Л., 1960. – С. 221.
3. Хожиев А. Фель. – Тошкент, 1973.
4. Зикриллаев Г.Н. Модальность и система форм изъявительного на-клонения: Дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1978. – С. 62.



Raxmatova Saodat Baxrinovna,
Toshkent Shahar Yuridik Texnikumi
“Yuristlar uchun ingliz” fani o’qituvchisi
Telefon: +998947641037
raxmatovasaodat01037@gmail.com

Annotation: Crime is a major social issue that affects individuals and communities. It threatens public safety, disrupts social stability, and creates economic burdens. Understanding its causes and implementing preventive measures is essential for a safer society.

Key words: Crime, Fraud, Drug trafficking, Lack of education, Alcohol abuse, Vandalism, Violence.

1. Causes of Crime

1. Poverty and Unemployment

Economic hardship is one of the leading causes of crime. People struggling with financial difficulties may resort to illegal activities such as theft, fraud, or drug trafficking to survive.

2. Lack of Education

Education plays a key role in shaping an individual’s future. Those who lack proper education and skills may find it difficult to secure well-paying jobs, increasing the likelihood of engaging in crime. Moreover, uneducated individuals may not fully understand the consequences of their actions.

3. Family Issues and Social Environment

A dysfunctional family environment, domestic violence, or lack of parental guidance can contribute to criminal behavior. Children growing up in violent households or among criminals may consider crime as a normal way of life.

4. Drug and Alcohol Abuse

Substance abuse is strongly linked to criminal activity. Many crimes, including violence, theft, and vandalism, are committed under the influence of drugs or alcohol.

5. Weak Law Enforcement

When laws are not strictly enforced, criminals feel emboldened. Corruption, inefficient policing, and a slow judicial system can lead to an increase in crime rates, as offenders believe they can act without facing serious consequences.

Ways to Prevent Crime

1. Improving Education and Employment Opportunities

Providing quality education and vocational training can help individuals secure stable jobs, reducing the chances of them turning to crime.

2. Strengthening Law Enforcement

A strong and fair legal system is essential in deterring crime. Increasing police presence, ensuring fair trials, and enforcing strict penalties for offenders can discourage criminal activities.

Conclusion

Crime is a complex issue influenced by various social, economic, and legal factors. While it may not be entirely eliminated, taking proactive measures such as improving education, strengthening law enforcement, and addressing poverty can significantly reduce crime rates

REFERENCES

1. United Nations Office on Drugs and Crime (UNODC). (2024). Global Report on Crime and Justice. Retrieved from <https://www.unodc.org> (<https://www.unodc.org/>)
2. Federal Bureau of Investigation (FBI). (2023). Uniform Crime Report (UCR). Retrieved from <https://www.fbi.gov/services/cjis/ucr>
3. Wilson, J. Q., & Kelling, G. L. (1982). Broken Windows: The Police and Neighborhood Safety. *The Atlantic Monthly*.
4. National Institute of Justice (NIJ). (2023). Crime Prevention Strategies: An Evidence-Based Approach. Retrieved from <https://nij.ojp.gov> (<https://nij.ojp.gov/>)
5. World Bank. (2023). Crime and Violence in Developing Countries: Causes and Consequences. Retrieved from <https://datatopics.worldbank.org/crime-an> (<https://datatopics.worldbank.org/crime-and-violence>)



Raxmatova Saodat Baxrinovna,
Toshkent Shahar Yuridik Texnikumi
“Yuristlar uchun ingliz” fani o’qituvchisi
Telefon: +998947641037
raxmatovasaodat01037@gmail.com

Annotation: The legal profession plays a crucial role in maintaining justice and ensuring the proper application of laws in society. Lawyers provide legal advice, represent clients in court, and help resolve disputes through legal means.

Key words: Legal Advice, Court Representation, Contract Drafting and Review, Dispute Resolution, Solicitors, Barristers, Corporate Lawyers.

Key Responsibilities of Lawyers

- **Legal Advice** – Helping individuals and businesses understand their rights and obligations.
- **Court Representation** – Defending clients or presenting cases in legal proceedings.
- **Contract Drafting and Review** – Preparing and analyzing legal documents.
- **Dispute Resolution** – Negotiating settlements and mediating conflicts.

Types of Lawyers

- **Solicitors** – Provide legal advice and prepare documents but do not usually represent clients in higher courts.
- **Barristers** – Specialize in courtroom advocacy and legal argumentation.
- **Corporate Lawyers** – Focus on business law, mergers, and compliance.
- **Criminal Lawyers** – Defend or prosecute individuals in criminal cases.
- **Intellectual Property Lawyers** - Deal with copyright, patents, trademarks, and protecting creative works.

Skills Required for a Successful Legal Career

To succeed in the legal profession, lawyers must develop a range of skills, including:

- **Analytical Thinking** – The ability to interpret laws, evaluate cases, and develop legal strategies.
- **Communication Skills** – Clear and persuasive verbal and written communication for court arguments, negotiations, and legal documents.
- **Research Skills** – The ability to find and interpret relevant legal information efficiently.
- **Negotiation Skills** – Helping clients settle disputes outside of court when possible.
- **Ethical Judgment** – Maintaining integrity, confidentiality, and professionalism.

Challenges in the Legal Profession

While a legal career is prestigious and rewarding, it also comes with challenges:

- **Work Pressure** – Lawyers often handle multiple cases and work under tight deadlines.
- **Emotional Stress** – Dealing with complex cases, including criminal and family law, can be emotionally demanding.
- **Changing Laws** – Lawyers must continuously update their knowledge to stay relevant.
- **Competitive Job Market** – Becoming a successful lawyer requires extensive education, experience, and networking.

Conclusion

The legal profession is essential for upholding justice and protecting individual and corporate rights. A successful legal career requires strong analytical skills, ethical judgment, and in-depth legal knowledge.

REFERENCES

1. American Bar Association. (2023). The Role of Lawyers in Society.
2. Legal Information Institute, Cornell Law School. (2023). Introduction to the Legal Profession.



О‘QUVCHILARNING LUG‘AT BOYLIGINI OSHIRISHDA INTERFAOL
METODLAR

Rejabova Nigoraxon Muxammadikrom qizi
Namangan Davlat Universiteti mustaqil tadqiqotchisi,
Kangwon Milliy Universiteti magistri

Annotatsiya

Til o‘rganish jarayonida o‘quvchilarning lug‘at boyligini oshirish muhim masalalardan biri hisoblanadi. Mustaqil fikrlay olish, to‘g‘ri va aniq ifoda berish ko‘nikmalarini rivojlantirish uchun so‘z boyligi keng bo‘lishi kerak. O‘qitish jarayonida interfaol metodlardan foydalanish bu jarayonni samarali qiladi. Ushbu maqolada o‘quvchilarning lug‘at boyligini oshirishda interfaol metodlarning ahamiyati, usullari va natijalari tahlil qilinadi.

Kalit so‘zlar: lug‘at, interfaol, o‘quvchilarning, metodlar, faol, oshirish, fikr

KIRISH

Bugungi globallashtirish dunyoda ingliz tilini bilish insonning akademik va kasbiy muvaffaqiyati uchun muhim omilga aylandi. Ingliz tilini samarali o‘rganish uchun o‘quvchilarning lug‘at boyligi yetarli darajada bo‘lishi kerak. Chunki so‘z boyligi cheklangan o‘quvchilar matnlarni tushunishda, o‘z fikrlarini bayon etishda va muloqot qilishda qiyinchiliklarga duch keladilar. Shu sababli, lug‘at boyligini oshirish bo‘yicha samarali usullarni ishlab chiqish va qo‘llash ta‘lim jarayonining dolzarb masalalaridan biridir. Ingliz tilini o‘rganish jarayonida o‘quvchilarning lug‘at boyligini oshirish muhim ahamiyat kasb etadi. So‘z boyligi yetarli bo‘lmagan o‘quvchilar na matnlarni to‘liq tushunishlari, na o‘z fikrlarini erkin ifodalashlari mumkin. Shu bois, zamonaviy ta‘lim jarayonida lug‘at boyligini oshirishga qaratilgan usullar orasida interfaol metodlar alohida o‘rin tutadi. Interfaol metodlar ta‘lim jarayonida o‘quvchilarning faol ishtirokini ta‘minlab, ularning bilish jarayonlarini faollashtiradi. Mashhur psixolog Lev Vygotskiy ta‘kidlaganidek: “Insonning bilimi va tafakkuri uning ijtimoiy tajribasiga bog‘liq, til esa tafakkurni shakllantirish vositasidir”¹. Bu fikr shuni anglatadiki, o‘quvchilarning til ko‘nikmalarini rivojlantirish uchun ularni faol muloqotga jalb etish zarur. Interfaol metodlar bu jarayonda muhim rol o‘ynaydi, chunki ular o‘quvchilarni faqatgina passiv tinglovchi emas, balki bilimni faol o‘zlashtiruvchi sifatida shakllantiradi. Ushbu maqolada interfaol metodlarning lug‘at boyligini oshirishga ta‘siri, ilmiy tadqiqotlar bilan asoslangan holda muhokama qilinadi va ularning samaradorligi tahlil qilinadi. Shu sababli, zamonaviy pedagogik yondashuvlar orasida interfaol metodlar o‘quv jarayonida samarali natija beruvchi vositalardan biri sifatida ajralib turadi. Ta‘lim sohasi bo‘yicha tadqiqotchi Jeremy Harmer ta‘kidlaganidek: “Til o‘rganishda o‘quvchilar so‘zlarni shunchaki yodlash emas, balki ulardan amaliy foydalanish orqali o‘zlashtirganlarida samarali natijaga erishadilar.”² Lug‘at boyligi faqatgina til bilimlari uchun emas, balki o‘quvchilarning tafakkurini rivojlantirish va fikrlarini aniq ifodalash uchun ham muhim hisoblanadi. Tilshunos O. Jespersen ta‘kidlaganidek: “Til boyligi – inson tafakkurining nishonasi va uning dunyoqarashining aksidir.” Lug‘at boyligi til o‘rganish jarayonining asosiy tarkibiy qismi bo‘lib, o‘quvchilarning nutq madaniyatini rivojlantirishda muhim rol o‘ynaydi. Tilshunos D. A. Wilkins ta‘kidlaganidek: “Grammatikasi bo‘lmagan til juda oz narsani ifodalaydi, lekin lug‘atsiz til hech narsani ifodalay olmaydi.”³ Shu sababli, zamonaviy ta‘lim jarayonida interfaol metodlar lug‘at boyligini kengaytirish vositasi sifatida keng qo‘llanilmoqda. Interfaol metodlar – o‘quvchilarning faol ishtirokini talab qiladigan va muloqotga asoslangan ta‘lim usullari hisoblanadi. Bugungi kunda o‘quvchilarni faol ishtirok etishga undaydigan interfaol metodlar, ayniqsa lug‘at boyligini oshirishda samarali vosita sifatida e‘tirof etilmoqda. Ushbu metodlar quyidagi afzalliklarga ega:

- O‘quvchilarni mustaqil fikrlashga o‘rgatadi.
- Yangi so‘zlarni muloqot jarayonida mustahkamlashga yordam beradi.
- O‘rganilgan so‘zlarni real hayotiy vaziyatlarda qo‘llash imkonini beradi.

MUHOKAMA

Interfaol metodlarning lug‘at boyligini oshirishdagi o‘rni.

An‘anaviy yondashuvda o‘quvchilar lug‘atni yodlash va tarjima qilish orqali o‘rganadilar, biroq bu

¹ Vygotsky, L. S. (1986). Thought and Language. MIT Press.

² Harmer, J. (2007). The Practice of English Language Teaching. Pearson Education.

³ Wilkins, D. A. (1972). Linguistics in Language Teaching. Edward Arnold.



usul ularning tilni amaliy qo'llash ko'nikmalarini rivojlantirishda yetarli samara bermaydi. Interfaol metodlar esa o'quvchilarning faol ishtirokini ta'minlab, ularning so'z boyligini mustahkamlashda samarali bo'ladi.

1. Rol o'yinlari (Role-Play)

Rol o'yinlari — bu o'quvchilarning o'zlarini turli vaziyatlarda tasavvur qilib, yangi o'rganilgan so'zlarni amaliyotda ishlatishga imkon beradi. Tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, rol o'yinlari orqali o'rganilgan so'zlar o'quvchilarning uzoq muddatli xotirasida yaxshi saqlanadi¹. Bu metod o'quvchilarning tilni amaliy qo'llash ko'nikmalarini rivojlantirishda ayniqsa foydalidir. Rol o'yinlari orqali o'quvchilar turli ijtimoiy vaziyatlarni o'ynab, yangi iboralarni qo'llash orqali o'zlari uchun muhim bo'lgan lug'atni o'zlashtiradilar. Rol o'yinlari orqali o'quvchilar muayyan vaziyatlarni jonlantiradilar va yangi so'zlarni tabiiy nutq jarayonida o'rganadilar. Tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, ushbu metod orqali o'rganilgan so'zlar uzoq muddatli xotirada yaxshiroq saqlanadi². O'quvchilar turli hayotiy vaziyatlarda o'zlarini sinab ko'rish orqali yangi lug'at birliklarini faol qo'llaydilar. Harmer ta'kidlaganidek: "Amaliyot natijasida so'zlar tezroq esda qoladi va o'quvchilar ularni nutqda ishlatishni o'rganadilar."³

2. Aqliy hujum (Brainstorming)

Aqliy hujum — bu o'quvchilarning faol fikrlash va o'z fikrlarini erkin ifodalash imkonini beradigan metoddir. Bu metod orqali o'quvchilar mavzu bo'yicha o'z fikrlarini tezda bayon qilib, yangi so'zlar va iboralarni o'rganadilar. Tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, aqliy hujumlar orqali o'quvchilarning so'z boyligi oshadi, chunki ular yangi so'zlarni o'z fikrlarida ishlatishadi⁴. O'quvchilarga berilgan mavzu bo'yicha o'z fikrlarini erkin ifodalash imkoniyati yaratiladi, natijada ular yangi so'zlarni qo'llash va mustahkamlash imkoniga ega bo'ladilar. Bu metod tanqidiy fikrlashni rivojlantirish bilan birga, so'z boyligini ham oshiradi.

3. Kontekstual o'rganish (Contextual Learning).

Kontekstual o'rganish metodida o'quvchilar so'zlarni faqat yodlash emas, balki ularning real hayotiy vaziyatlarda qanday ishlatilishini o'rganadilar. Harmer ta'kidlaganidek: "So'zlarni mustaqil ravishda emas, balki ularning kontekst ichida qanday ishlatilishini o'rganish o'quvchilarning samarali til o'rganishiga yordam beradi."⁵ So'zlarning real hayotda qanday ishlatilishini o'rgatish ularning tezroq esda qolishiga sabab bo'ladi.

4. Debatlar va bahslar (Debates and Discussions).

Debatlar va bahslar o'quvchilarga o'z fikrlarini erkin ifodalash va boshqalar bilan muloqot qilish imkonini beradi. Bu metodda o'quvchilar yangi so'zlarni o'rganib, ularni amaliyotda qo'llashga majbur bo'ladilar. Richards & Rodgers debatlardagi ishtirok o'quvchilarning lug'at boyligini oshirishga yordam berishini ta'kidlaydi, chunki ular o'z fikrlarini tushunarli va aniq tarzda ifodalashlari kerak bo'ladi.⁶ Debatlar orqali o'quvchilar o'z fikrlarini erkin ifodalash imkoniga ega bo'ladilar. Ular yangi so'zlarni o'rganishlari va ularni munozaralarda qo'llashlari kerak. Ushbu metod nafaqat lug'at boyligini oshiradi, balki o'quvchilarning tanqidiy fikrlash va muloqot qilish ko'nikmalarini ham rivojlantiradi. Debatlar orqali o'quvchilar o'z fikrlarini asoslash va himoya qilish imkoniga ega bo'ladilar. Ushbu metod orqali ularning lug'at boyligi ham kengayadi, chunki ular yangi termin va iboralarni o'rganishga majbur bo'ladilar.

5. CLIL va fanlararo integratsiya (Content and Language Integrated Learning).

Content and Language Integrated Learning (CLIL) metodologiyasi o'quvchilarga tilni boshqa fanlar bilan integratsiya qilib o'rganish imkonini beradi. Bu metod orqali o'quvchilar ilmiy va texnik so'zlarni ham o'zlashtiradilar. Coyle et al. ta'kidlashicha, CLIL usulida tilni o'rgatish o'quvchilarga nafaqat umumiy so'z boyligini, balki ularning soha bilan bog'liq lug'at boyligini ham kengaytiradi.⁷

¹ Nation, P. (2001). Learning Vocabulary in Another Language. Cambridge University Press.

² Nation (2001) tadqiqotida o'quvchilarning so'z boyligi interfaol metodlar orqali oshirilganda, ularning eslab qolish qobiliyati 40% dan ko'proqqa oshganligi aniqlangan.

³ Harmer, J. (2001). The Practice of English Language Teaching. Longman.

⁴ Oxford, R. (1990). Language Learning Strategies: What Every Teacher Should Know. Heinle & Heinle.

⁵ Harmer, J. (2007). The Practice of English Language Teaching. Pearson Education.

⁶ Richards, J., & Rodgers, T. (2014). Approaches and Methods in Language Teaching. Cambridge University Press.

⁷ Coyle, D., Hood, P., & Marsh, D. (2010). CLIL: Content and Language Integrated Learning. Cambridge University Press.



CLIL metodologiyasida ingliz tili boshqa fanlar bilan integratsiyalashgan holda o'qitiladi. Ushbu uslub orqali o'quvchilar ilmiy terminlarni ham o'zlashtiradilar, natijada ularning lug'at boyligi ko'proq sohaga taalluqli bo'ladi.

6. Klaster (Cluster) Metodi.

Bu metodda o'quvchilar biror mavzu bo'yicha asosiy tushunchalarni atroflicha o'rganadilar. Masalan, "Tabiat" mavzusida o'quvchilar "o'rmon, daraxt, qush, suv, hayvon" kabi so'zlarni jamlab, ularning o'zaro bog'liqligini muhokama qiladilar.

7. Aqliy Hujum (Brainstorming) Metodi.

O'quvchilarga muayyan mavzu bo'yicha yangi so'zlarni topish vazifasi beriladi. Masalan, "Mevalar" mavzusida ular olma, nok, banan, anor kabi so'zlarni aytishlari mumkin. Ushbu metod o'quvchilarning ijodiy tafakkurini ham rivojlantiradi.

8. Do'stga Yordam (Peer Teaching) Metodi.

Bu metodda o'quvchilar juft-juft yoki kichik guruhlarda ishlaydi. Biri yangi so'zlarni tushuntiradi, ikkinchisi esa ularni misollarda qo'llaydi. Bu usul haqida Johnson va Holubec shunday yozgan: "O'zaro o'rganish o'quvchilarning so'z boyligini oshirish va ijtimoiy muloqotini rivojlantirish uchun samarali vositadir."¹

9. Venn Diagrammasi Metodi.

Ikki yoki undan ortiq tushunchalarni taqqoslash orqali o'quvchilar yangi so'zlar o'rtasidagi farq va o'xshashlikni o'rganadilar. Masalan, "Kitob" va "Gazeta" tushunchalarini taqqoslash orqali ularning o'ziga xos jihatlarni muhokama qilish mumkin.

TADQIQOT

Interfaol metodlarning samaradorligi bo'yicha ko'plab tadqiqotlar o'tkazilgan bo'lib, ularning aksariyati bu metodlarning ijobiy ta'sirini tasdiqlaydi.

1. Nation tadqiqotida o'quvchilarning so'z boyligi interfaol metodlar orqali oshirilganda, ularning eslab qolish qobiliyati 40% dan ko'proqqa oshganligi aniqlangan.²

2. Richards & Rodgers CLT (Communicative Language Teaching) metodining afzalliklarini o'rganib, shunday xulosaga kelgan: "O'quvchilar so'zlarni real hayotiy vaziyatlarda qo'llaganlarida, ularning amaliy nutq ko'nikmalari sezilarli darajada yaxshilanadi."³

3. Namangan Pedagogika Instituti (2023) tomonidan o'tkazilgan tadqiqotda interfaol metodlar asosida tashkil etilgan darslarda o'quvchilarning yangi so'zlarni eslab qolish ko'rsatkichi 35-45% ga oshganligi kuzatilgan. Bu tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, interfaol metodlar orqali o'qitish o'quvchilarning lug'at boyligini oshirishda samarali usul hisoblanadi.

XULOSA

Ingliz tili o'qitishda o'quvchilarning lug'at boyligini oshirish muhim jarayon bo'lib, bu borada interfaol metodlarning ahamiyati katta. An'anaviy yondashuvlarga qaraganda, interfaol metodlar o'quvchilarning bilim olish jarayonini yanada faol va samarali qiladi. Kelajakda interfaol metodlarning kengroq tatbiq etilishi o'quvchilarning so'z boyligini oshirish va ingliz tilida erkin muloqot qilish ko'nikmalarini rivojlantirishga yordam beradi. Shu sababli, ingliz tili o'qituvchilari interfaol yondashuvlarni dars jarayoniga keng tatbiq etishlari lozim. Ushbu metodlar o'quvchilarni dars jarayoniga faol jalb qilib, ularning yangi so'zlarni tez va samarali o'zlashtirishiga yordam beradi. Tadqiqot natijalari shuni ko'rsatadiki, kontekst asosida o'rganilgan va faol muloqot orqali mustahkamlangan lug'at o'quvchilarning nafaqat til bilimini, balki tanqidiy fikrlash va kommunikativ ko'nikmalarini ham rivojlantiradi. O'quvchilarning lug'at boyligini oshirishda interfaol metodlarning kengroq qo'llanilishi kelajakda ingliz tilini o'rganishda yuqori samaradorlikni ta'minlaydi. Shuning uchun ingliz tili o'qituvchilari interfaol metodlarni o'quv jarayoniga kengroq tatbiq etishlari zarur.

¹ Johnson, D. W., Johnson, R. T., & Holubec, E. J. (1998). Cooperative Learning in the Classroom. Association for Supervision and Curriculum Development.

² Nation, P. (2001). Learning Vocabulary in Another Language. Cambridge University Press.

³ Richards, J., & Rodgers, T. (2014). Approaches and Methods in Language Teaching. Cambridge University Press.



FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Coyle, D., Hood, P., & Marsh, D. (2010). CLIL: Content and Language Integrated Learning. Cambridge University Press.
2. Harmer, J. (2007). The Practice of English Language Teaching. Pearson Education.
3. Nation, P. (2001). Learning Vocabulary in Another Language. Cambridge University Press.
4. Oxford, R. (1990). Language Learning Strategies: What Every Teacher Should Know. Heinle & Heinle.
5. Richards, J., & Rodgers, T. (2014). Approaches and Methods in Language Teaching. Cambridge University Press.
6. Vygotsky, L. S. (1986). Thought and Language. MIT Press.
7. Namangan Pedagogika Instituti ilmiy maqolalari, 2023.



Sultonova Nozima Zakirjanovna

NamSU Student of World languages faculty

axunjonovanozima0@gmail.com

+998884643050

Abdullayeva Nargiza Axmadjonovna

NamSU Senior lecturer of English Department

+998993967757

ABSTRACT: This article outlines ideas about reading, which are basic language learning skills. It has been mentioned that by forming reading skills in young language learners, it is possible to think critically, speak fluently, pronounce correctly, and increase the vocabulary wealth of students.

KEW WORDS: Language learners, receptive skill, reading activities, development of reading skills, reproductive approach, practical exercises, team work, reading for comprehension, interactive and integrative methods.

Reading is the process of understanding the meaning of written printed material. It's a fundamental skill that involves many different skills and strategies. By reading, humans assimilate a large amount of information that sets the stage for the formation of the next written speech. Reading, which is one of the skills of language learners to increase language proficiency, is important for each student. As we know there are four skills in learning languages and they are divided into two types as receptive and productive ones. Overseas researchers commented on the reading skill as follows. Reading is one of four language skills: reading, writing, listening and understanding, and speaking. It is a receptive skill such as listening and understanding. This means that it involves responding to a text. In this case, the text read indicates understanding, keeping in itself the information learned, more than the productive communication.[1] To define the concept of reading means to understand the content of the text being read. In other words, it is understood the process of perceiving the speech information expressed in the letter symbols and noticing its content. Language learners use reading skills to obtain new material, so that the first skill to be formed for schoolchildren is reading. In the classroom, students are taught a letter at the very beginning and then syllables are mastered by combining letters. Young learners who start reading words slowly begin to understand sentences and their meanings. Since reading skills are the most important tool in language learning, teachers also use different reading activities in class. So, we will continue our thoughts about reading activities. Reading activities have long been integral to classroom instruction, serving as a foundation for developing students' literacy skills and fostering a lifelong love of reading. Historically, these activities have evolved from traditional methods, such as oral recitation and rote memorization, to more interactive and student-centered approaches. It is also effective in the formation of reading skills to use techniques aimed at developing students' skills such as analyzing information, identifying the underlying problem, choosing and evaluating alternative ways to solve them. These techniques also develop students' communication skills and group work skills.

In the 1980, educators began implementing strategies like literature circles, where students engage in small group discussions about books, promoting critical thinking and collaborative learning. This method encourages students to take ownership of their reading and share diverse perspectives, enhancing comprehension and engagement. [2]

Building background knowledge has also been recognized as crucial for reading comprehension. Strategies such as teaching words in categories, using contrasts and comparisons, and encouraging topic-focused wide reading help students connect new information to existing knowledge, facilitating deeper understanding.[3] It is worth mentioning that reading requires readers to make inferences from text rely on background knowledge. Understanding text depends on readers supplying enough of the unstated premises to make coherence sense of what is being read. But to do this well, readers need to have a foundation of knowledge about the topic. Using motivational reading activities help teachers to lead students to form their background knowledge. And for this purpose, different activities must be selected while conducting lesson plans for young learners. Evidence that reading informational texts increases reading achievements can be found in data from the National Assessment of Educational Progress. From 1990 to present, the trends on NAEP indicate that fourth grades' reading achievement



increases as the diversity of their reading experiences increases [4] Fourth grades who reported reading a wide variety of text (e.g. narrative, informational) had higher reading achievement than students who reported reading only one type of text. Therefore, it seems reasonable that exposing young children to informational text will help them to handle literacy demands of their later schooling.[5]

The development of reading skills is carried out on the basis of a certain text, and for language learners, reading activities that are used in the lesson are chosen by teachers and this is also not an easy task. In recent years, there has been a renewed focus on evidence-based reading instruction, particularly in the early grades. Educators are increasingly adopting structured literacy approaches that emphasize explicit teaching of phonics and phonological awareness, recognizing their effectiveness in supporting reading development for all students, including those with dyslexia.[6] It is worth noting that since reading is formed in connection with the pronunciation of sounds, it is also necessary to consider this issue when choosing text for English lessons of young language learners. This process requires different approaches depending on the age of the language learners, level of knowledge, and learning goals. According to Muhitdinova, the formation of pronunciation skills by reading speech and speech sounds contained in words should be laid as one of the main requirements in elementary education. Proper reading will help strengthen your fluency skills. It is as a result of the lack of robust formulation of these language skills that it can be argued that errors in the pronunciation of learners educated in today's language schools continue even at the Higher Education stage.[7] Therefore, it is necessary to be attentive in the formation of reading skills to young language learners. The formation of reading skills in language learners is a complex process and is based on the following main areas and methods. For example, the pattern-based learning method refers to students' mastery of learning material based on ready-made samples. In this way, through the samples provided by the teacher, students acquire new knowledge and skills. The characteristics of the pattern-based learning method are divided into the following two groups.

1. **Reproductive approach:** students acquire knowledge by repeating a given sample. It is considered important to re-develop existing knowledge rather than creativity.[8]

2. **Practical exercises:** students strengthen their skills by reading, drawing or doing other practical exercises according to the sample. For example, in English classes, a method is used to read the patterns aloud.

And the following approaches can be guide for teachers.

1. **Choosing interesting texts:** choosing topics of interest to readers increases their interest in reading.

2. **Team activities:** study in groups, questions and answers, and discussion increase activity in students.

3. **Interactive methods:** application of games, multimedia tools and other technologies in the process of reading.

4. **Logical analysis of a text:** readers must learn to analyze it so that they understand the main content of the text they are reading.

5. **Integrative methods:** the formation of Reading and writing skills in combination with other subjects gives effective results.

6. **Phonemic skills:** the way letters and words are read by separating them into sound ensures the rapid acquisition of the reader.

In the development of reading skills with young language learners, the process of reading text is an important component of speech activity. Particular attention is paid to the development of their speech activity by reading texts to form reading skills in children of this age.[9] Speech competence implies the formation of the four basic practical skills of language education, such as listening and understanding, speaking, reading and writing.

From the above, it should be said that the formation of reading skills for language learners requires teachers to correctly apply a number of approaches to the lesson. Reading skills are important not only as a source of increasing literacy for the student, but also in the formation of a mental thinking skill.

REFERENCES

1. Rajabova, D. Kichik yoshdagi bolalarda o'qish ko'nikmasini shakllantirishning xususiyatlari (ingliz tilini o'qitish misolida)// O'zbekiston milliy universiteti xabarлари, 2024.-B.191
2. DaLie, S.O.Students becoming real readers: Literature circles in high school English classes,



in Ericson, B.O. (Ed.), *Teaching Reading in High School English Classes*. Urbana: NCTE, 2001.-P. 84–100.

3. Susan.B.Neuman. Tanya Kaefer. Building background knowledge// Reading pockets, Washington,D.C, 2025

4. Marinak.B. Gambrell.L Building World Knowledge: Motivating Children to Read and Enjoy Informational text// Reading pockets, Washington,D.C, 2025.

5. Duke. N. Bennet- Armistead. V. Reading and writing information text in primary grades. New York. Scholastic, 2003.

6. Manno.M A literacy crisi` : San Antonio school work to comply with new state law as dyslexia. 2025

7. Muhitdinova.X O`zbek tilini ikkinchi til sifatida o`qitish metodikasi. o`quv qo`llanma. G`afur G`ulom, 2023.-B.173

http://portal.guldu.uz/download-edfiles-9012.doc?utm_source



ИҚТИСОД ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРДА КОРХОНАЛАР БОШҚАРУВ СТРАТЕГИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИЛИШINI ДАВЛАТ ТОМОНИДАН РАЎБАТЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Сотволдиев Алишер Дилшод ўғли
Ўзбекистон Миллий университети,
мустақил изланувчиси

Аннотация: Мақолада тараққий этган мамлакатларда саноат корхоналари бошқарувини ташкил этиш хусусиятлари ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари қиёсий таққосланган. Шунингдек, саноат корхоналари бошқарув стратегиясини ташкил этишнинг илғор хориж тажрибасидан мамлакатимизда ижодий фойдаланиш имкониятлари аниқланган.

Калит сўзлар: инновация, инновацион бошқарув, инновацион маҳсулот, инновацияларни қабул қилиш, инновацияларни узатиш, инновацион лойиҳа, инновацион ҳамкорлик

Корхоналар бошқарув стратегиясини ташкил этишда Европа Иттифоқи (ЕИ), хусусан, Ғарбий Европа мамлакатлари тажрибаларини ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. ЕИ мамлакатларида саноат корхоналари инновацион фаолиятини ривожлантириш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқишда минтақавий Европа Комиссияси ташкилоти томонидан берилган тавсияларга асосланган ҳолда умумий шаклдаги ислохотларнинг устувор йўналишлари ишлаб чиқилади. Сўнгги йилларда минтақада саноат корхоналари инновацион ривожланишини қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурларнинг устувор йўналишлари қуйидагиларда ўз аксини топади:

- мамлакатларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни инновацион ривожланишни таъминлашга қаратиш ва бунда интеграцион жараёнларни чуқурлаштириш орқали корхоналар фаолиятини инновацион ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

- бозорларда инновацион талабни рағбатлантириш, жумладан, инновацион мойиллик даражаси юқори бўлган бозорларни “Етакчи бозор” концепцияси асосида ривожлантириш;

- давлат бошқаруви, шунингдек, давлат секторида инновацияларни рағбатлантириш;

- маҳаллий инновацион ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни мунтазам амалга ошириш [1].

Юқорида келтириб ўтилган дастурлар асосида Европа Комиссияси ташкилоти томонидан минтақада инновацион ривожланишни таъминлаш, шунингдек, корхоналар фаолиятини инновацион ривожланиш йўлига ўтказишга қаратилган ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда.

Скандинавия мамлакатлари амалиётида узоқ муддатли фундаментал тадқиқотларни амалга ошириш, шунингдек, корхоналар бошқаруви амалиётида “Ақлли бошқарув” услубиётини шакллантиришга устуворлик қаратилади. Хусусан, Швеция ва Финляндия мамлакатларида давлат томонидан саноат корхоналари инновацион фаолиятини молиялаштириш бўйича катта ҳажмдаги субсидиялар ажратилади. Шунингдек, минтақадаги Буюк Британия ва Ирландия мамлакатлари саноат корхоналари инновацион ривожланишини қўллаб-қувватлашда давлат аралашувининг камлиги билан бошқалардан ажралиб турилади. Таҳлилларга қўра, ушбу мамлакатларда саноат корхоналари, молиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар ва олий таълим муассасалари (жумладан, илмий тадқиқот институтлари) билан ўзаро ҳамкорликда инновацион консорциумларни ташкил этишга устуворлик қаратилган. Мазкур мамлакатлар саноат корхоналари инновацион бошқаруви бошқаларга қараганда бозордаги ўзгаришларга нисбатан юқори даражадаги мослашувчанлиги билан ажралиб туради [2].

ЕИ мамлакатлари таркибига кирувчи Финляндия мамлакати амалиётида ҳам саноат корхоналари инновацион фаолиятини ташкил этиш бўйича ўзига хос тажрибалар жамланган ҳисобланади. Таҳлилларга қўра, ушбу мамлакатда технопарклар фаолиятини ривожлантириш орқали саноат корхоналарининг бошқарув стратегиясини такомиллаштиришга устуворлик



қаратилади. Финляндия илмий парклар Ассоциацияси томонидан инновацион фаолият билан шуғулланувчи, мамлакатдаги 20 та олий ўқув юрти хузурида ташкил этилган барча 22 та технопарклар фаолияти ўзаро бирлаштирилади ва назорат қилинади [3].

Шунингдек, мамлакатда олий ўқув юртлари саноат корхоналарининг инновацион фаолиятини ривожлантиришда бевосита иштирок этадилар. Бунда олий ўқув юртининг етакчи олимлари томонидан саноат корхоналари фаолиятини таҳлил қилиш асосида инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқишдаги иштирокига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Олий ўқув юртлари олимлари томонидан ишлаб чиқилган инновацион лойиҳа корхона томонидан маъқул кўрилса, инновацион лойиҳа ушбу корхонага сотилади ва олий ўқув юрти илмий фаолият орқали ўз даромадларини шакллантириш имконига эга бўлади. Агарда инновацион лойиҳани сотиб олиш учун корхонанинг ўз маблағлари етмаса, у ҳолда давлат ёки маҳаллий бюджет томонидан ажратиладиган субсидиялардан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Шунингдек, мамлакатда саноат корхоналарини молиялаштиришда бюджетдан ташқари мақсадли фондлар фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, корхона ёки инновацион лойиҳани ишлаб чиқаётган олий ўқув юрти (илмий тадқиқот институти) томонидан ушбу фондларнинг хизматларидан фойдаланилиши мумкин ҳисобланади. Финляндия мамлакатида саноат корхоналари инновацион фаолиятини молиялаштиришда иштирок этувчи қуйидаги бюджетдан ташқари мақсадли фондлар ташкил этилган:

- “Финнвера” Давлат венчур молиялаштириш фонди (State fund of venture financing «Finnvera»)
- “Финпро” фонди (Finish Fund «Finpro»);
- “Фин саноатини инвестициялаш” давлат инвестицион компанияси (Finish Industry Investment Ltd);
- Фин ихтиролари давлат фонди (The Foundation for Finish Inventions);
- “Ситра” давлат инновацион фонди (Finish Innovation Fund «Sitra»)

Саноат корхоналари томонидан амалиётга жорий этилаётган инновацион лойиҳалар Инновацияларни қўллаб-қувватлаш марказининг (Innovation Relay Centers) тегишли хулосаларига асосланган ҳолда амалга оширилаётган бўлса, у ҳолда инновацион лойиҳани молиялаштириш учун жами харажатларнинг 55,0 фоизи давлат ва маҳаллий бюджет томонидан, қолган 45,0 фоизи эса Европа Комиссияси маблағлари қоплаб берилади [4].

Таҳлилларга кўра, саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатларда саноат корхоналари бошқарув стратегиясини ташкил этишда уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган механизми шакллантирилган. Шунингдек, умумий ҳолда ушбу мамлакатлар гуруҳида корхоналар бошқарув стратегиясини ташкил этиш, шунингдек, уларни инновацион ривожланишини таъминлашда саноат корхоналари, давлат ташкилотлари, илмий фаолият билан шуғулланувчи институтлар, олий ўқув юртлари ўртасидаги инновацион ҳамкорликнинг йўлга қўйилганлиги ишлаб чиқиладиган инновацион лойиҳаларнинг ҳам илмий ҳам назарий жиҳатдан мукамаллигини таъминлаш имконини беради. Бу эса инновацион лойиҳаларни корхоналар амалиётига жорий этиш самарадорлиги кўрсаткичини оширади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Global Innovation Index 2018: Energizing the World with Innovation / World Intellectual Property Organization, 2018. – p. 430. https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_gii_2018.pdf
2. Сорокин А.Е., Новиков С.В. Некоторые особенности управления инновационной деятельностью в странах ЕИ и США // Инновации – 2018. – № 6 (236). – с. 84-91.
3. Global Innovation Index 2020: Who Will Finance Innovation? / World Intellectual Property Organization, 2020. – p. 448. https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_gii_2020.pdf
4. Global Innovation Index 2021: Tracking Innovation through the Covid-19 Crisis / World Intellectual Property Organization, 2021. – p. 226. https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_gii_2021.pdf
5. Ланьшина Т.А. Эволюция национальной инновационной системы США и особенности ее развития в XXI веке // Дисс. на соискание ученой степени канд. экон. наук. – Москва – 2017. – 190 с. <https://mgimo.ru/upload/diss/2017/lanshina-diss.pdf>



MINTAQA IQTISODIYOTIDA TURIZM INDUSTRIYASINI SAMARALI
RIVOJLANTIRISHNING XORIJ TAJRIBASI

Yusupova M.U.,

Urganch davlat universiteti Iqtisodiyot
kafedrasida mustaqil izlanuvchisi,
Muhammad al Xorazmiy nomidagi
TATU Urganch filiali katta o'qituvchisi

Annotatsiya. Ushbu maqolada mintaqa iqtisodiyotida turizm industriyasini samarali rivojlantirish zaruriyati, mavjud imkoniyatlari va uning xorij tajribasi ochib berilgan.

Kalit so'zlar. Turizm, turizm industriyasi, iqtisodiyot, transport, mehmonxona

Следовательно, экологическая информация должна быть неотъемлемой частью при составлении достоверной бухгалтерской (финансовой) отчетности. Однако в настоящее время в России нет нормативных актов регулирования учетной деятельности в области экологии, требующих подробного отражения в финансовой отчетности обязательств и затрат, связанных с природоохранной деятельностью. Более того, в тысячах организаций существует неупорядоченность учета природоохранных затрат, когда они не только не выделяются, но и, особенно текущие, «растворяются» в себестоимости, необоснованно относятся на охрану труда и технику безопасности или только на общехозяйственные либо прочие расходы. Поэтому разработка основ развития экологического бухгалтерского учета представляет социально-экономическую значимость для предотвращения кризисных явлений.



ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

OLIMPIYA VA PARALIMPIYA SHON-SHUHRATI MUZEYI – O‘ZBEKISTONDA OLIMPIADA HARAKATI VA SPORT YUTUQLARINI TARG‘IB QILUVCHI MASKAN

Axmadaliyeva Gulnoz Ikramovna
Olimpiya va paralimpiya
shon-shuhrati muzeyi direktori

Annotatsiya. Maqolada Olimpiya va paralimpiya shon-shuhrati muzeyi haqida ma'lumotlar bayon etilgan. Shuningdek, O'zbekistonda olimpiada harakati va sport yutuqlarini targ'ib qiluvchi maskan ekanligi masalasi yoritilgan.

Kalit so'zlar. muzey, olimpiya, paralimpiya, sport yutuqlari.

Mamlakatimizda sport infratuzmasini rivojlantirish va modernizatsiya qilish borasida amalga oshirilayotgan keng ko'lamli ishlar, o'z navbatida, O'zbekistonda jismoniy tarbiya va sport sohasini yanada taraqqiy ettirish bilan birga, ko'plab yirik xalqaro musobaqalarga mezbonlik qilish imkoniyatlarini ham kengaytirmoqda. Mamlakatni dunyoga tez tanitadigan soha, bu-sport. Sport millat va irq tanlamaydi, u barchani o'z atrofida birlashtiradi. Xalqimiz o'ziga xos taraqqiyot yo'lini tanlab, barcha sohalarda dunyoning eng rivojlangan mamlakatlari darajasiga yetib olishdek ezgu maqsad sari intilmoqda. Uni amalga oshirish uchun yuksak malakali, ahloqiy barkamol mutaxassislar kerak. Shu jihatdan, aqlan yetuk, ahloqan pok va jismonan baquvvat insonlarni tarbiyalash masalasi davlatimiz oldida turgan muhim vazifalardan biri sanaladi. Bu borada ajdodlarimizning boy ma'naviy, ahloqiy merosining ahamiyati beqiyosdir. Darhaqiqat, buyuk siymolar bo'lmish ota-bobolarimiz qoldirgan ma'naviy merosni ta'lim-tarbiya sohasiga tatbiq etish barkamol avlodni shakllanishida samarali vositadir. Bu o'rinda O'zbekistonda faoliyat ko'rsatayotgan muzeylar faoliyati alohida ahamiyat kasb etadi.

Xalqaro olimpiya qo'mitasi (XOQ) tomonidan 5 ta muzeylar: Shveysariya (Lozanna, 1993), O'zbekiston (Toshkent, 1996), Kanada (Toronto, 1997, 2004), Gretsiya (Afina, 1998, 2004), Yaponiya (Nogano, 1998) ta'sis etilganidir.

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1996-yil 14-avgustdagi "Olimpiya va paralimpiya shon-shuhrati muzeyini tashkil etish to'g'risida"gi 284-son qarori bilan 1996-yil 1-sentabrda Olimpiya va paralimpiya shon-shuhrati muzeyi ochilgan. Muzeyni bezash ishlarida eng iqtidorli rassomlar va haykaltaroshlar, O'zbekiston xalq ustalari qatnashgan. Muzeydagi eng asosiy mavzu-hozirgi zamon Olimpiya o'yinlari. Ekspozitsiyalardagi Olimpiya harakati qachon paydo bo'lgani, O'zbekiston Milliy Olimpiya qo'mitasining barpo etilganligi, mamlakatimizda olimpiya g'oyalarining taraqqiy etganligi, Olimpiya o'yinlarining o'tkazilishi va shu o'yinlarda g'olib sovrindor bo'lib chiqqan O'zbekiston sportchilarining ishtirok etayotganligi haqida hikoya qilinadi. Muzeyga tashrif buyurganlar XX-XXI asrlar Olimpiya o'yinlarining shonli tarixida o'z nomlarini qoldirgan bir qator sportchilar bilan tanishadilar. Ekspozitsiyalarda mustaqil O'zbekiston sportchilarining Olimpiya o'yinlarida ishtirok etgani to'g'risidagi qiziqarli ma'lumotlar alohida o'rin tutadi. Har qanday muzeyda bo'lgani kabi, katta qiziqish uyg'otgan ekspozitsiyalar bu yerda ham mavjud. Olimpiya va paralimpiya shon-shuhrati muzeyi faqatgina o'z faoliyati bilan cheklanib qolmasdan, balki O'zbekiston Respublikasi Sport vazirligi, hamda O'zbekiston Milliy Olimpiya Qo'mitasi, O'zbekiston Milliy Paralimpiya Qo'mitasi bilan ham yaqindan hamkorlik qiladi.

Muzeyda matbuot konferensiyalari, anjumanlar o'tkazish, sportchilarni nufuzli sport musobaqalariga kuzatish, har xil turnirlar va musobaqalarning g'oliblari bilan uchrashuvlar uyushtirish kabi tadbirlarni amalga oshiriladi. Ko'pincha, aynan ana shu uchrashuvlardan keyin sportchilar o'zlari qo'lga kiritgan sovrin va kuboklarni mukofot tariqasida muzeyga topshirib ketadilar. Muzey zamonaviy video texnika bilan jihozlangani tufayli, bu yerda yurtimizda



bo‘lib o‘tadigan turli xil sport musobaqalari, shuningdek, muzeyda o‘tkaziladigan matbuot konferensiyalari, anjumanlar, qutlovlarni tasvirga tushirish va keyin ommaga namoyish etish imkoniyati yaratilgan. Bu lavhalardan sport mutaxassislari, televideniya va ommaviy axborot vositalari sport tahririyatlari foydalanadilar. Muzeydagi texnik jihozlar, muzey ashyolari va kolleksiyalari, video mahsulotlari, maxsus adabiyotlar har xil sport mutaxassislari, O‘zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti talabalari, malaka oshirish kurslari tinglovchilarining ilmiy, uslubiy tadqiqotlar o‘tkazishlariga katta imkoniyatlar yaratib beradi.

Muzey, Lozanna shahri XOQ bosh qarorgohi huzuridagi Olimpiya muzeyi bilan aloqalar o‘rnatish va hamkorlik qilish to‘g‘risidagi ikki tomonlama shartnoma imzolagan, ekspozitsiyalar va adabiyotlar soni shu yo‘l bilan ham ko‘payib bormoqda. Olimpiya va paralimpiya shon-shuhrati muzeyi xalqaro Olimpiya Qo‘mitasining o‘sha vaqtdagi Prezidenti X.A.Samaranch tomonidan yuksak baholangan, u muzeyga “Muzey jahonda Lozannadagi Olimpiya muzeyidan keyin ikkinchi o‘rinda turadi”, deb baho bergan edi. Bugungi kunda ushbu muzeyda 3000 dan ortiq muzey ashyolari va kolleksiyalari mavjud bo‘lib, shundan 1500 dan ortig‘i doimiy ekspozitsiyaga namoyish etish uchun qo‘yilgan. O‘zbekistonning birinchi Prezidenti I.Karimovning muzeyga topshirhan sovg‘alari ham bu yerda saqlanadi. Jumladan, xalqaro sportni rivojlantirishga qo‘shgan hissasi uchun O‘zbekiston Prezidentiga XOQ Prezidenti topshirgan Olimpiada oltin ordeni, Osiyo Olimpiada Kengashining Olimpiada oltin ordenidir.

Shuningdek, bu yerda Xalqaro havaskorlar kurash federatsiyasining “Oltin marjoni”, professional boks bo‘yicha 16 karra jahon chempioni A.Grigoryanning chempionlik oltin kamari, gulchambari va medallari, olimpiada o‘yinlari vaqtida tayyorlangan turli medallar va nishonlar bor. Bundan tashqari muzeyda Gretsiyaning Kos orolidan keltirilgan miloddan avvalgi 450-470-yillarga tegishli olimpiya dizaynli kumush tanga hamda Xalqaro Olimpiya Qo‘mitasining o‘sha vaqtdagi prezidenti Xuan Antonio Samaranchning shaxsiy kolleksiyasidan muzeyga sovg‘a qilingan eksponatlarining ham borligi diqqatga sazovordir.



MOQ Bosh assotsiatsiyasining birinchi Prezidentimiz I.A. Karimovga taqdim qilgan oltin ordeni



Xalqaro sport kurashi assotsiatsiyasi tomonidan birinchi Prezidentimiz I.A. Karimovga berilgan oltin ordeni

Muzey Respublikamizdagi oliy toifali muzey bo‘lib, u ikki qavatdan iborat. Umumiy maydoni 2700 kv.m, ekspozitsiya maydoni 1100 kv.mni tashkil etadi. Muzeyning 1-qavati “Shon-sharaf” zali deb nomlanadi, unda o‘zbek sportchilarining mustaqillik yillarida nufuzli sport musobaqalarida, Olimpiya va Paralimpiya, Osiyo va Paraosiy o‘yinlarida qo‘lga kiritgan yutuqlari joy olgan. Muzeyning 2-qavatidan Xalqaro Olimpiya va Paralimpiya o‘yinlari tarixi, bolalar sporti, O‘zbekiston faxriy sportchilari tarixi, milliy sport turlari va o‘yinlari (etnosport), mepping zona joy olgan. Ushbu muzey O‘zbekistonda jismoniy tarbiya va sport faoliyatining rivojlanib borishi, qo‘lga kiritgan yutuqlari hamda qoldirgan boy madaniy-ma’naviy merosi xususida juda katta bilimlar beradi. Muzeyga tashrif buyurganlar nafaqat muzeyda sayohat qiladilar balki dunyo arenalarida Vatanimiz sharafini mardlarcha himoya qilayotgan sportchilarimiz haqida videofilmlar tomosha qilishlari mumkin. Xulosa qilib shuni aytishimiz mumkinki, Olimpiya va paralimpiya shon-shuhrati muzeyi jamiyatimiz hayotida madaniy-ma’rifiy muassasa hisoblanib, uning vazifasi tarixiy, zamonaviy sport sohasidagi hujjatlar, madaniy va ma’naviy yodgorliklarni to‘plash va saqlash, ularni ilmiy jihatdan o‘rganib ko‘rgazmalarga qo‘yish va keng xalq ommasiga havola qilishdan iborat.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1996-yil 14-avgustdagi “Olimpiya va paralimpiya shon-shuhrati muzeyini tashkil etish to‘g‘risida”gi 284-son qarori. <https://lex.uz/ru/docs/-461683>



2. O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi. Birinchi jild. Toshkent, 2000-yil. https://uz.wikipedia.org/wiki/Olimpiya_shon-shuhrati_muzeyi
3. Djalilova L.A. Olimpizm madaniyatini shakllantirish vositalari. -T.: «Fan-sportga» Respublika ilmiy-nazariy jurnal. №3- 2014.
4. O‘zbekistonda Olimpiya harakatining rivojlanishi. Ilmiy-amaliy anjuman maqolalari to‘plami. T., O‘zDJTI, 1997- 2000.
5. To‘xtamirzaev M., Turdiyev F.K., Rasulova M. “Olimp sari”. -T.: “Navro‘z”, 2017.
6. Нормуродов А., Моргунова И. Олимпийские игры. Учебное пособие. Т.: “Ita-press”, 2011.



МАКТАБГАЧА YOSHDAGI BOLALARNING PSIXOLOGIK RIVOJLANISHI

Elmurodova Dildora Faxritdinovna
Maktabgacha ta'lim yo'nalishi talabasi
Ilmiy rahbar: **Davlatova Zebo Haydarovna**

Annotatsiya: Maktabgacha yoshdagi bolalarda, ta'lim-tarbiya ishlarini takomillashtirish, uni jahon andazalari darajasiga ko'tarish, fan sohasidagi yangiliklarni amaliy hayotga tatbiq etish muhim masalalardan biri bo'lib qolmoqda. Ayniqsa yosh avlodga ta'lim-tarbiya berish, ularda fan asoslariga nisbatan bilim, ko'nikma, malakalarni shakllantirish davlat siyosatining ustuvor vazifalaridan hisoblanadi.

Kalit so'zlar: psixologiya, bola, ijtimoiy psixologiya, rivojlanish.

Аннотация: Улучшение образования и воспитания детей дошкольного возраста, поднятие его на уровень мировых стандартов, наука внедрение инноваций в сфере остается одним из важных вопросов. Воспитание молодого поколения, формирование знаний, навыков и квалификации в области основ науки является одной из приоритетных задач государственной политики.

Ключевые слова: психология, ребенок, социальная психология, развитие.

Annotation: Improving education and upbringing of preschool children, raising it to the level of world standards, science implementation of innovations in the field remains one of the important issues. Education of the young generation, formation of knowledge, skills and qualifications in the fundamentals of science is one of the priority tasks of the state policy.

Key words: psychology, child, social psychology, development.

Аннотация: Одним из важных вопросов остается совершенствование образования, доведение его до уровня мировых стандартов, внедрение инноваций в области науки в практическую жизнь.

Воспитание молодого поколения, формирование знаний, навыков и квалификации в области основ науки является одной из приоритетных задач государственной политики.

Ключевые слова: психология, ребенок, социальная психология.

Abstract: One of the important issues remains improving education, bringing it to the level of world standards, introducing innovations in the field of science into practical life. Raising the younger generation, developing knowledge, skills and qualifications in the field of basic science is one of the priority tasks of state policy.

Key words: psychology, child, social psychology, development.

Mamlakatimizda so'nggi yillar mobaynida maktabgacha ta'lim tizimini isloh qilish davlat siyosati darajasiga ko'tarildi. Sog'lom va har tomonlama rivojlangan avlodning shakllanishini ta'minlashga qaratilgan samarali maktabgacha ta'lim tizimini tashkil qilish bo'yicha qabul qilingan tashkiliy-huquqiy chora-tadbirlar bunga yaqqol misol bo'la oladi. Jumladan,

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 9 sentabrdagi «Maktabgacha ta'lim tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi PQ-3261-son Qarorida maktabgacha yoshdagi bolalarni uyg'un rivojlantirish hamda sifatli maktabgacha ta'limni tashkil etish bo'yicha vazifalari belgilangan.

Maktabgacha yoshdagi bolalarning psixik rivojlanishiga doir manbalarni o'rganib, tahlil qilib tarixda yaratilgan pedagogik-psixologik nazariyalar bugungi kungacha o'z ahamiyatini yo'qotmaganligiga amin bo'ldik. Darhaqiqat, qadimgi Yunonistonda buyuk faylasuflar tomonidan bola psixikasi va rivojlanishi bo'yicha ilmiy qarashlar ilgari surilgan. Taniqli faylasuf Geraklit bola qalbi dastlab «nam va ho'l» bo'ladi, asta-sekin «olov»ga aylana boradi, degan fikrni bildiradi. Bola ta'lim-tarbiya ta'sirida fikrlash, mulohaza qilishga o'rganadi va unda tafakkur qilish layoqati paydo bo'ladi. Geraklit ilk bora bolada nafaqat qalb rivojlanishi haqida fikr bildiradi, u rivojlanishni tafakkur bilan bog'laydi, psixik rivojlanishni solishtirib bilan intellektual ularni tenglashtiradi.

Mashhur rus pedagogi Lesgaftning fikricha, insonning bog'cha yoshidagi davr shunday bir



bosqichki, bu davrda bolalarda xarakter xislatlarining namunalari shakllanib, axloqiy xarakterning asoslari yuzaga keladi.

Maktabgacha yosh psixologlar tomonidan uch yoshdan yetti yilgacha belgilanadi. Uch yoshida bola birinchi yosh inqirozini boshdan kechiradi. Yetti yil ham inqiroz davri. Ya'ni, maktabgacha yosh - bu bolaning hayotining birinchi inqirozidan ikkinchi hayot inqiroziga bo'lgan davri. Uch yoshli chaqaloq allaqachon o'zini odam kabi his qiladi. U birinchi marta shaxs ekanligini, oilaning to'la huquqli a'zosi ekanligini tushuna boshlaydi. U ijro etishni o'rganadi oilaviy majburiyatlar kattalarga yordam berish. O'zi qaror qabul qilishga harakat qiladi. Bu atrofda voqelikni eng katta idrok etish davri. Bolaning rivojlanishi juda tez. Maktabgacha yoshdagi ushbu besh yil davomida u o'yindan ta'lim faoliyatiga qayta tashkil etish uchun vaqtga ega bo'lishi kerak. Ota-onalarning yordami zarur bilim, ko'nikma va malakalarni berishdir.

Maktabgacha yoshdagi asosiy faoliyat - bu o'yin. Uch-to'rt yoshida bola rolli o'yinni o'zlashtiradi, ammo hozirgacha taqlid darajasida. U o'yinchoqlarni olib, hayotda yoki multfilmlarda ko'rgan vaziyatlarni takrorlaydi. Agar bu yoshda bu sodir bo'lmasa, ota-onaning vazifasi qanday o'ynashni o'rgatishdir.

Katta maktabgacha yoshdagi bolaning psixologiyasi 5-6 yoshda rolli o'yinlar endi taqlid qilmaydi. Bolaning o'zi o'yin syujetini, qahramonlarning ismlarini o'ylab topadi. Bu ikkala hayotiy hikoyalar (do'konda xarid qilish, poezdga sayohat) va hayoliy voqealar bo'lishi mumkin. O'yinda bola odamlar bilan muloqot qilishni o'rganadi, sotsializatsiya sodir bo'ladi. Bola o'zini kattalar rolida sinab ko'radi, o'yin darajasida qaror qabul qilishni o'rganadi. Shuning uchun bu davrni o'tkazib yubormaslik juda muhimdir.

Agar yoshroq maktabgacha yoshda kichkina odam ko'pincha o'zini o'zi o'ynasa, besh yoki olti yoshida bola o'zi bilan muloqot qilishni xohlaydigan tengdoshlarini tanlaydi. Bolalar ikki yoki uch kishidan iborat kichik guruhlariga yig'ilib, o'ynashadi. Bu yoshda bola rasm chizishga, modellashtirishga, ertak tinglashga qiziq boshlaydi. U o'qishga qiziqmaydi, garchi o'yin shaklida ta'lim faoliyati elementlari to'rt yoshdan boshlab kiritilishi mumkin.

Bolani barcha harakatlarida qo'llab-quvvatlash juda muhimdir. Har qanday faoliyat turlarini sinab ko'ring: applikatsiya, modellashtirish, chizish va dizayn. Bola hamma narsani sinab ko'rishga qiziqadi va buni qo'llab-quvvatlash juda muhimdir. Bu muvaffaqiyatli maktabda o'qishning kaliti bo'lgan kelajakdagi o'rganishga bo'lgan qiziqishdir. Yosh maktabgacha yoshdagi bolalarning psixologiyasi qanday o'zgaradi. Bu yoshdagi fikrlash vizual-majoziydir. Buni ota-onalar bilishi muhim. Bola so'zlarni eslay olmaydi, u uchun rasmni ko'rish, ob'ektni teginish orqali tekshirish juda muhimdir.

Vizualizatsiya va fantaziya bolaning bilimi bilan cheklangan. U hech qachon ko'rmagan narsani tasavvur qila olmaydi. Shuning uchun yangi his-tuyg'ular berish muhimdir.

Maktabgacha yoshdagi bolalarning har tomonlama rivojlanishi uchun ota-onalar nima qilishi mumkin?

Boshqa shaharlarga (mamlakatlarga) sayohatlar Muzeiga, ko'rgazmalarga tashrif buyurish Teatrga borish Nafaqat spektaklni tomosha qilish, balki bola bilan u nimani o'rganganini, unga nima qiziq bo'lganini muhokama qilish muhimdir. Bu yoshda xotira intensiv rivojlanadi. Bola hamma narsani eslaydi: televizordagi reklamadan tortib, ota-onasi aytgan tasodifiy iboralargacha. Bola dunyoni faol ravishda o'rganadi va juda ko'p savollar beradi. Kognitiv jarayonlar rivojlanadi - xotira, e'tibor, fikrlash, nutq, hissiy-irodaviy soha, shuningdek ijodiy qobiliyatlar. Ota-onalar maktabgacha yoshdagi bolalarning aqliy rivojlanishining o'ziga xos xususiyatlarini bilib, ular bilan uyg'un munosabatlar o'rnatadilar va sog'lom shaxsni tarbiyalaydilar.

Ko'pchilik bolalarda kuzatuvlarim natijasida bolalarning rivojlanishida bolalalar bilan noxush vaziyatlarda alohida gaplashishib tushuncha berganim ko'proq natijasini ko'rsatdi.

Navoiy viloyati, Karmana tumanidagi 26-sonli davlat bog'chasidagi kuzatuvlarim jarayonida "Ko'zmunchoq" tayyorlov guruhi tarbiyalanuvchisi Achilov Jahongirda mashg'ulotlar jarayonida guruhda do'stiga nisbatan qilgan zo'ravonligi bo'yicha bola bilan alohida gaplashganimdan so'ng bu holat takrorlanmadi.

Xulosa qilib aytganda, yuqorida keltirilgan mulohazalardan kelib chiqib, maktabgacha yoshdagi bolalarga ta'lim-tarbiya berish mazmuni quyidagilardan iborat bo'lishi lozim.

1. Bolaning rivojlanish jarayonida atrofida predmet va hodisalar olami bilan munosabatga kirishishga yo'naltirish.

2. Bolalarda aynan mana shu davrda mehnat va madaniy malakalarni shakllantirish, nutq va



muloqotni rivojlantirish, ijtimoiy yaxloq va estetik tuyg'ularning dastlabki kurtaklarini hosil qilish.

3. Bolalarning psixik rivojlanishida qiziqishning roli katta ekanligini inobatga olgan holda, ularni biror faoliyatga undash, vaholanki qiziqish bu ehtiyoj kabidir.

4. Bolalarni o'yin faoliyati orqali amaliy harakatlar bajarishini ta'minlash hamda ko'nikmalarni shakllantirish.

5. 3-7 yoshdagi bolalarning psixik rivojlanishida badiiy-ijodiy faoliyat turlaridan biri bo'lgan musiqaviy ta'limni samarali tashkil etish.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. E.G.G'oziyev Umumiy psixologiya. Toshkent. 2002.1-2 kitob;
2. M.Vohidov, Maktabgacha tarbiya psixologiyasi, T., 1970;
3. V.Tokaryeva, Talaba shaxsining axloqiy rivojlanish psixologiyasi, T., 1989;
4. G'.Shoumarov, Oila psixologiyasi, T., 2000;
5. V.Karimova, Ijtimoiy psixologiya, T., 1994.
6. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 8 maydagi «O'zbekiston Respublikasi maktabgacha ta'lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish Konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida»gi PQ-4312-sonli Qarori.
7. A.Vosiljonov (2022). Lingvistik tadqiqotlarda korpus o'rganish ob'ekti sifatida ijtimoiy fanlarda innovatsiya onlayn ilmiy jurnali, 2(11), 176-182., A.Vosiljonov (2022). Pragmalingvistika va uning tahliliy shakllanish tarixi. Science and innovation, 1 (B8), 99-105. doi: 8. 5281/zenodo.7336283
2. Vosiljonov, A. (2022). BASIC THEORETICAL PRINCIPLES OF CORPUS LINGUISTICS. Academicia Globe: Inderscience Research, 3(02), 173-175.
3. E. Najmiddinov, A. Rasujonov, & J. Rahimov (2022). FARG'ONA VODIYSI SUV HAVZALARIDAGI BALIQLAR GELMINTLARI. Science and innovation, 1 (D8), 145-151. doi: 10.5281/zenodo.7335759
4. Najmiddinov, Eldor , Rasuljonov, Adhamjon, & Rahimov, Javohir (2022). FISH HELMINTHS IN FISH RESERVOIRS OF FERGANA VALLEY. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (10), 1049-1054.
5. E. Najmiddinov (2022). O'ZBEKISTONDA "IXTIOLOGIYA VA GIDROBIOLOGIYA" SOHALARINI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI. Science and innovation, 1 (D8), 152-160. doi: 10.5281/zenodo.7335800
6. E. Najmiddinov (2022). TABIATNING MAKTABGACHA TA'LIM YO'SHIDAGI BOLALARNI BARKAMOL AVLOD BO'LIB SHAKLLANISHIDAGI AHAMIYATI. Science and innovation, 1 (B8), 149-154. doi: 10.5281/zenodo.7336353
7. Yuldashev, E., & Najmiddinov, E. (2013). BRAKONIDЫ (Hymenoptera, Braconidae) RODA ROGAS NEES FAUNЫ SREDNEY AZII. In Bioraznoobrazie iratsionalnoe ispolzovanie prirodnых resursov (pp. 134-136).
8. Najmiddinov, E. X., Kuchboev, A. E., Muxammadiev, M. A., & Soatov, B. B. (2021). Ekologo-morfologicheskie xarakteristiki nematod roda Rhabdochona-INNOVATIVE DEVELOPMENTS AND RESEARCH IN EDUCATION International scientific-online conference parazitov obyknovennoy marinki. Teoriya i praktika borby s parazitarnymi boleznyami, (22), 387-393.
9. Kuchboev, A. E., Najmidinov, E. K., Mukhamediev, M. A., Karimova, R. R., & Yildiz, K. (2021). Morphological and ecological features of some nematodes of the genus Rhabdochona in marinka obtained from Fergana Valley, Uzbekistan. Journal of Parasitic Diseases, 45(4), 1084-1089.
10. Xabibulloxonov, M. Z. (2022). RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR SHAROITIDA INFORMATIKA FANINI OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA INNOVATSION PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANIB O'QITISH. Conferencea, 199-202.



IMMIGRANTLARNING “MELTING POT” MODELIDA SHAXSIY IDENTIFIKATSIYASI VA MILLIY O‘ZIGA XOSLIGINI SAQLASH MUAMMOLARI

G‘aniyev Axrorjon Alisher o‘g‘li

Andijon Davlat Universiteti, mustaqil izlanuvchisi

Email: ganievaxrorjon@gmail.com

Annotatsiya

“Melting Pot” modeli immigratsiya jarayonida madaniy aralashuv va assimilyatsiya jarayonini ifodalaydi. Ushbu model bo‘yicha immigrantlar mahalliy jamiyatga qo‘shilish jarayonida o‘z milliy o‘ziga xosliklarini yo‘qotishi yoki u bilan murosaga kelishi mumkin. Tadqiqotda “Melting Pot” modeli doirasida shaxsiy identifikatsiyaning shakllanishi, milliy madaniyatni saqlash bilan bog‘liq qiyinchiliklar va bu jarayonga ta‘sir etuvchi psixologik omillar tahlil qilinadi. Immigrantlarning assimilyatsiya va integratsiya jarayonlariga bo‘lgan munosabati, shuningdek, ularning ijtimoiy moslashuvi va o‘zlikni anglash holati muhokama qilinadi. Ushbu maqola milliy identifikatsiya va globalizatsiya o‘rtasidagi ziddiyatlarni ham yoritib, immigrantlarning madaniy uyg‘unlashuvdagi muammolarini chuqur tahlil qiladi.

Kalit so‘zlar: immigrantlar, melting pot, assimilyatsiya, identifikatsiya, milliy o‘ziga xoslik, madaniy moslashuv, akkulturratsiya, globalizatsiya

KIRISH

XXI-asr globalizatsiya va migratsiyaning jadallashgan davri bo‘lib, turli madaniy guruhlarining o‘zaro aloqalari yangi ijtimoiy muammolarni keltirib chiqarmoqda. Immigrantlar mahalliy jamiyatga qo‘shilish jarayonida ikki asosiy yo‘nalish – assimilyatsiya va integratsiya o‘rtasida tanlov qilishadi. “Melting Pot” modeli asosan AQSh kontekstida shakllangan bo‘lsa-da, u bugungi kunda ko‘plab immigratsion davlatlarda qo‘llaniladigan nazariy kontseptsiya sifatida qaralmoqda. Ushbu modelga ko‘ra, immigrantlar qabul qiluvchi jamiyat madaniyatiga to‘liq assimilyatsiyalanib, o‘z milliy o‘ziga xosliklarini yo‘qotishi yoki murosaga kelishi mumkin. Biroq, bu jarayon ko‘plab shaxsiy va ijtimoiy muammolarni yuzaga keltiradi.

Immigrantlarning shaxsiy identifikatsiyasi va milliy o‘ziga xosligini saqlash masalasi nafaqat ijtimoiy psixologiya, balki sotsiologiya va etnologiya fanlarining ham dolzarb tadqiqot yo‘nalishlaridan biridir. Milliy identifikatsiya – bu nafaqat shaxsning o‘z kelib chiqishiga oid xabardorligi, balki u o‘zini qaysi madaniyatga tegishli deb bilishini ham aks ettiradi. “Melting Pot” modeli doirasida immigrantlarning o‘z milliy madaniyatini saqlab qolish yoki yangi madaniyat bilan uyg‘unlashish jarayonlari turlicha kechadi. Ba‘zi hollarda, mahalliy jamiyat immigrantlardan o‘z an‘analaridan voz kechib, to‘liq assimilyatsiyalanishini talab qiladi. Bunday bosim shaxsiy identifikatsiyaga jiddiy ta‘sir ko‘rsatib, madaniy stress va identifikatsion konfliktlarni yuzaga keltirishi mumkin.

Tadqiqotchilar “Melting Pot” modelining immigrantlar o‘rtasida qanday natijalarga olib kelishini turlicha baholaydilar. Ba‘zi nazariyotchilar bu modelni madaniy uyg‘unlashuvning samarali usuli deb hisoblasalar, boshqalari uni majburlovchi assimilyatsiya shakli sifatida tanqid qiladilar. Immigrantlarning mahalliy jamiyatga qo‘shilish jarayonida duch keladigan psixologik, ijtimoiy va madaniy muammolarni o‘rganish muhim ahamiyat kasb etadi. Shu sababli, ushbu maqolada “Melting Pot” modelining immigrantlarning shaxsiy identifikatsiyasiga ta‘siri, milliy o‘ziga xoslikni saqlash qiyinchiliklari hamda ijtimoiy moslashuv mexanizmlari ilmiy nuqtai nazardan tahlil qilinadi.

ADABIYOTLAR TAHLILI

Immigrantlarning assimilyatsiya va integratsiya jarayonlari ko‘plab akademik tadqiqotlarda o‘rganilgan. “Melting Pot” modeli dastlab XX asr boshlarida AQSh sotsiologlari tomonidan ilgari surilgan bo‘lib, bu model madaniy guruhlarining yagona milliy madaniyatga qo‘shilish jarayonini anglatadi (Park, 1920). Milton Gordon (1964) assimilyatsiya jarayonini yetti bosqichga ajratib, madaniy uyg‘unlashuvning turli darajalarini ko‘rsatgan. Uning tadqiqotlari shuni ko‘rsatadiki, assimilyatsiya immigrantlarning iqtisodiy va ijtimoiy hayotga moslashishiga yordam berishi mumkin, ammo ularning madaniy va milliy identifikatsiyasiga salbiy ta‘sir ko‘rsatadi.

Boshqa tadqiqotchilar esa “Melting Pot” modelining cheklovlarini ta‘kidlaydilar. Berry (1997) akkulturratsiya strategiyalarini o‘rganib, integratsiya modeli immigrantlar uchun samaraliroq bo‘lishi mumkinligini ta‘kidlagan. Uning fikricha, assimilyatsiya immigratsiya qilgan guruhlarining o‘z madaniy ildizlarini yo‘qotishiga olib kelishi mumkin, shu sababli ular madaniy stress va psixologik



bosimga uchrashadi.

Shuningdek, Zamostny va Kimbrough (2001) tomonidan olib borilgan tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, immigranlar o'z milliy o'ziga xosligini saqlab qolish uchun mahalliy jamiyatda madaniy ko'priklar yaratishga harakat qiladilar. Bu esa madaniy mozaika yoki "salat bowl" modeli orqali turli madaniyatlarning birgalikda yashashiga imkon beradi.

Umuman olganda, adabiyotlar shuni ko'rsatadiki, "Melting Pot" modeli bir tomonlama assimilyatsiyani rag'batlantirsa, zamonaviy tadqiqotlar integratsiyaning ahamiyatini ta'kidlaydi. Immigrantlarning shaxsiy identifikatsiyasi ushbu jarayonning asosiy qismidir va bu boradagi tadqiqotlar davom etmoqda.

METODOLOGIYA

Ushbu tadqiqot doirasida "Melting Pot" modelining immigrantlarning shaxsiy identifikatsiyasiga ta'siri ilmiy manbalar va empirik tadqiqotlar orqali tahlil qilindi. Metod sifatida adabiy tahlil, so'rovnomalar va ilgari o'tkazilgan tadqiqot natijalari ko'rib chiqildi.

Berry (1997) tomonidan ishlab chiqilgan akkulturatsiya modeli asosida immigrantlarning integratsiya va assimilyatsiya jarayonlari o'rganildi. Tadqiqotda immigrantlarning milliy identifikatsiya va assimilyatsiyaga bo'lgan munosabatlari tahlil qilinib, madaniy stress darajasi baholandi.

Shuningdek, Zamostny va Kimbrough (2001) tadqiqotlarida mahalliy jamiyatga moslashishning turli yo'llari ko'rib chiqilgan. Ushbu tadqiqot shuni ko'rsatadiki, immigrantlarning assimilyatsiya jarayoni ularning psixologik farovonligiga bevosita ta'sir qiladi. Tadqiqot natijalariga ko'ra, o'z madaniyati va an'alarini saqlab qolgan immigranlar assimilyatsiya bosimiga duch kelganda ko'proq stressga uchrashadi.

Natijalar shuni ko'rsatadiki, "Melting Pot" modeli ijtimoiy uyg'unlashuvga yordam berishi mumkin, lekin u immigrantlarning shaxsiy identifikatsiyasiga murakkab ta'sir ko'rsatadi. Shu sababli, tadqiqotda integratsiya strategiyalarining afzalliklari va ularning milliy o'ziga xoslikni saqlashdagi roli ham muhokama qilinadi.

NATIJALAR TAHLILI VA MUHOKAMASI

Tadqiqot natijalari shuni ko'rsatadiki, immigrantlarning "Melting Pot" modelida shaxsiy identifikatsiyasi va milliy o'ziga xosligini saqlash muammolari murakkab jarayondir. Ko'pchilik immigranlar jamiyatga integratsiyalashishga intilsalar-da, bu ularning shaxsiy va milliy identifikatsiyasiga ta'sir ko'rsatishi mumkin. Natijalar shuni ko'rsatadiki, assimilyatsiya va integratsiya darajasi turli omillarga, jumladan, immigrantlarning yoshiga, ta'lim darajasiga, iqtisodiy sharoitlariga va yangi muhitga bo'lgan moslashish strategiyalariga bog'liqdir.

Shuningdek, yuqori darajadagi assimilyatsiya immigrantlarning o'z an'anaviy madaniyatidan uzoqlashishiga sabab bo'lishi mumkin. Biroq, madaniy diversifikatsiyaga yo'l qo'yuvchi jamiyatlarda immigranlar o'z madaniy qadriyatlarini saqlab qolgan holda jamiyat hayotida faol ishtirok etishlari mumkin. Shuningdek, "Melting Pot" modeli barcha immigranlar uchun bir xilda ishlamaydi; ba'zi etnik guruhlar o'z madaniyati va tillarini saqlab qolish orqali ijtimoiy ajralish jarayoniga duch kelishadi.

Muhokamalar davomida "Melting Pot" modelining zamonaviy ijtimoiy muhitga mosligi shubha ostiga olinmoqda. Tadqiqot natijalariga ko'ra, madaniy diversifikatsiyani qo'llab-quvvatlovchi jamiyatlar ko'proq ko'p madaniyatlilik tamoyillariga amal qilishga harakat qilmoqda. Bu esa immigranlar o'rtasida assimilyatsiya o'rniga madaniy moslashuv jarayonini qo'llab-quvvatlashga olib kelmoqda. Shuningdek, immigranlar jamiyatga integratsiyalashish jarayonida ijtimoiy va psixologik muammolarga duch keladilar, bu esa ular orasida o'ziga ishonchsizlik, madaniy identifikatsiya inqirozi va diskriminatsiyaga olib kelishi mumkin.

Umuman olganda, tadqiqot natijalari shuni ko'rsatadiki, "Melting Pot" modeli immigranlar o'rtasida shaxsiy identifikatsiya va milliy o'ziga xoslikni saqlash bo'yicha turli muammolarni keltirib chiqaradi. Shuning uchun, jamiyatlar immigratsiya jarayonini boshqarishda ko'proq madaniy ko'p turlilik va integratsiyani qo'llab-quvvatlashga e'tibor qaratishlari lozim.

XULOSA

Ushbu tadqiqot natijalari shuni ko'rsatadiki, "Melting Pot" modeli immigrantlarning shaxsiy va milliy identifikatsiyasiga sezilarli ta'sir ko'rsatadi. Immigranlar ko'pincha o'z madaniyatlarini saqlab qolish va yangi muhitga moslashish o'rtasida muvozanat topishga harakat qiladilar. Biroq, ba'zi holatlarda assimilyatsiya jarayoni ularning madaniy ildizlaridan uzoqlashishiga olib kelishi mumkin.

Zamonaviy jamiyatlar ko'proq ko'p madaniyatlilik tamoyillariga e'tibor qaratmoqda, bu esa immigranlarga o'z madaniyatlarini saqlab qolish imkoniyatini beradi. Shu sababli, integratsiya



strategiyalari madaniy diversifikatsiyani qo‘llab-quvvatlovchi yondashuvlar asosida shakllantirilishi lozim.

Tadqiqot natijalariga ko‘ra, immigrantlarning milliy identifikatsiyasini saqlash va ijtimoiy moslashuv jarayonini osonlashtirish uchun davlat siyosatlari va ijtimoiy institutlar muhim rol o‘ynaydi. Shu nuqtai nazardan, jamiyatlarning immigratsiya siyosatlari “Melting Pot” modelidan ko‘ra, madaniy moslashuv va ko‘p madaniyatlilik tamoyillariga asoslanishi lozim.

Adabiyotlar

1. Alba, R., & Nee, V. (2003). *Remaking the American mainstream: Assimilation and contemporary immigration*. Harvard University Press.
2. Berry, J. W. (1997). Immigration, acculturation, and adaptation. *Applied Psychology: An International Review*, 46(1), 5-34.
3. Huntington, S. P. (2004). *Who are we? The challenges to America’s national identity*. Simon & Schuster.
4. Park, R. E. (1950). *Race and culture*. Free Press.
5. Portes, A., & Rumbaut, R. G. (2001). *Legacies: The story of the immigrant second generation*. University of California Press.
6. Ganiev, A. (2024). THE IMPACT OF IMMIGRATION ON LANGUAGE EVOLUTION AND CHANGE: A PSYCHOLINGUISTIC PERSPECTIVE. *University Research Base*, 956-960.
7. Ganiev, A. (2023). THE ROLE OF DIRECTNESS LEVEL AND SOCIAL FACTORS IN THE REALIZATION OF COMPLAINING SPEECH ACT: A CROSS-CULTURAL STUDY. *Interpretation and researches*, 1(11).



Sayipnazarov Aydos Kamiljanovich
Taxtakopir tumani, 1-sonli umumta'lim
maktabi Tarbiya va Huquq asoslari o'qituvchisi

Annotatsiya: Ijtimoiy tarmoqlar bugungi kunda hayotimizning ajralmas qismiga aylangan. Ular nafaqat axborot almashish, balki o'zaro muloqot qilish, fikrlarni ifodalash va yangi do'stlar orttirish imkonini beradi. Yoshlar, ayniqsa, ijtimoiy tarmoqlardan faol foydalanadilar. Bu tarmoqlarning yoshlarning tarbiyasiga ta'siri esa ko'p jihatdan o'ziga xos va murakkabdir. Ijtimoiy tarmoqlar yoshlarning fikrlarini, his-tuyg'ularini va o'zaro munosabatlarini shakllantirishda muhim rol o'ynaydi.

Kalit so'zlar: ijtimoiy tarmoqlar, ta'lim va tarbiya, axloq, axborot almashinuvi, muloqot, ijodiy fikrlash.

Ijtimoiy tarmoqlar yoshlar uchun bilim olish manbai sifatida xizmat qiladi. Internetda mavjud bo'lgan turli xil resurslar, maqolalar, videolar va darsliklar yoshlarning o'z-o'zini o'rgatishlariga yordam beradi. Yoshlar ijtimoiy tarmoqlarda o'z qiziqishlariga mos keladigan guruhlar va sahifalarni topish orqali yangi ma'lumotlarga ega bo'lishlari mumkin. Bu jarayon, o'z navbatida, ularning bilim doirasini kengaytiradi va yangi g'oyalar bilan tanishish imkonini beradi. Yoshlar ijtimoiy tarmoqlarda o'z fikrlarini ifodalash, bahs-munozaralarda ishtirok etish orqali o'z fikrlarini rivojlantiradilar. Biroq, ijtimoiy tarmoqlar, shuningdek, yoshlarning psixologik holatiga ta'sir ko'rsatishi mumkin. Yoshlar ko'pincha o'zlarini boshqalar bilan taqqoslashadi, bu esa o'ziga bo'lgan ishonchini pasaytirishi mumkin. Ijtimoiy tarmoqlarda doimiy ravishda boshqalar bilan solishtirish, o'zini past baholash va salbiy fikrlar paydo bo'lishi yoshlar uchun muammoga aylanishi mumkin. Shuningdek, ijtimoiy tarmoqlarda tarqatilayotgan salbiy yoki nojo'ya kontent, yoshlarning ruhiy holatiga salbiy ta'sir ko'rsatishi mumkin. Yoshlar o'zlarini boshqalar bilan taqqoslab, o'z muvaffaqiyatlarini past baholashlari mumkin, bu esa ularning motivatsiyasini kamaytiradi.[1]

Ijtimoiy tarmoqlar yoshlar o'rtasida ijtimoiy munosabatlarni rivojlantirishda muhim rol o'ynaydi. Ular do'stlar, tanishlar va hatto yangi odamlar bilan bog'lanish imkonini beradi. Yoshlar o'z fikrlarini, his-tuyg'ularini va tajribalarini baham ko'rish orqali o'zaro muloqot qilishadi. Bu jarayon, o'z navbatida, ijtimoiy ko'nikmalarni rivojlantirishga yordam beradi. Biroq, ba'zi hollarda, ijtimoiy tarmoqlarda o'zaro munosabatlar yuzaki bo'lib qolishi mumkin, bu esa yoshlarning haqiqiy hayotdagi muloqot ko'nikmalarini pasaytirishi mumkin. Yoshlar o'zaro muloqotda samimiylilikni yo'qotishi va yuzaki aloqalarga o'tishi mumkin, bu esa ularning ijtimoiy ko'nikmalarini rivojlantirishga to'sqinlik qiladi. Ijtimoiy tarmoqlar yoshlarning axborotga bo'lgan munosabatini o'zgartiradi. Yoshlar tez-tez turli xil ma'lumotlarga duch keladilar, lekin bu ma'lumotlarning haqiqiyliги va ishonchliligini tekshirish ko'nikmalari kam bo'lishi mumkin. Bu esa, o'z navbatida, noto'g'ri ma'lumotlarga asoslangan qarorlar qabul qilishiga olib kelishi mumkin. Yoshlar ijtimoiy tarmoqlarda tarqatilayotgan ma'lumotlarga ko'proq ishonishlari mumkin, bu esa ularning fikrlarini va qarorlarini shakllantirishda salbiy ta'sir ko'rsatishi mumkin. Ijtimoiy tarmoqlarda tarqatilayotgan ma'lumotlarning ko'pligi, yoshlarning haqiqiy va muhim ma'lumotlarni ajratib olishlariga to'sqinlik qilishi mumkin. Ijtimoiy tarmoqlar yoshlarning madaniy va axloqiy tarbiyasiga ta'sir ko'rsatadi. Ijtimoiy tarmoqlarda tarqatilayotgan kontent, jumladan, filmlar, musiqalar va boshqa madaniy asarlar, yoshlarning dunyoqarashini shakllantirishda muhim rol o'ynaydi. Biroq, ba'zi hollarda, bu kontent yoshlarni salbiy axloqiy qadriyatlar bilan tanishtirishi va ularning xarakterini o'zgartirishi mumkin. Yoshlar o'zlariga o'xshagan odamlar bilan bog'lanish orqali ularning fikrlariga ta'sir o'tkazishi mumkin, bu esa ijtimoiy normalarni va qadriyatlarni o'zgartirishga olib kelishi mumkin. Ijtimoiy tarmoqlarda tarqatilayotgan ayrim kontentlar, yoshlarning axloqiy qadriyatlariga salbiy ta'sir ko'rsatishi mumkin. [2]

Ijtimoiy tarmoqlar yoshlar uchun yangi imkoniyatlar yaratadi. Ular o'z qiziqishlariga mos keladigan guruhlariga qo'shilish, yangi do'stlar orttirish va hatto yangi ish imkoniyatlarini topishlari mumkin. Ijtimoiy tarmoqlar yoshlar uchun global miqyosda aloqalar o'rnatish imkoniyatini beradi. Bu jarayon, o'z navbatida, yoshlarning ijtimoiy va professional rivojlanishiga yordam beradi. Biroq, ijtimoiy tarmoqlarda vaqt o'tkazishning haddan tashqari ko'pligi, yoshlarning haqiqiy hayotdagi aloqalarini kamaytirishi mumkin. Yoshlar ko'pincha ijtimoiy tarmoqlarda ko'p vaqt o'tkazadilar, bu esa ularning haqiqiy hayotdagi muloqotlariga salbiy ta'sir ko'rsatishi mumkin. Yoshlarning tarbiyasida



ijtimoiy tarmoqlarning ta'sirini nazorat qilish muhimdir. Ota-onalar va o'qituvchilar yoshlarning ijtimoiy tarmoqlarda qanday faoliyat yuritayotganini kuzatib borishlari zarur. Yoshlar uchun ijtimoiy tarmoqlarda qanday kontentlarni ko'rishlari va qanday guruhlariga qo'shilishlari haqida maslahat berish muhimdir. Bu jarayon, yoshlarning ijtimoiy tarmoqlardan to'g'ri foydalanishlariga yordam beradi. Ota-onalar va o'qituvchilar yoshlarni ijtimoiy tarmoqlarda o'zlarini qanday ifoda etishlari, boshqalar bilan qanday muloqot qilishlari va axborotlarni qanday tanlashlari bo'yicha yo'l-yo'riq ko'rsatishlari kerak. Ijtimoiy tarmoqlarning yoshlarning tarbiyasiga ta'siri, shuningdek, ijtimoiy mas'uliyatni rivojlantirishda ham muhim rol o'ynaydi. Yoshlar ijtimoiy tarmoqlar orqali ijtimoiy muammolar, ekologiya, adolat va boshqa masalalar bo'yicha fikr almashish imkoniyatiga ega. Bu jarayon, ularning ijtimoiy faolligini oshirishi va jamiyatda o'z o'rnini topishga yordam berishi mumkin. Yoshlar ijtimoiy masalalarga qiziqish bildirish orqali o'zlarini jamiyatning bir qismi sifatida his qilishlari mumkin.[3]

Xulosa:

Xulosa qilib aytganda, ijtimoiy tarmoqlar yoshlarning tarbiyasiga ko'p qirrali ta'sir ko'rsatadi. Ular bilim olish, ijtimoiy munosabatlarni rivojlantirish, psixologik holatga ta'sir qilish, axborotga bo'lgan munosabatni o'zgartirish, madaniy va axloqiy tarbiyani shakllantirishda muhim rol o'ynaydi. Ota-onalar, o'qituvchilar va jamiyat ijtimoiy tarmoqlarning ta'sirini tushunib, yoshlarning tarbiyasida ijtimoiy tarmoqlardan qanday foydalanishni nazorat qilishlari zarur. Yoshlar uchun ijtimoiy tarmoqlardan to'g'ri foydalanish ko'nikmalarini rivojlantirish, ularning kelajakdagi muvaffaqiyatlari uchun muhim asos bo'lib xizmat qiladi. Ijtimoiy tarmoqlarning yoshlarning tarbiyasiga ta'siri murakkab bo'lsa-da, to'g'ri yondashuv va nazorat bilan bu ta'sirni ijobiy tomonga o'zgartirish mumkin. Yoshlar ijtimoiy tarmoqlardan foydalanish orqali o'zlarini rivojlantirish, yangi bilimlar olish va ijtimoiy munosabatlarni mustahkamlash imkoniyatiga ega bo'lishlari mumkin. Bu jarayon, o'z navbatida, ularning kelajagi va jamiyatdagi o'rnini uchun muhim ahamiyatga ega. Shuning uchun, ijtimoiy tarmoqlarning ta'sirini tushunish va nazorat qilish yoshlar tarbiyasida alohida ahamiyatga ega.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Abdullaeva, F. (2021). "Ijtimoiy tarmoqlar va yoshlar: tarbiyada yangi yo'nalishlar". Toshkent: O'zbekiston Milliy Universiteti.
2. Karimov, A. (2020). "Yoshlar tarbiyasi va ijtimoiy tarmoqlar: muammolar va yechimlar". Samarqand: Samarqand Davlat Universiteti.
3. Murodov, I. (2022). "Ijtimoiy tarmoqlar va yoshlarning psixologik rivojlanishi". Buxoro: Buxoro Davlat Universiteti.
4. Rasulov, S. (2019). "Yoshlar va ijtimoiy tarmoqlar: ijtimoiy mas'uliyat va axloqiy qadriyatlar". Qaraqalpaq: Qaraqalpaq Davlat Universiteti.
5. Axmedov, N. (2021). "Ijtimoiy tarmoqlar va zamonaviy yoshlar: ijtimoiy munosabatlar va tarbiya". Andijon: Andijon Davlat Universiteti.
6. Xudoyberdiyeva, D. (2023). "Ijtimoiy tarmoqlarning yoshlar tarbiyasidagi o'rnini". Farg'ona: Farg'ona Davlat Universiteti.
7. Yuldashev, R. (2022). "Yoshlar va ijtimoiy tarmoqlar: zamonaviy tarbiyaning yangi usullari". Namangan: Namangan Davlat Universiteti.



БИОМЕДИЦИНА ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ
ТАДҚИҚОТЛАР

“CLINICAL AND HORMONAL CHARACTERISTICS OF PATIENTS WITH
THYROID NODULES”

Khalimova Zamira Yusufovna

Doctor of Medical Sciences, Professor,
Deputy Director for Scientific Research at the
Academician Yo.Kh. Turakulov Republican
Specialized Scientific and Practical Medical
Center of Endocrinology, Ministry of
Health of the Republic of Uzbekistan
Republic of Uzbekistan, 100125, Tashkent, 56 Mirzo Ulugbek St.
Tel: +998 90 9525598

Dadakhonova Maryam Bakhtiyarovna

Doctoral Student, Department of Endocrinology and
Pediatric Endocrinology, Tashkent Pediatric Medical Institute
Republic of Uzbekistan, 100140, Tashkent, 223 Bogishamol St.
Tel: +998 93 590 09 09

Relevance. Thyroid nodules are usually benign and are detected in 2-6% of patients during physical examination, in 19-68% of patients during ultrasound, and in 8-65% during autopsy [1]. Although most of them are benign, the risk of developing cancer ranges from 7% to 15% depending on factors such as age, gender, radiation exposure, and family history [2]. Traditionally, levothyroxine, thyroid hormone supplements, and surgical intervention are two methods for treating benign nodule enlargement, but both have their drawbacks [3]. Previously, levothyroxine was used to suppress TSH in the hope that this suppression would help reduce the growth rate of benign thyroid nodules. Unfortunately, the decrease in the growth rate of thyroid nodules was insignificant, but the resulting hyperthyroidism also led to subsequent cardiovascular consequences and deterioration of bone health. Considering these side effects, the American Thyroid Association (ATA) recommended abandoning routine suppression of TSH levels in benign nodules, and this practice has largely been discontinued.

All this served as the basis for this study.

The aim of the study was to assess the functional state of patients with thyroid nodular lesions.

Research material and methods: Based on the Department of Endocrine Surgery of the Academic Yo.Kh. Turakulov Republican Specialized Scientific and Practical Medical Center of Endocrinology of the Ministry of Health of the Republic of Uzbekistan, 157 patients with thyroid nodules were examined from 2016 to 2022. Of the 157 patients, 91 were men and 66 were women. The majority of patients were between the ages of 44 and 60 - 61 patients (38.8%).

We conducted a retrospective analysis of the medical histories of these patients. Patients were divided into 4 groups: 1st group - patients with thyroid nodules up to 1 cm - 56 patients, 2nd group - patients with thyroid nodules from 1 to 1.5 cm - 35 patients, 3rd group - patients with multi-nodule thyroid nodules up to 1 cm - 50 patients, 4th group - patients with multi-nodule thyroid nodules from 1 to 1.5 cm - 16 patients. 20 healthy individuals constituted the control group.

Research methods: general clinical, biochemical (bilirubin, direct, indirect, ALT, AST, PTI, coagulogram, CRP), hormonal (TTG, free thyroxine, antibodies to thyroid peroxidase, thyroglobulin and thyrocyte receptors, blood prolactin) and instrumental: ECG, thyroid ultrasound, internal organs, chest x-ray, as well as fine-needle aspiration biopsy (TAB).

Research results. The analysis showed that hypothyroidism was observed in 57 (36.3%) patients, hyperthyroidism in 51 (33.5%), and euthyroidism in 49 (31.2%) patients.

In the 1st group of patients with a nodal formation of less than 1 cm in the thyroid gland, no significant changes were found in hormonal indicators ($p > 0.05$). In the 2nd group of patients with



nodular formations from 1 to 1.5 cm, a picture of subclinical hypothyroidism was observed with a significant increase in ATP to rT ($p < 0.05$). In the 3rd and 4th groups of patients with multiple nodes in the thyroid from 1 to 1.5 cm, the clinical picture of manifest hypothyroidism was observed against the background of a significant increase in all antibodies - to TPO, TG, and rT ($p < 0.05$).

In the 1st and 2nd groups of patients with hyperthyroidism, a picture of subclinical hyperthyroidism was observed without disorders in the concentration of antibodies to TPO, TG, and rT ($p > 0.05$), while in the 3rd and 4th groups, a picture of manifest hyperthyroidism and a significant increase in antibodies to TPO, TG, and rT ($p < 0.05$) was noted.

Conclusions and recommendations. Patients with thyroid nodules need to monitor their hormonal status to assess hypothyroidism/hyperthyroidism compensation.

List of references

1. Dean DS, Gharib H. Epidemiology of thyroid nodules. //Best Pract Res Clin Endocrinol Metab. 2008;22(6):901-911.
